

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

С. БУЛАТОВ

**САНЪАТ
АСАРЛАРИНИНГ
МОҲИЯТИНИ АНГЛАШ
ПСИХОЛОГИЯСИ**

(Монография)

**ТОШКЕНТ
«IQTISOD–MOLIYA»
2013**

УЎК 72(09)
КБК 87.8
Б-93

Такризчилар: **Камола Акилова** – санъатшунослик фанлари
доктори, профессор;
Нозилов Додо Авазович – архитектура фанлари
доктори, профессор;
Сафаев Нуриддин Салихович –
психология фанлари доктори, профессор

Булатов С. С., Санъат асрларининг моҳиятини англаш психологияси (Монография) – Т.: «Iqtisod–Moliya», 2013. 144 б.

Ушбу монографияда бадий таълим тизимида соҳалар психологиясининг ўргатилишидаги муаммолар ва назарий асослари ҳамда санъат асарларининг моҳиятини англаш психологиясининг замонавий технологиялари ҳақида баён этилган.

Монография бадий таълим тизимидаги ўқитувчилар, санъатшунослар, тарихшунослар, психологлар, меъморлар, олий ва ўрта махсус касб-хунар таълим муассасалари талабалари, мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари ҳамда Ўзбекистоннинг маънавий меросига қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Мазкур монография Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг Давлат илмий-техника дастури доирасида бажарилаётган И-1-6-0-11527 рақамли лойиҳаси асосида тайёрланди.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети-нинг 2013 йил 20 мартдаги илмий кенгашида (9-сонли баённомаси) муҳокама қилиниб, нашрга тавсия этилган.

УЎК 72(09)
КБК 87.8

ISBN 978-9943-13-410-2

© «IQTISOD-MOLIYA», 2013
© Булатов С., 2013

*Маънавият ўз халқининг тарихи, унинг маданияти ва
вазифаларини чуқур билиш ва тушуниб етишга суянганидагина
қудратли кучга айланади.*

Ислом КАРИМОВ

КИРИШ

Мамлакатимизда халқимизнинг минг йиллик миллий ҳамда маданий анъаналари, қадриятларига дахлдор тушунчаларни мунтазам тадқиқ ва таҳлил қилиш, келажак авлодга етказиш борасида шарт-шароитлар ва имкониятлар яратилмоқда. Бу борада мамлакатимизда сиёсати муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу сиёсат халқимизнинг маънавий-маданий тарихида шаклланган халқчиллик, одиллик, бағрикенглик, тотувлик, барқарорлик каби ғояларни ўзида мужассам этади.

Ўзбекистон халқларининг тарихи, қадриятлари, илм-фан, маданият дурдоналарини ҳар томонлама илмий ўрганиш ва таҳлил этиш ғоят муҳим. «Бугун бизнинг олдимизда шундай тарихий имконият пайдо бўлдики, – дея таъкидлаган эди Президентимиз И. Каримов, – биз босиб ўтган йўлимизни танқидий баҳолаб, миллий давлатчилигимиз негизларини аниқлаб, буюк маданиятимиз томирларига, қадимий меросимиз томирлариги қайтиб, ўтмишдаги бой анъаналарни янги жамият қурилишига тадбиқ этмоғимиз керак»¹. Шу мақсадда республикаимиз ҳукуматининг қатор ҳужжатлари Ватанимизнинг ҳар томонлама жаҳон андозалари асосида ривожланишига қаратилмоқда. Жумладан, ёшларга таълим-тарбия беришда маданиятимиз, қадриятларимиз, миллий санъатимиз намуналаридан, аждодларимиз томонидан яратилган ва бутун жаҳонга машҳур бўлган ажойиб санъат намуналаридан кенг фойдаланишга катта аҳамият берилмоқда.

Қадимда одамлар ўзлари яшаётган масканлардаги девору тошларга ов жараёнлари, жангу жадаллар, базмлар, турли рамзий нақшлар, тантанали маросимларни акс эттирганлар. Жумладан, Афросиёб, Варахша, Болаликтепа ва бошқа обидалар қолдиқлари шундан далолат беради.

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. –Т.: Ўзбекистон, 1995. 9 б.

Ранг-баранг ўсимликсимон, геометрик нақшларда, уларнинг ўзаро жойлашишида чуқур мазмун мужассамлаштирилган. Тасвирланган нақшларда рамзийлик устувор. Ота-боболаримиз қадимий обидаларни нафис нақшлар билан безар экан, завқ олиш билан бир қаторда, улар орқали ўз орзу-умидларини, муҳаббат ва тилаklarини тараннум этган. Наққош ота-боболаримиз инсон руҳиятини жуда чуқур ва ҳар тарафлама ўрганиб, уйларни ажойиб нақшу нигорлар билан безаган. Нақшланган уйда кишилар хотиржам, руҳий осойишталик оғушида бўлиши, узоқ умр кўришини донишманд боболаримиз асрлар давомида ҳаётий тажрибалари асосида илғаган.

Алишер Навоий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Ал-Хоразмий, Низомий Ганжавий, Носир Хусрав, Камолiddин Бехзод, Маоний, Фирдавсий, Умар Хайём, Бобур каби жаҳонга машҳур олим, шоир ва алломалар биноларимизни кишилар ҳаёлини ўзига тортувчи, табиатнинг гўзал манзараларига монанд нақшлар билан безашга чақирганлар, кишиларни гўзаллик билан яқин дўст, биродар бўлишга ундаганлар. Ислom динининг муқаддас китоби Қурони Каримда «Аллоҳ гўзал ва у гўзалликни севади», – дейилади. Демак, ислomнинг эстетик нуқтаи назари гўзалликка ошно бўлмокликдир. Аллоҳ гўзал экан, у яратган одам ҳам, у бунёд қилган олам ҳам, бандаларга ҳадя этган ноз-неъматлари ҳам гўзалдир. Шунга мувофиқ, Аллоҳнинг исм-сифатларини васф этувчи сўзларимиз, унинг қудратини тамсил этувчи биноларимиз, меъморлик обидаларимиз, кўйингки, тангри иродаси, исм-сифати билан боғлиқ бу оламда нимаики нарсa бўлса, ҳаммаси гўзал бўлиши керак. Араб имлоси, газал, битиклар, нақшлар, меъморий обидалар, тасвирий санъатнинг ислимий-тилсимий турлари эшитиш ва кўриш аъзоларимиз орқали руҳимизга ҳиссий қувонч олиб келади. Ислom маданияти ижод дастурида фикр ва нарсаларнинг шакл яхлитлиги рамзий-тилсимий мазмун қобиғига ўралган. Нақш чордага ортидаги ҳолатга ўзини тайёрлаш ва унга кириб бориш тимсолидир...»².

Халкимизнинг бебаҳо маданий мероси. Уларнинг ҳар бирида асрлар тажрибаси жамланган, боболаримиз ижодий меҳнати мужассам топган.

Ўтмишнинг ҳар бир ёрқин «зиё» заррасида асрлар қаъридаги зулмат ёритилган. Ҳозирда халкимиз санъатшунослари зиммасида

² Ғафур Ғулом. Ибтидоий аҳд. Тафаккур журнали. 1994, №1. Б. 53-54.

маданий мерос хазинасига муносиб ёдгорлик ёки ёдномаларни ва санъат асарларини излаб топиш, уларни чуқур ўрганиб, мағзини чакиш, улар ташкил этган ижод пиллапояларидан кўтарилиб, янги замон маданияти равнакига хизмат этиш каби ғоят масъул ва эътиборли вазифа турибди. Ўзи бир олам бўлган тасвирий санъат, меъморлик санъати ва у билан чамбарчас боғлиқ халқ амалий санъати, хусусан, наққошлик, ганчкорлик, кандакорлик каби соҳалардаги ижод намуналарини ўрганиш йўлида анчагина самарали тадқиқотлар мавжуд. Кўп йиллик изланишлар гувоҳлик берадики, халқ меъморлари, халқ усталари таомилига хос анчагина муаммолар бор, улардан бири санъат асарлари моҳиятини англаш психологияси етарлича ўрганилмаган.

Ушбу монографияни ёзишдан мақсад тасвирий санъат, меъморий безак ва амалий санъат йўналишларида тайёрланаётган кадрларимизни жаҳон андозалари талабларига мос ва уларни баркамол руҳда тарбиялашдир. Бунинг учун мактаблар, касб-хунар коллежи ўқувчилари ва олий ўқув юрти талабаларини аждодларимиз қолдирган маънавий мерос-тасвирий санъат меъморий ёдгорликлари ва амалий санъат асарларидаги рамзий маъноларни, ундаги мантикий-фалсафий ғояларни моҳиятини ва уларни амалга қўллашга йўналтириш муҳим вазифаларидан биридир.

Бўлажак уқитувчи тасвирий ва амалий санъат асарлари моҳиятини тўғри англаш учун фалсафадаги «Моҳият ва ходиса» деган фалсафий тушунчага эга бўлиши керак.³

Моҳият – нарсаларнинг ички мазмуни бўлиб, уларнинг турли-туман хоссалари ва муносабатларини яхлит акс эттиради.

Ҳодиса – нарсанинг бирор тарзда зохир бўлиши, ташқи мавжудлик шаклидир.

Инсоннинг билиши дастлаб, ходисаларни билишдан бошланади, сўнгра, унинг моҳиятини англаб тушуниб боради. Моҳият нарсаларни чуқур таҳлил қилиш натижасида билиб борилади.

Ўқитувчининг вазифаси асарларидаги белги ва хусусиятлари остида ётган моҳиятини тўғри излаб топишдан иборат.

Ёшлар санъат асарларини бадиий таҳлил қилиш учун, унинг мезонларини пухта билиши зарур. Ҳозирги вақтда санъат асарларини бадиий таҳлил қилишга оид адабиётлар етарли эмас. Юқоридаги

³ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т.: 2003, 6-жилд, 102-бет.

муаммоларни бартараф этиш мақсадида ушбу монография яратилди.

Монография олти бобдан иборат бўлиб, биринчи бобда бадиий таълим тизимида талабаларни фалсафий фикрлашининг назарий асослари ва муаммолари ҳақида баён этилган. Иккинчи боб бадиий таълим тизимида коинот фалсафаси ва унинг муаммолари ҳақида, учинчи бобда тасвирий санъат асарларини бадиий таҳлил қилишнинг психологик асослари ва тизими ёритилган. Тўртинчи боб санъат асарларининг фалсафий талқини ҳақида фикр юритилади. Бешинчи боб комил инсон қалбидаги ранглар фалсафаси деб номланган бўлиб, унда Нажмидин Кубронинг «Латоиф» назариясининг модели ишлаб чиқилганлиги берилган. Сўнгги олтинчи бобда устоз ва шогирд анъаналари, ўзаро муносабатларнинг ҳукукий ва психологик асослари ўз исботини топган.

Муаллиф китобхонлардан ушбу монография ҳақидаги ўз таълиф ва мулоҳазалари учун ўз миннатдорчиликларини билдиради.


Эй мен билган, билмаган дунё!
Заррадан то коинот қадар ҳам аён,
ҳам тилсимои қадар.
Мен ҳам сендан бир

Фикрат бовар қилмаган дунё қисм бўлиб,
Ҳис, идрок, жон ва жисм
бўлиб яралибман, яшамокдаман...
Эркин Воҳидов

I боб. БАДИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ТАЛАБА-ЁШЛАРНИ САНЪАТ АСАРЛАРИ МОҲИЯТИНИ АНГЛАШГА ЎРГАТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Республикамиз таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар таълим мазмунини умуминсоний кадриятлар ва халқмизнинг тарихий-маданий анъаналари асосида ташкил этишга кенг йўл очиб берди. Натижада таълим стандартлари, ўқув дастурлари, дарсликларнинг янги авлоди яратилди. Айни пайтда улар тақомиллаштирилмоқда, модернизация қилинмоқда. Педагогика олий ўқув юрларида фалсафа, этика, эстетика, мантиқ, психология, математика ва бошқа фанлардан сабоқ берилади. Лекин улар ҳар бир соҳа ихтисослик фанларига мослаштирилган тарзда, ўқитилмайди (1-расм).

Масалан, «Санъат» факультетидаги Тасвирий ва муҳандислик графикаси ва «Амалий санъат» йўналишларида ганчкорлик, наққошлик, ёғоч ўймакорлиги билан бирга тарих, олий математика, мантиқ, фалсафа, психология, этика каби умум-қасбий фанлар ўқитилади. Лекин уларда умум-қасбий фанлар тасвирий ва амалий санъат фанлари билан уйғунликда боғлаб ўргатилмайди. Шунингдек, «Санъат» факультетида фалсафа фани ўтилади, лекин унинг тармоғи бўлмиш санъат фалсафаси ўтилмайди. Чунончи, фалсафа фани барча соҳалар каби педагогика университетларида ҳам ўргатилади, лекин ўша мутахассисликни ўзига хос томонлари ҳисобга олиниб ўргатилмайди. Шунинг учун ҳам, тайёрлаётган кадрларимизда махсус фанлар бўйича фалсафий фикрлаш, мушоҳада юриштиш етарли даражада шаклланимиз дея олмаймиз. Бу ҳолни оддий савол-жавоблардан ҳам билиб олишимиз мумкин. Бадиий иқтисосликка йўналтирилган кадрларнинг қасбий сифатини янада ошириш мақсадида ўқув режадаги фалсафага ажратилган соатларнинг муайян қисмини санъат фалсафасига ажратилиши мақсадга мувофиқдир.



1-расм. Тасвирий ва амалий санъат фанлари билан умумтаълим фанлари фанлараро боғлиқлиғи.

«Фалсафа, – барча фанларнинг отасидир. Фалсафа табиат, жамият ва тафаккур тараққиётининг умумий қонуниятларини ўргатади. У инсоннинг борлиқдаги ўрнини, ён-атрофни идрок этиш йўллари тадқиқ этади ғносеологик изланишлари умумлаштиради.

Фалсафани бизнинг фикримизча, ҳар бир ихтисосликка мослаб ўқитмоқ даркор. Ўқитувчи устоз ўз талабасига Амалий санъатнинг қонун ва категорияларини амалий безак санъати мисолида теран таҳлил қилиб бера оладиган бўлиши лозим.

Ҳар бир ихтисосликка фалсафани шу фан йўналиши билан боғлаб, узвий алоқадорликда ўқитиш керак. Бунинг учун дарс берувчи мутахассис рассом-файласуф, амалий санъат устаси-файласуф, тилшунос-файласуф, мушқашунос-файласуф, химик-файла-

суф иқтисослик тафсилотларини яхши билган мутахассис бўлиши лозим.

Кейинги вақтларда «соф файласуф» деган атама билан номланувчи олимлар асл мутахассислиги бошка бўлган файласуфлардан устун қўйилади. Ҳақиқатан ҳам соф файласуф бўлиш мумкинми? У фалсафа фанининг юқорида зикр этилган «кераксиз»лиги учун хизмат қилмайдими? Аслида ҳақиқий файласуф бирор фанни пухта эгаллаши натижасида ўсиб чиқмайдими? Файласуфликнинг илк белгиси бирор фанни пухта эгаллашдан иборат эмасми?

Фалсафий тадқиқотлар сифатида ҳам хусусий фалсафа (диалектика) шакллантирилиши, бунда умумдиалектик қонун ва категорияларнинг аниқ фанларда акс этишининг ўзига хосликлари текширилиши лозим. Бу билан эса олинган умумий қонуниятлар амалиётда текширилади ва тўлдириб мукаммалаштирилади.

Чунки ўзида ўқтирилишича, фанларнинг ривожланиши билан жараёни «жонли мушоҳада – абстракт тафаккур – амалиёт – жонли мушоҳада – абстракт тафаккур – амалиёт»дан иборат узлуксиз занжирдир.

Бугун диалектика фан сифатида борлиқнинг умумий ривожланиш қонун ва категорияларини аниқлайди. Энди эса навбат ана шу ютуқларни амалиётга татбиқ этиш, уларни хусусий фанлар мисолида текшириб кўришдан иборат».

Масалан: III–XII асрларда ясалган оддий бир амалий санъат асари бўлмиш лаганни олайлик. Логан чиройли қилиб безалган ва бу безакда рамзий маънода балиқлар тасвирланган (мазмундан келиб чиқан ҳолда). Бу санъат асари учта вазифани бир вақтда бажаради дея оламиз (2-расм).

Биринчидан, лаган амалда қуюқ овқат ёки хўл мевалар тановул қилишда ишлатилган бўлса, иккинчидан, безак сифатида, учинчидан, лаган шакли ва безаги орқали фалсафий фикр англатиб, инсонларни маънавий тарбиялаган дейишимиз мумкин.

Лаганни фалсафий мушоҳада қилиб кўрайликчи.

Ўзбек миллий кулолчилик буюмларидан бири лаган. Четлари бир оз кўтарилган, ликопчадан катта, қуюқ овқатлар, хўл мевалар солиш учун мўлжалланган. Лаганлар қадимдан ишлатилиб келинаётган идиш турларидан бири бўлиб, уни кулолларимиз ислимий, гирих, эпиграфик усулида ёзилган ёзувлар, ҳар хил қуш, хайвонлар шохи билан безаганлар (3-расм).

Лаган насиба рамзи бўлиб, у доира шаклида бўлгани учун оламни билдиради. Яъни инсон бу фоний дунёда хоҳ шох, хоҳ гадо бўлсин ўз насибаси (ризки) билан туғилади. Ҳеч бир одам бошқа бир инсоннинг ризкини тортиб ололмайди. Муқаддас китобимиз Куръони Каримда ҳам ризк ҳақида шундай дейилган:

«Ўрмалаган нарса борки, барчасининг ризки Аллоҳнинг зиммасидадир...» (Худ. 6.)

«Ўз ризку рўзини кўгара (ёки топа) олмайдиган қанчадан-қанча жонзодлар бордир. Аллоҳ уларга ҳам, сизларга ҳам ризку-рўз берур. У эшитувчи, билгувчидир» (Анкабуд, 60).



2-расм. Сирланган сопол лаганлар XII аср охири – XX аср боши.



3-расм. Афросиёбдан топилган лаганчага (X–XI асрлар) араб ёзувининг насх турида «илм олишнинг аввали аччиқ ниҳояси шириндир», деб ёзилган. Бойлик – бойлик эмас, қачонки у саҳий инсонда бўлмаса.

Ризк ҳақида ота-боболаримиз шундай ривоят қиладилар:

«Бир вақтлар заиф бир балиқчи ов қилар экан, жуда кучли, катта балиқ қармоғига илинди. Уни тортиб олишга балиқчининг кучи етмас эди. Балиқ қармоқни тортиб кетди. Буни кўрган бошқа балиқчилар: «Шундай балиқ илинган эди, қўлдан чиқардинг-а», – дедилар.

Балиқчи дўстларига:

– Эй, дўстлар! У балиқ менинг ризким бўлмаса, балиқнинг эса дунёдан ризки узилмаса, нима қилай? Унинг ҳали бу дунёда ейишга овқатдан, ичишга сувдан ризки бор экан! – деди.

Ризксиз балиқчи Дажлада балиқ тута олмайди. Ажали етмаган балиқ ҳам қармоққа илинмайди, тўрга тушмайди. Ҳар бир одам бу дунёда ўз ризкини ейди. Ризки биттанинг ажали келади, ўлади».


«Ҳар бир жонзод ўзи учун тақдир берган ризки битмагунча ўлмайди. Тақдир томонидан ёзилган ризқ ўз соҳибини (эгасини) албатта топади. Шу сабабдан ризқ учун бошни ҳар тарафга урмаслик керакдир. Аллоҳ ўзи яратган куллариининг ризкини беради. Ҳар бир мўмин буни яхши билиши ва ўзини ёмонликлардан, ёлғондан, хийладан, бировларни алдашдан сақлаши керак. Чунки ризқ Аллоҳга оиддир. Кулининг ризкини ўзи беради».

Кулолларимиз лаганнинг безагида балиқ тасвирини ишлаганлар. Балиқ хушёрлик ва ҳалол лукма рамзи. Бу безак орқали: инсонлар бу дунёда хушёр бўлинг, ўз ризқларингизни топаётганингизда эҳтиёт бўлинг. Ахир ризқ икки хил бўлади. Бири ҳалол, иккинчиси ҳаром. Сиз фоний дунёда ҳалол ризқингиз билан кун кечиринг. Ҳаром ризқ оқибати ёмон бўлади, дейдилар (4-расм).

Хулоса қилиб айтганда, кулолчилик буюмлари амалда овқат ёки мева қўйиш учун ишлатилибгина қолмасдан, балки инсонларни тарбиялайди, руҳий озиқа ва фикр беради ҳамда инсонларни даволайди.

Яна бир мисол талабаларга амалий санъат дарсларида Самарқанддаги Шердор мадрасаси нечанчи асрда, ким томонидан, қандай қурилганлиги, ҳамда унинг безакларининг турлари ва яратган технологиясини ўргатамиз, лекин бу безаклар қалбадаги фалсафани ўргата олмаймиз. Чунки санъат фалсафасидан етарли билимга эга эмасмиз. Чунончи, XVII асрнинг биринчи ярмида қурилган Шердор мадрасаси пештокидаги инсон киёфасидаги оддий битта нукта холнинг ўзиёқ фалсафий маънога эга-ку!

Ваҳоланки юздаги биргина нукта – хол орқали меъмор-наққош шу мадрасани курдирган, шаҳар ҳокими Баҳодир Ялангтўшнинг комил инсон бўлганлигига ишора қилган, ҳамда инсонларни комилликка чақирган.




4-расм. Лагандаги балиқ тисвирининг мантикий ечими ва унинг фалсафий хулосаси.

Демак, бу мадрасани безаган меъмор ва наққош Мулла Абду-жаббор санъат фалсафасидан ҳамда психология фанининг тури бўлмиш «киёфа илми»дан хабардор бўлган экан-да.


Шердор мадрасаси пештокидаги безакнинг мукамал чиқиши безакчи наққошни тарих, фалсафа, математика, тасаввуф, психология, астрология каби фанларни билишини кўрсатади. Шунинг учун ҳам безакка салкам 400 йил бўлди лекин бу композиция ҳозиргача ўз ечимини топгани йўқ.

Тасвирий санъат йўналиши бўйича композиция ўргатилади. Турли мавзуларда композициялар ўргатиш жараёнида талабаларга

рассомларн асарларини бадий тахлил қилиб ўргатилади. Шу ўринда оддий уч предметдан ташкил топган натюрморти чизиш, бўйаш каби тажрибаларни ўргатилади. Шу ўринда талабаларга тахлил қилиб бериш орқали мантикий мазмунини тушунтириб бериш керак бўлади. Чизишдан аввал композицияни симметрия, асимметрия, уфқ чизиғи, мувозанат, ҳаракат, турғунлик, ранг, колорит каби мезонларни тушунтириб берилади. Шулардан кейин натюрморти бадий тахлил қилишга ўтилади. Тахлил қилиш жараёнида натюрморти мазмунини билиш ва ғоясини тушунтирилади. Натюрмортида асосан уч предметдан ташкил топган гулдон, гул ва олма. Уларни рамзий маъноларини аниқлаймиз (5-расм). Кўзада сув бўлади, яъни сув ҳаётни билдиради, гулдаста яъни гул-ғўзалликни билдиради. Олма эса муҳаббатни билдиради (6-расм).




5-расм. Уч нарсадан иборат натюрморт.



6-расм. Натюрмортнинг мантикий ечими.

Агар биз уч сўзни бирга ўқиб чиқсак натюрмортдаги ғоя чиқади, демак бу «Ҳаётимизда ғўзаллика бўлган муҳаббатимиз ҳеч қачон сўнмасин» деган фалсафий ғояни англатади (7-расм).



7-расм. Натюморт қисмларининг рамзий маънолари ва уйғунлиги.
«Хаётимизда гўзалликка бўлган муҳаббатимиз ҳеч қачон сўнмасин деган» бунёдкорлик фалсафий фикрни беради ва шакллантиради.


Муҳаббат нима ўзи? «Муҳаббат – бирор шахс ёки кишилар гуруҳига, гоёга ёки амалий фаолиятга нисбатан интим ва кучли туйғу. Шахс ички дунёсининг энг эркин ифодаси сифатида юзага келади. Муҳаббат туйғусининг улугворлиги ва мураккаблиги шундаки, унда биологик ва маънавий, шахсий ва ижтимоий интим ва умумий ҳолатлар бамисоли бир нуқтага тўпланади. Платон муҳаббатни икки турга – ҳиссий муҳаббат ва аклий муҳаббатга ажратади. Унинг фикрича, ҳиссий муҳаббат ташқи гўзалликни ҳис қилишдан ҳосил бўлади ва муҳаббатнинг куйи босқичини ташкил этади.

Аклий муҳаббат эса гўзалликни кенг маънода – ахлоқий – эстетик, илмий тушунишдан пайдо бўлади. У аклий (маънавий) муҳаббатни устун қўяди. Муҳаббат кишининг ота-онаси, қариндош-уруғлари, яқин кишилари, дўстлари, қўни-қўшнилари ўқув ва меҳнат жамоалари, ўз халқ ва Ватан ҳамда умуман башарият билан руҳан яқинлашишнинг кучли воситасидир. Муҳаббат туфайли инсон гўзал феъл-атвори, хулқни ўзида гавдалантириб, муайян жамоа ва жамият олдида юксак кадр топади, бошқаларда ўзига нисбатан самимий меҳр-оқибатни уйғота олади. Муҳаббат одамларни, турли жамоаларни, халқларни, миллатларни бир-бирига яқинлаштиради.

Муҳаббат бор жойда мураккаб муаммолар осонликча ҳал бўлади, урушлар ва жанжалларга ўрин қолмайди¹.

Биринчи оддий натюрморт композицияси талаба-ёшларимизнинг маънавий муҳаббатини шакллантиришда муҳим ўрин тутди. Фикрлаш орқали натюрмортни таҳлил ва синтез қилиш, таққослаш, абстракциялаш, умумлаштириш ва хулоса қилиш сингари ҳаёлий ҳаракатлар амалга оширилади.

8-расмда тасвирий ва амалий санъат асарларини бадиий таҳлили орқали талабаларни фикрлаш тизими берилган.



8-расм. Тасвирий ва амалий санъат асарларининг бадиий таҳлили орқали талабаларни фикрлаш тизими.

Санъат асарларининг бадиий таҳлили орқали талабаларни фикрлашга ўргатиш уларни, таҳлил, синтез, таққослаш, абстракциялаш, умумлаштириш хулосалашларнинг маъноларини англаб олишларига керак бўлади.

Фикрлаш – таҳлил ва синтез қилиш, таққослаш, абстракциялаш, умумлаштириш ва хулоса қилиш сингари ҳаёлий ҳаракатлар (операциялар) орқали амалга оширилувчи ақлий фаолиятдир.

Фикрлаш – дарс давомида амалга оширилади, фикрлаш давомида таълим олувчилар ўзлари дуч келган фикрларга ва ўзлари ўзлаштирган маъноларга қайтадилар ва саволлар берадилар, талқин ва таҳлил қиладилар, қўллайдилар, мунозара юритадилар ва ушбу маънони қўллашнинг янги соҳаларига қадар кенгайтирадилар.¹

Шакллантириш – ривожланиб етилмоқ, аниқ мазмун ёки йўналиш касб этмоқ.

¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т.: 2003, 6-жилд, 181-182 бетлар.

¹ Ҳасанбоев Ж., Тўракулов Х. ва бошқалар. Педагогика фанидан изоҳли луғат. Т.: Фан ва технология. 2009, 540 бет.

Таҳлил (анализ) – манбани, муаммони, натижани илмий ўрганиш услуги. Бунда тадқиқот объекти фикран ёки эҳтимолӣ равишда таркибӣ қисмларга ажратилади ёки объектга мос белгилар ва кўрсаткичлар ҳамда уларнинг алоқадорлиги ўрганилади. Кўрсаткичлар (омиллар) орасидаги боғланишларни ўрганишдан мақсад тадқиқот объектини ифодаловчи кўрсаткичлар сонини камайтириш ва уларни асосий ва иккинчи даражали кўрсаткичларга бўлиш масаласи бўйича ўрганилади.

Таҳлил методи – бунга қуйидаги компонентлар киради:

- маълумотларни ахборат кўринишига келтира билиш;
- ахборотларни англаб идрок этиш;
- маълум ва номаълумларнинг муҳим белги ва муносабатларини ажрата билиш;
- элементларга ажратиш ва бошланғич структуралар бирликни топиш;
- алоқларни англаш (элементлар ёки ташкил этувчилар орасидаги) ва тушунтириш ҳамда синтез қила билиш.

Синтез – (юнон. synthesis – қўшиш, бирлаштириш) синтез, фикр объекти ҳисобланган нарсга ва ҳодисаларнинг таркибӣ қисмлари, сифат ҳамда хусусиятларини фикран ёки амалӣ равишда бир бутун қилиб қўшишдан иборат бўлган ақлий операция. Масалан, нарсга ва ҳодисаларнинг муҳим белгилари қўшилишидан яхлит бир тушунча ҳосил бўлади. Синтез тафаккур ҳамда ҳаёлнинг ижодий фаолиятини ташкил қилади. Синтез бевосита анализ билан ва умумлаштириш таққослаш, системалаштириш каби ақлий операциялар билан боғлиқдир.¹

Таққослаш – нарсга ва ҳодисалардаги тафовут ҳамда ўхшашликни, тенглик ва нотенгликни топа олишга йўналтирилган фикрлаш операцияси демакдир.

Абстракциялаш – (мавҳумлаштириш) нарсга ва ҳодисаларнинг айрим белгиси, сифати ёки хусусиятини фикран улардан айриб олиб, уни мустақил фикр объектига айлантиришдан иборат ақлий операция. Масалан, билиш процессида табиат, жамият ва айрим кишиларга хос бўлган «ғўзаллик» белгисини айриб олиб, уларнинг ғўзаллиги тўғрисида эмас, балки умуман ғўзаллик, эстетик категория маъносидаги ғўзаллик ҳақида фикр юритилади.²

¹ Турғунов Қ. Русча–ўзбекча психология терминларининг изоҳли луғати. Т.: Ўқитувчи, 1975. 165 бет.

² Ўша манба. 6-бет.

Умумлаштириш – нарса ва ҳодисаларнинг ўхшаш ҳамда муҳим белги ва хусусиятларини, боғланишларини фикран муайян тушунишга бирлаштириш жараёни ва унинг натижаси.

Умумлаштиришда хусусийликдан умумийликка (индуктив ҳолат) ўтилади ва улар асосида умумий кўринишдаги тушунча, фикр, гоя, ҳукм, концепция, таълимот, назария шаклланади.

Фанлар орасидаги ривожланиб бораётган алоқадорлик, ҳамкорлик туфайли бир фаннинг тадқиқот методи иккинчи бирида қўлланилмоқда. Натижада фанларнинг ўзаро алоқадорлиги асосида синтезлашган, умумлашган янги соҳалари – кибернетика, глобалистика, сенергетика, биофизика, биомеханика, молиявий математика, кибернетик дидактика, ижтимоий психология, эргономика, информатика, сунъий тафаккур каби ўнлаб ва ҳаттоки юзлаб фанлар вужудга келмоқда. Натижада илм-фанда янги йўналишлар ва мезонлар яратилмоқда. Улар объектив дунё ҳодисаларини янада чуқуროқ ўрганишга имкон бермоқда.

Умумлаштириш методи – қуйидаги компонентларни ўз ичига олади: типик фактларни танлаш, материалдаги асосий ёки «бошланғич ҳужайра»ни ажратиш; киёслаш, дастлабки хулосалар; катта таърифлаш; катта кодлаш; генезисни, ходисанинг ривожланиш диалектикаси ва умумлаштириш натижаларини белгили расмийлаштириш (хулоса, тенденция, назария, формула, чизма, модель ва ҳ.к.)

Хулосалаш – тафаккурнинг тарихан таркиб топган мантикий формасидир. Тафаккурнинг мантикий формаси воситаси билан бир ёки бир неча маълум ҳукмлардан янги ҳукм – хулоса чиқарилади.

Хулоса чиқариш – нарса ва ҳодисаларни ўрганиш натижасида ҳосил бўлган фикрлар (тушунчалар)нинг ўзаро мантикий алоқадорлиги ва узвий боғланиши асосида ҳосил бўлган умумий янги ҳукм.

Хулосалаш турлари қуйидагилар:

Индуктив хулоса чиқариш, яъни хусусий тасдиқлардан (ҳукмлардан) умумий тасдиқларга ўтиш;


Дедуктив хулоса чиқариш, яъни умумий тасдиқлардан хусусий тасдиқларга ўтиш;

Аналогик хулоса чиқариш, яъни моделлаштириш ва уларнинг манбани идентификация қилиш орқали хулосалаш.

Талабаларга манзара жанрида композиция ўргатишда мусавирларнинг асарларини бадиий таҳлил қилиш қуйидагича амалга оширилади.


«Тоғ» деб номланган асар. Асар мойбўёқда ишланган бўртиб, тоғ манзарада тасвирланган (9-расм).

924443



9-расм. Манзара жанрида бажарилган расм. 1 – тоғ, 2 – тикангул.

Тасвирда асосий икки элемент асосий ҳисобланади. Биринчиси олд планда тикангул, иккинчиси орқа планда тоғ тасвирланган (10-11-расм).



10-расм. Манзаранинг муҳим элементларини геометрик шаклларда мантиқан кўриниши.


Тикангул бамисоли ёвуз инсонга ўхшайди. У ўз тиканлари билан одамларга ёмонликлар қилади. Улар ёвузлик йўлида юриб умрини ўтказадилар.

Тоғ улуғлик рамзини билдиради. Ҳаётда шундай инсонлар борки, худди тоққа ўхшайди, улар фоний дунёда фақат эзгулик йўлида юриб улуғ мартабаларга эришади. Халкнинг орасида яхши ном қолдирадилар. Улар шунинг учун икки умрга эгадирлар. Улар ҳаётлик даврларида инсонларга эзгу ишлар қилиб ўзларидан боғлар, асарлар, яхши фарзандлар, эзгу амаллар қолдирадилар. Улар фоний дунёдан ўтганларидан сўнг уларни қолдирган асарлари, боғлари, санъат асарлари халққа хизмат қилади. 10-расмда «Тоғ» номли ман-

зара асарининг мантикий ечимини куйидаги чархпалакка ўхшатиш мумкин. Ушбу шаклдан келиб куйидаги фалсафий гояга келиш мумкин.

Чархпалак ҳаракати ҳаёт ва ўлим доим такрорланишини, олам эса абадий эканлигига ишора қилади. Шунинг учун ҳам Умар Ҳаём таъбири билан айтганда инсон ҳаётининг жуда қисқалигини куйидагича таърифлайди. «Инсонларнинг ҳаёти бамисоли карвонсаройга ўхшайди, уни икки эшиги бўлиб, унинг биридан кириб турсалар, иккинчисидан чиқиб турадилар» дейди. У инсонларни фоний дунёга, яъни вақтинча синов учун дунёга келишини уқтиради. Инсон умри худди икки эшик орасидек қисқалиги уқтирилади.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу асардан куйидаги фалсафий гояни кўриш мумкин.



11-расм. Асарнинг мантикий ечимини чизмада кўриниши. Олам эзгулик ва ёвузликдан иборат деган фалсафий гояни беради.

Манзара деталларининг рамзий маънолари: 1 – эзгулик, 2 – ёвузлик.

«Дунё эзгулик ва ёвузликдан иборат. Бу қарама-каршилиқ бор экан дунё ҳаракатда ва ривожланишда бўлади. Яна тун билан куннинг рамзий ифодасидур. Тун ва кундаг ҳикматлар кўпдир.

Биз бу асарни сурати орқали сийратини фалсафий таҳлил қилар эканмиз тасвирдаги ҳар бир чизик, шакл ва ранглардан ўзимизга тўғри хулоса чиқаришимиз керак бўлади. Демак асарда, эзгулик гояси кўтарилганлиги бизга аён бўлади

Шундай экан композициясининг асосий гоясидан куйидаги хулоса келиш мумкин. Инсонларнинг фақат бойлик орқасидан қувиб, ҳақиқий бойликни, яъни маънавий, руҳий бойликни унутмасликка

қаратилган. Инсонларнинг фақат эзгулик йўлида юриши тарғибот килинган.

Берилган бунёдкор гоя, яъни инсонни улуглайдиган, унинг куч-ғайрати ва салоҳиятини ошириб, халқи, Ватан, бутун инсоният учун фойдали ишлар қилишга сафарбар этадиган, ўзида меҳнат, таракқиёт, дўстлик, тинчлик, адолат, ҳалоллик каби эзгу мақсадларни мужассам этадиган гоя кўтарилган. Тасвирий ва амалий санъат дарсларида талабаларни фалсафий фикрларини шакллантириш модели ишлаб чиқилди (12-расм). Ушбу моделда тасвирий ва амалий санъат дарсларида талабаларнинг фалсафий фикрлашини шакллантиришнинг шакл, восита ва методлари ишлаб чиқилган.

Санъаткор гўзаллик орқали инсонларга ўз фалсафий фикрларини етказа олган. Аммо бу гўзаллик ичидаги фалсафани ҳар ким ҳам ўқий олмаган. Шарқнинг машҳур наққоши Моний айтганидек, «Табиатни тасвирлаш – бу санъатнинг ниҳояси эмас, агар кимки, ҳар бир чизикқа жон бағишлай олар экан, у санъат калитини эгаллаган бўлади» деб бежиз айтмаган.


Бизга маълумки, «санъат – малаканинг юқори чўққиси.»

«Гўзаллик эса табиат ва жамиятдаги нарса ва ҳодисаларнинг инсон фаолиятининг кишида меҳр-муҳаббат, қувонч, завқ, эркинлик туйғулари ҳосил қилишга қодир бўлган хусусиятларини ифодалайди»¹.

Фалсафа эса «дониямандликни севаман» деган маънони билдиради. Файласуф деганда, «теран ва ҳар томонлама фикрлаш қобилиятига эга бўлган олий маълумотли оқил киши тушунилади».

Хулоса қилиб айтганда, ўтиладиган айрим фанлар фалсафа, математика, психология, она тили, этика, информатика, эстетика, мантиқ сингари фанларни ҳар бир соҳага мослаштириб, узвий равишда ўргатилиши юқори натижа беради. Ўз навбатида тайёрлаётган кадрларимизнинг сифат даражаси янада ошади. Чунки таълим тизимини ҳар дақиқа такомиллаштириб, тўлдириб, ривожлантириб борилишини замон тақозо қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси ҳаётида янгича юксалиш босқичи амалга ошмоқда. Бу жараён жамиятнинг барча жабҳаларида, жумладан, тасвирий ва амалий санъат таълим тизимини ҳам янги сифат босқичига кўтаришнинг омилидир.

¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. –Т.: 3 жилд, 139-бет



12-расм. Тасвирий ва амалий санъат дарсларида талабаларнинг фалсафий фикрларини шакллантириш модели.

II боб. САНЪАТ АСАРЛАРИНИНГ МОҲИЯТИНИ АНГЛАШДА КОИНОТ ФАЛСАФАСИ

2.1. Меъморий ёдгорликлар нақшу нигораларидаги коинот фалсафаси

*Мунажжим башоратлари шунинг учун рўёбга
чиқадики, кўпчилик одамлар осмон
жисмларининг таъсирига тўлиқ бўйсунган
ҳолда ўз эҳтирос ва майлари ортидан
кетаверишади».*
Фома Аквинский


Алишер Навоий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Ал-Хоразмий, Низомий Ганжавий, Носир Хусрав, Камолиддин Бехзод, Маоний, Фирдавсий, Умар Ҳайём, Бобур каби жаҳонга машҳур олиму фузалоларимиз, наққошларимиз биноларни кишилар ҳаёлини ўзига тортувчи, табиатнинг гўзал манзараларига монанд нақшлар билан безашга чақирганлар. Кишиларни гўзаллик билан яқин дўст, биродар бўлишга ундаганлар. Айниқса, Амир Темур шаҳарларни ҳар томонлама чиройли ва улуғвор қилишга интилган, тош ҳамда гиштдан кенг ва равон кўчалар қурдирган. Кўчаларда турли хил хунарамандлар учун дўппичилик, мисғарлик, заргарлик, бешикчилик, пичоқчилик, бўйрачилик, саватчилик, гиламчилик расталари барпо эттирган. Темур Париж, Боғдод, Дамашк, Шероз, Султония, Қоҳира номи билан аталувчи кишлоқлар, Боғи Нав, Боғи Беҳишт, Боғи Баланд, Давлатобод Сарой боғи, Боғи Чинор каби боғ-роғлар, ажойиб, улуғвор саройлар қурдирган.

Жаҳонгир фатҳ этган ўлкалардан жалб этилган кўплаб меъмор-муҳандислар, гишт терувчилар, ўймакорлик, наққошлик, ганчкорлик санъати усталарининг ижодий меҳнати, тажрибаси Темур пойтахтини жуда мухташам, гўзал, савлатли бинолар билан безаган.

Миллий меъморий ёдгорликлар деворларини моҳирона нақшу нигорлар ва уларга уйғун ҳолда турли чиройли ёзувлар оркали ҳикматлар ёзилган. Улар инсоният оламини эзгулик йўлида юришга даъват қилган. Чунончи, Самарқандда Мирзо Улуғбек томонидан барпо қилинган мадраса деворлари сиртига: «Пайғамбар алайҳиссалом айтадилар: Дунё ўзи бир лаҳзadır, уни таот ибодат билан ўтказгин», «Мулк Аллоҳникидир. Бокийлик Аллоҳ учундир. Шукур Аллоҳ учундир, Буюклик Аллоҳ учундир», «Сизларнинг яхшила-

рингиз Куръонни ўрганиб, кейин (бошқаларга ҳам) ўргатганлардир», «Аллоҳ кимга яхшиликни хоҳласа, уни динда олим қилиб қўяди», «Аллоҳга ҳақ сўздан кўра яхшироқ кўринадиган садақа йўқ» каби ҳадислар нихоятда моҳирлик билан ёзилган¹.

Темурдан кейинги ҳоконлар ҳам шу ишни давом килдирдилар. Дунёда энг кўҳна шаҳарлардан бири Самарқанднинг эски шаҳар маркази, яъни Регистонда савлат тўкиб турган Шердор мадрасасига бир назар солайлик Унинг пештоклари, баҳайбат гумбазлари ва чиройли минорлари, ранг-баранг сирли кошинлари ҳамда нафис, ҳашаматли, дабдабали ишланган жимжимали қопламаси кишини ҳайратга солади (1-расм). Ушбу мадраса бошқа меъморий ёдгорликлар сингари ўз мазмунига ва тарихига эга.



1-расм. Самарқанддаги Шердор мадрасаси пештоқидаги безаклари.

«1956 ва 1970 йилларда Шердор мадрасасининг майдон томонидаги пештоқ остини қазиш пайтида майдон қадимий сатҳининг пайраҳаси (тротуари) топилди. Нихоят, 1976 йилда бу майдондан 2 метрдан ортиқ тупроқ олинди. Майдоннинг қадимий сатҳи очилди. Ана шу қазилма вақтида Мирзо Улуғбек мадрасасига киришдаги асосий равоқнинг энига тенг ва бино пойдеворидан олти метр нарироқда сунъий ҳовуз топилди. Ҳовуз деворлари ердан бир метр баландликда бўлиб, сув ўтмаслиги учун махсус қиринди коришмаси билан тўлдирилган. Тарихий маълумотларга кўра, бундай сунъий ҳовузга ҳар доим нихоятда тиниқ сув тўлдириб қўйилган ва ҳар хил рангдаги чиройли балиқлар ташлаб қўйилган. Бизнингча, бундай

¹ Бердимуродов А. Билмадим не эди гуноҳим? Ўзбекистон адабиёти ва санъати газетаси. 2008, 12 декабрь.

² Ҳаққулов А. Таъмир санъати. –Т.: Мехнат, 1991. -52-53 б.

окилона манзарани яратишдан мақсад: аввало, кошинлар Қуёш таъсирида кизиб чакнамаслиги учун бўлса керак. Чунки сувнинг салкини, жазирама Қуёш таъсирини пасайтиришга катта ёрдам қилади. Бундай тадбирнинг яна бошқа томони қуёш нурига қарама-қарши турган пештоқдаги яраклаган кошинлар акси ҳовузга тушиб, ажойиб тасвир намоён бўлишидадир. Шундай қилиб, Қуёш пештоқдан ўтгунга қадар унинг акси пештоққа ишланган нақшда, нақшдаги акс эса ҳовуздаги сувга тушиб, гўё ерда ҳам, пештоқда ҳам Қуёш яраклаб чикиб турган манзарани кашф этади. Лекин бу тадбирдан ҳам қўнгли тўлмаган ҳоқон Қуёшнинг жазирама иссиғи кошинлар жилосига таъсир этмаслиги учун пештоқнинг энига баробар қилиб, замонасининг чиройли матоларидан жилд ҳозирлатиб, эргалаб Қуёш чиқишидан пешингача пештоқни ўратар ва пешиндан кейин олдириб қўяр экан».


Регистон майдонидаги Улуғбек мадрасаси, Шердор мадрасаси, Тиллакори масжид-мадрасаси Самарқанд меъморлари ижодидан нодир намуна бўлиб келмоқда. Бу улуғ заминда неча-неча мутафаккир, зиёлилар, алломалар, пирлар, устозу шогирдлар, олимлар қадмларининг изи бор.

Уч муборак университетнинг ҳар бири меъморчилигимиз дурдоналари бўлиб ҳисобланади.

Регистон майдонидаги Шердор ва Тиллакори мадрасаларини Самарқанд ҳокими ватанпарвар, фидоий инсон – Ялангтўш Баҳодир курдирди. Улар Ўрта Осиё меъморчилик санъатининг классик намунаси бўлиб қолди. Самарқандлик Ялангтўш Баҳодир ким бўлган ва у ўзидан қандай маънавий мерос қолдирган?

«Ялангтўшбий Баҳодир Саидкул ўғли, Ялангтўшбий, Нуротада оталиқ туғилган (15.081576–1656 йй.). У Самарқанд – Аштархонийлар давридаги ҳарбий – мулкдор зодагонларнинг йирик вакили. Олчин қабиласидан. Нурота ҳокими оиласида туғилган. 1626 йилдан Самарқанд ҳокими. Шу йили унга оталиқ унвони берилган.

Ялангтўш Баҳодир ободончилик, қурилиш ишларига катта эътибор берган. Жумладан, Самарқанддаги Шердор мадрасаси (1619–1636 й.), Тиллакори масжид-мадрасалари (1646-1660 й.), Махдумқули Аъзам масжиди, хонақоси (1618 й.) ва бошқаларни курдирган». «Ялангтўш қудратининг рамзи, мадраса равоғида қараб турган икки қуёш тагида оҳуларга ҳамла қилаётган шерлар тимсолида ифода этилган.



2-расм. Шердор мадрасаси пештоқлари безакларнинг намоёни таҳлили.

- 1 – эркак шер боши; 2 – зулуксимон қора шакллар; 3 – шернинг оёғи;
 4 – шернинг қулоғи; 5 – шернинг тиши; 6 – шернинг сочи; 7 – шернинг
 қорни; 8 – шернинг думи; 9 – оҳу; 10 – инсон пешонаси; 11 – Қуёш
 нури; 12 – қошнинг қовоғи; 13 – қора соч; 14 – сочнинг гажаги;
 15 – инсон яногидаги холлар; 16 – намоён; 17 – тилла рангли ислимий
 нақшлар; 18 – оқ ранг; 19 – яшил ранг; 20 – ҳаво ранг; 21 – шернинг
 тирноғи; 22 – инсон қоши; 23 – инсон бурни; 24 – оқ нукталар;
 25 – шернинг тили; 26 – шернинг кўзи; 27 – шернинг соқоли;
 28 – инсон лаби.

Мадраса Самарқандлик меъмор Абдужаббор лойиҳаси бўйича 17 йил давомида қурилган, уни меъморий безак устаси Муҳаммад-аббос зийнатлаган».

Меъмор Мадраса пештоқига қуйидаги шеърни жимжимадор қилиб ёзиб, уни безаган:

«Шижоатли амир Ялангтўш одил,
 Камолин мадҳида дурлур сочар тил:
 Ер нуктасин осмон авжидан авфо-
 Кўтариб мадраса эттирди бино,
 Еру кўк зийнатин бўлди ялови.
 Тоқиси-камолот, ақл ўлчови.

Қўп тиришиб, илмдан боғлаб ҳам қанот,
Ақлнинг лочини ечолмас, хайҳот!
Минора учига ташлаб ҳам каманд,
Фикрнинг дарвози чиқолмас ҳарчанд.
Токига муҳандис берганда орой,
Осмон бармоқ тишлаб, деди: «Янги ой!?»
Ялангтўш Баҳодир қўйганчун асос,
«Ялангтўш Баҳодир» – тарихига мос»⁵.

Мадраса икки каватлидир. Бош тарзидаги пештоқнинг икки ёнига гулдаста ишланган. Пештоқ ичкарасига кошинкори безак орасида қора зоминли кошинга оқ ҳарфлар билан меъмор Абду-жаббор номи ёзилган.

Мадраса пештоқи симметрик қилиб рамзий нақшлар билан безатилган, қизғиш – зарҳал Шер нозик оқ охуни қувиб кетаётгани тасвирланган. Одам киёфали Қуёш эса зарҳал ёғду билан ҳошияланган. Улар атрофига нақшу нигорлар чизилган. Қизиғи шундаки, баъзи олимларимиз ўзларининг асарларида «Ислом дини авж олган бир даврда, гарчи ҳар қандай жонзот, хусусан, одам тасвири қатъиян ман этилган, деб юритганлар. Ваҳоланки, муқаддас китобимиз Қуръони Каримда ва Ҳадиси Шарифда» бунинг ман этилган жойи йўқ. Фақат санамларни яшаш тақиқланган. Шунинг учун биз тирик мавжудотларни тасвирлаш ман этилган, деган фикрга қўшилмаймиз. Сабаби шундаки, сақланиб қолган тарихий ҳужжатлар бу фикрни инкор этади.

XV–XVII асрларнинг турли адабий ва тарихий асарлари (масалан, XV–XVII асрдаги «Шоҳнома»нинг жуда қўп қўлёзмалари, XV асрдаги «Зафарнома» ва бошқалар)даги миниатюралар дунёвий ҳаёт ва меҳнат манзараларини тасвирлайди. Деворларга турли жониворлар расми тасвирланган.

«Меъморчилик ёдгорлиқларининг баъзи фасадларида жонли мавжудотлар тасвирланган кошинли ва сирли тасвирлар ҳозирга қадар сақланиб қолган. Масалан: Шаҳрисабздаги Оксарой (1380–1405 йй.) пештоқи шерлар расми солинган намоёнлар билан безатилган. Анов масжиди (1456 й.) пештоқининг равоғи тепасида аждарлар тасвир-

⁵ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 10-жилд, 2005, 232-бет.

² XVII асрда яшаб ўтган меъмор Абдуҷаббор. Шердор мадрасасининг меъмори (1619–36).

³ Самарқанд, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти 1986, 118-бет.

Зоҳидов П. Зеб ичра зийнат. Т: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985, 103-б.

ланган тимпан бўлган. Бухородаги Нодирбеги мадрасаси асосий фасадининг айвони юқорисига лайлақлар расми солинган ва ҳоказо».

Уста мулла Абдужаббор нафақат нақш тилини, балки гўзаллик фалсафасини, рамзийликни билган ва мустақил ижодкор уста бўлган. Меъмор бундай тасвирнинг улкан бино пештокида ишланиши билан қандай мақсадни назарда тутган экан? Бу масалада ҳозиргача тайин аниқлик йўқ. Шу ҳақда ўзимизнинг баъзи мулоҳазаларимиз билан ўртоқлашмоқчимиз.

Таникли олим, академик Пўлат Зоҳидов ўзининг «Меъмор олами» китобида Шердор мадрасасининг беағи ҳақида шундай дейди: «Самарқандлик олим Абу Тохирхўжа XIX асрнинг 30-йилларида ёзган «Самария»⁶ китобида Шердор мадрасаси пештокидаги тасвирларни бир оз бошқача талқин қилади. У тасвир мазмунини мусулмон астрологиясида кенг тарқалган осмондаги юлдуз буржлари билан боғлаб таърифлайди. Абу Тохирхўжанинг айтишича, хуршид – Куёш шакли Шер буржи (юлдузлар туркуми) билан қўшилиб кетган: охуни тутмоқчи бўлган Шер ҳамласини куёш нурларининг тиғи қайтармоқда. Гўёки, нур – зиё офатни даф этмоқда. Ҳар ҳолда, ижодкорлар чуқур ғоявий фикрни рамзий тахлитда беришгани кўриниб турибди. «Лекин, – дейди Пўлат Зоҳидов, – **ҳозирча, тасвирнинг талқини ҳақида бошқа бирор аниқ тарихий маълумотга эга эмасмиз**»⁷.

Ҳақиқатдан ҳам Шердор мадрасаси пештокидаги нақш композициясининг тилсими етарлича асосларда талқин қилиб берилмаган. Чунки нақшни ўқиш тили алифбоси бизгача етиб келмаган. Ҳозирда эса нақшларни рамзий ўқиш алифбоси тузилмаган. Шунинг учун нақшларни ўқиш масаласи муаммо бўлиб келмоқда. Шердор мадрасаси пештокидаги безак мураккаб композиция бўлиб, уни таҳлил қилиш ва ундан тўғри хулоса чиқариш учун санъатшунос олим бир қанча илм турларидан хабардор бўлиши лозим. Масалан, безакни таҳлил қилиш учун олим нақш санъатини юқори даражада билиши, шу катори тарих, астрология, психологиянинг икки тармоғи бўлмиш «Физиогномика» (киёфа илми), ранг психологияси, рамзийлик, дунёвий ҳамда ғайб илмидан хабардор бўлиши зарур. Демак, меъмор – наққош Абдужаббор юқорида айтиб ўтилган илмлардан хабардор бўлгани ўз исботини топди.

⁶ Самария. Абу Тохирхўжа. Бухоро тарихи (Наршахий. Шажараи Хоразмшоҳий / Баёний.


⁷ Зоҳидов Г. Меъмор олами. –Т.: Қомуслар бош тахририяти, 1996. –230-б.

Баҳодир Ялангтўш заковатли инсон бўлиб, ўз бойлигининг кўпгина қисмини халқ фаровонлиги учун сарфлаган. Масалан, Шердор мадрасаси, Тиллақори мадрасаси ва бошқалар бунга мисол бўла олади.

Ялангтўш Баҳодир ўз халқи учун сармоясини аямади. Ватанпарвар инсон узокни кўзлаб халқини зиё (илм) олишга ундайди. Зиё орқали инсонлар рухий покликка, рухий поклик орқали комилликка эришади, деган фалсафий фикрни илгари суради. Шунинг учун меъмор Абдужаббор бўлажак мадраса пештоқига шундай тасвир ишлаш керакки, бу нақш биринчидан, безак қалбадаги гўзалликни акс эттирсин, дейди Муқаддас китобимиз Қуръони Каримда айтилганидек, «Оллоҳ гўзалликни яхши кўради» деган фалсафий ғояни кўтаради. Чунки, Ялангтўш Баҳодир бу тасвир орқали инсонларни зиёли бўлишга, яъни зиё орқали рухий поклик ва комилликка эришиш мумкинлигини кўрсатишни, учинчидан, менинг ҳақимда, яъни нақш тили билан яшаган давримни ҳамда менинг суратим ва сийратимни баён этсин, деган мақсадни олдига қўяди. Абдужаббор ушбу вазифани етук наққошлар гуруҳи билан маслаҳатлашиб, ажойиб, мукаммал композиция тузадилар ва ўз олдидарига қўйилган мақсадга эришадилар.

Меъморчиликдаги бу безакларда ўзига хос шундай композиция чизилганки, нақш тили орқали шаҳар ҳокими Ялангтўш Баҳодир афсонавий қаҳрамон, зиё тарқатувчи, ўз халқига фидойи инсон эканлиги моҳирона акс эттирилган. Айниқса, наққош дунёда бўлиши мумкин бўлмаган хайвон – танаси йўлбарс, боши шер бўлган афсонавий махлукни тасвирлаган. Композицияда биринчи шакл шерсимон йўлбарс, иккинчиси – оху боласи, учинчиси қуёш, тўртинчиси намоён кўзга ташланади. Композициядаги, қаҳрамон бу шердир. Асосий қаҳрамон – шерни наққош афтидан икки ўринда, яъни кўпликда инсонларни, иккинчи ўринда Ялангтўш Баҳодирни рамзий маънода ифодалаган. Демак, Ялангтўш Баҳодирнинг сурати ва сийратини ҳамда туғилган йили ва ой, куни нақш тили билан ёзилган. Бунинг учун биз тарихга мурожаат қиламиз.

Самарқандлик олим Абу Тохирхўжанинг «Самария» китобидаги Шердор мадрасаси пештоқидаги тасвирлар астрология, яъни мунажжим илми билан боғлиқ деган фикрини тўғри деб ҳисоблаймиз.



3-расм. Мадраса пештоқ беағдаги фалсафий ғоянинг схематик акс эттирилиши, яъни инсон зиё орқали руҳий покликка эриша олади. Руҳий поклик орқали у комиллик даражасига кўтарилади.

Тасвирнинг астрология (мунажжимлик) илми билан боғлиқлиги ҳақида тўхталиб ўтамиз. Мунажжим илми бўйича буюк донишмандлар шундай дейдилар: «Юлдузлар ақлсизларни бошқаради, оқиллар эса ўз юлдузларини» (Фалес); «Инсон қачонки ўзлигини англаб етса, ўзини билсагина озод бўлади. Уни фақат ана шу билим озод қила олади» (Гегель); «Дунё аъло даражада мойлаб қўйилган механизм ва уни кимдир ҳаракатга келтириб туриши аниқ» (Рене Декарт).

Астрология, илми нужум (арабча – мунажжимлик илми) – айрим кишилар ва халқлар тақдирини осмон ёриткичларининг вазиятларига қараб айтиш билан шуғулланадиган таълимот. Қадимда Сурия, Бобил, Миср, Хитой, Ҳиндистон, Юнонистонда ва ўрта асрларда Арабистон, Эрон ва Марказий Осиёда кенг таралган эган.

Мунажжимлар воқеа содир бўлиш пайтда Қуёш, Ой, Меркурий, Венера, Марс, Юпитер ва Сатурннинг осмон гумбазларидаги вазиятларига ва улар уфқнинг қайси қисмида жойлашганлигига қараб фол очар эдилар. Мирзо Улуғбек мунажжимлик илми билан ҳам шуғулланган ва унинг назарий ҳамда амалий асосларини исботлашга ҳаракат қилган (Мирзо Улуғбек, Илми нужум. –Т., 1994)⁸.

Улуғбек яшаган даврда астрономия фани қаторида астрология (мунажжимлик илми) янада ривожланди.

Буни 2009 йил 10 июлдаги Ўзбекистон адабиёти ва санъати

⁸ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1-жилд. –Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2000. 468-б.

* Ўша жойда. 121-б.

газетасида «Улугбекнинг астрономия мактаби» номли мақоласида ҳам ўз исботини топган. Ушбу мақоладан парчани илова қиламиз. «Улугбекнинг тўнғич ўғли билан келиша олмаганлигининг боиси нимадан эди? Биринчи тасдиқ Темурбек ҳукмронлигининг сўнгида пайдо бўлиб, Али Яздий «Зафарнома» (1425) китобида бу воқеанинг астрология билан боғлиқлигини кўрсатади. Расмий астрологлар томонидан ўрганилган ва унинг ўзи ҳам текшириб чиққан.

Улугбекнинг тақдири тўғрисидаги «башорат»да (гороскоп) кўрсатилишича, унинг туғилган куни Аждарнинг дум қисмида жойлашган Шер буржида бўлиб, бу ҳалокатдан нишона эди. Абдураззоқ Самарқандий ўзининг 1471 йилда ёзган йилномасида бу воқеани қуйидагича тўлдиради: унинг фикрича, Улуғбек ва ўғли ўртасидаги адоват уларнинг тақдиридан келиб чиқади. Улугбекнинг тақдир юлдузи Аждар дум қисмида бўлиб, бахтсизлик ва мусибатни ифодаласа, Абдуллатифники Аждарнинг бош қисмида бўлган. Бу эса куч ва ғалабадан дарак беради.

Улуғбек учун Юлдузлар жадвалининг тўртинчи бобини ташкил қилган астрология алоҳида бир фан ҳисобланарди. У ўзи қайта ҳисоблаб чиққан бу башорат жадвали (гороскоп)га ишонган. Ўғлининг ўзига қарши исён кўтариши мумкинлиги боис, уни ўзидан узоқда сақладилар ва бу Абдуллатифнинг валеаҳдлик ҳуқуқидан маҳрум қилишди. Хулоса қилиб айтиладиган бўлсак, бахтиқаро Улуғбек ўғлининг нафратини қўзғаб, ўз тақдирининг шундай якун топишига эҳтимол ўзи сабабчи бўлгандир»⁹.

Юқоридаги воқеалар астрология илми бошқа фанларга ҳам кириб боришига сабаб бўлади. Жумладан, наққошлик санъатига кириб бориб, миллий маъморчилик ва амалий санъат безакларида ўз аксини топди. Бу ҳақида бир қанча мисоллар келтириб ўтамиз. Шулар қаторида Шердор мадрасаси пештоқидаги тасвир ҳам афтидан астрология фани асосида безатилган. Композициядаги тасвирда

⁹ Башорат (араб – хушхабар, суюнчи хабар) – илмий билишнинг бир шакли, ҳали фанга тўла маълум бўлмаган, имконият тариқасидаги ҳодисалар, турли жараёнлар тўғрисида олдиндан фикр айтиш. Башорат ижодий жараён бўлиб, табиат, жамият тараққиёти объектив қонунларининг фанда ўрганилган асосларига суянади, шундан келиб чиқади. Ҳар бир фан башорат учун бой материал беради. Масалан, астрономиядаги билимлар Ой ва Қуёш тутилиши муддатини бир неча йил олдин аниқ қилиб белгилаш имконини берди; кимёдаги билимлар асосида ҳали топилмаган элементлар олдиндан айtilди ва ҳ.к. Назарий ва тажриба маълумотларини умуллаштириш, ҳодисалар қонуниятлари ва алоқасини ҳисобга олиш асосида олдиндан айтиш ижтимоий ҳаётда, фан ривожиди муҳим аҳамиятга эга.

наккош Ялангтўш Баҳодир уни эркак шер рамзида акс эттирган. Эркак шер боши орқали шарқий толенома асосида Самарқанд ҳокими Ялангтўш Баҳодирнинг буржи, йўлбарс танаси орқали эса унинг мучали рамзий берилганлиги аниқланди.

Шердор мадрасаси пештоқидаги тасвирнинг ғояси самарқандлик олим Абу Тоҳирхўжани астролоғия илми билан боғлиқ ғояси бизнингча, тўғри айтилган.

Композицияда эркак шернинг боши йўлбарс танасига бириктирилиб йўлбарссимон шер тасвирланганлигининг сабаби шундаки, йўлбарссимон шер орқали Ялангтўш Баҳодирга қиёсланган ва рамзий безак орқали Ялангтўш Баҳодирнинг мучали ва буржи ифодаланган. Бизнингча, Ялангтўш Баҳодирнинг мучали йўлбарс бўлган. Агар шундай бўлса у 1578 йилда туғилган бўлади. Ўзбек миллий энциклопедиясининг 10-жилди 367-бетида эса туғилган йили 1576 йил деб берилган шарқий мучал бўйича у сичқон (1-жадвал).

1-жадвал

Ялангтўш Баҳодирнинг туғилган йили ва ойининг Ўзбекистон миллий энциклопедиясидаги маълумотлар билан бизнинг илмий тадқиқотларимиз натижаларининг кўрсаткичлари

№	Маълумотлар	Ялангтўш Баҳодирнинг туғилган йили	Ой, кун	Вафот этган йили
1	Ўзбек миллий энциклопедияси. 10 том	1576 йил	15 сентябрь	1656 йил
2	Бизнинг илмий тадқиқотларимиз натижасида	1578 йил	(23 июль-23 август)	1656 йил
3	Фарқи	2 йил	1 ой	—

Аждодлар ва машҳур шахсларнинг мучалларини аниқловчи жадвал ҳақида. Милодий 1 йилдан то 2299 йилгача (йиллар тартибини чексиз асрларгача давом эттириш мумкин) бўлган мучал ҳисобини 1-жадвалга қараб осонгина топиш мумкин¹⁰. Бунинг учун аввал «юз йилликлар», сўнг «ўн йилликлар» каторидан зарур ракамлар топилади. Ҳар икки ракам кесишган жой йил раками сиз ахтараётган мучал йили бўлади. Масалан, Ялангтўш Баҳодир 1576 йилда туғилган. Берилган жадвалдаги «Юз йилликлар»дан 15 ни,

¹⁰ «Такдир таъбири». (Шарқий толенома) – Т.: «Янги аср авлоди», 1999. 21-22 б.

«ўн йилликлар»дан эса 76 ни топамиз. Ҳар иккови кесишган жойдаги мучал йили Ялангтўш Баҳодир туғилган йилнинг мучали сичкон бўлган.

Бироқ Шердор мадрасаси пештокидаги жониворнинг танаси – йўлбарс Ялангтўшнинг мучалини ифодалаган бўлиши мумкинлиги эҳтимолига эътибор қаратсак, у ҳолда Ялангтўш Баҳодир 1578 йилда туғилган экан деган хулосага келамиз (4-расм).

Шарқий мучал ЙИЛ	Бурж бўйича ОЙ
	
1576 йил	15 сентябрь
1578 йил	Август
← Йўлбарссимон шер →	

4-расм. Ялангтўш Баҳодирнинг Шарқий мучали, буржлар ва шамсий йил ойлари тасвирланган чизма. Бу чизма йил ўн икки ойдан, ой эса кунлардан, кун эса кун ва тундан иборатлиги рамзий маънода ҳам берилган. Ялангтўш Баҳодир Шарқий мучал бўйича йўлбарс, буржи эса шер экан. Шу асосда у 1578 йил августда туғилган, деган тахминга келамиз.



Худди шунингдек, Шердор мадрасаси пештокидаги аллегорик ҳайвоннинг боши арслонни ифодалаган ва у Ялангтўшни туғилган вақтига доир бўлган деган версияга амал қилиб, Ялангтўш Баҳодир туғилиши пайтида Асад юлдуз туркуми (яъни, Арслон юлдуз туркуми) Шарқ томонда уфқдан энди кўтарилаётган ойда (яъни 1-ойда) бўлган, деб фараз қилинса, унинг туғилган вақти августга тўғри келган, деган хулосани беради (астрологик тольеномалар тузиш қондасига кўра). Унда Ялангтўш Баҳодирнинг туғилган вақти билан боғлиқ эслатилган ва энциклопедияда келтирилган маълумотни ҳам шубҳа остига қўяди. Шунингдек, бундай маълумот асосида унинг аниқ туғилган кунини

аниклашнинг ҳам иложи бўлмайди. Ялангтўш Баходир арслон буржи бўйича куйдаги маълумот беради. Арслон (23 июль – 23 август)¹ Сайёра: Куёш Рамзлар: арслон, оққуш. Ранглар: қирмизи (тўқ қизил), тилла ранг, тўқ сарик, алвон ранг (оч қизил), қора. Тошлар: каҳрабо, хризолит, топаз, лаъл, олмос. Гуллар: саллагул, гулҳамишабахор, гладиолус, хризантема. Металл: олтин. Анатомик эмфаза: юрак, тўқималар, шох томирлар, ревматизм (бод). Тилсим: хонқизи, арслон, бургут. Омадли ракамлар: 1, 5, 9, 11. Омадли кунлар: якшанба. Омадсиз кунлар: шанба. Мамлакатлар: Франция, Италия, Арктика, Сицилия.

13 августдан 23 августгача туғилганлар Марс таъсири остида бўлишиб, табиатан кучли, каттиққўл, ҳокимиятга сажда қилувчи ва ўзлари ҳам буюришни, ҳукронлик қилишни ёктирувчи бўлишади. Уларнинг табиатида ақл ва куч уйғунлашган. Ҳарбий хизматда муваффиқиятга эришишади.

Мухим ёшлар: 15, 30, 35, 36, 57, 60, 76.

Самарқанд ҳокими Ялангтўш Баходир ҳақида маълумотни меъмор Абдулжаббор ўта мохирона тасвирлаган.

Шунинг учун ҳам Шарққа машҳур буюк наққош Маоний «Ҳақиқий наққош шундай ижодий уфқ топиши керакки, унга интилган сари янги-янги гўзаллик олами очилсин. Табиатни айнан тасвирлаш бу сарҳаднинг ниҳояси эмас, агар қимки расмлардаги ҳар бир чизиққа жон бағишлай олар экан, у санъат қалитини эгаллаган бўлади» деб бежиз айтмаган. Абдулжаббор ҳам санъат қалитини эгаллаган меъмор бўлган.

Хулоса қилиб айтганда, асрлар давомида улкан маданий бойлигимиз, хусусан, ўзбек миллий халқ амалий безак сарҳадининг кенг тарқалган турларининг ўзига хос томонлари, мактаблари, бажариш технологияси, услублари, уларни яратган усталарнинг муборак номларини унутишга ҳаққимиз йўқ. Ана шу сабабли бу ноёб сарҳад дурдоналарини сақлаш, илмий ўрганиш, уларни ёшларга ўргатиш ва келажак авлодга етказиш муҳим вазифамиздир.

¹ 2010 йил Мунажжидлар башорати тўпловчи. М. Тилолов. – Т.: «DAVR PRESS», 2009. 43-44 бет.

2.2. Санъат асарлари моҳиятини англашнинг фалсафий асослари

*«Миллий тимсоллар ва рамзларнинг ҳар бири
миллий ғуруримизни юксалтиришга хизмат
қилади. Уларнинг ҳар бири катта бир дарсликдир».*

Ислом КАРИМОВ

Кўкалдош мадрасаси Тошкент шаҳарининг меъморий ёдгорлиги ҳисобланади. Уни Қулбобо Кўкалдош¹ 1551–1575-йиллари қурдирган. У Тошкентнинг марказий Чорсу майдонида жойлашган. IX–X асрларда Бинокент номи билан маълум бўлган. Тошкент баланд деворлар билан ўралган бўлиб, ўн иккита дарвозалари бўлган. Бу деворларни муғуллар истилоси даврида вайрон қилинган. Темур ва темурийлар ҳукмронлиги даврида (XIV–XV асрларда) эса Тошкент қайтадан тикланиб, йирик феодал шаҳарга айланди. Кўпгина йирик ҳашаматли бинолар бунёд қилинди. XVIII аср бошларида мадраса жуда ташландик ҳолга келиб, қарвонсаройга айлантирилган. Кейинчалик Кўкалдош мадрасаси қайта тикланган. Мадрасани тузатишда катнашган усталар кириш дарвозаси устига ўрнатилган сиркор кошинларда қуйидаги ёзувни қолдирганлар: «Ушбу ажойиб бинони ҳижрий йилда (1830–1831-йиллар) Азим Вали ўғли уста Аваз Муҳаммад тузатди». 1246 Сўнг шундай деб ёзилган: «Бу бино сарой бош қўмондони Жаҳонгирбек ўғли Шодмонбек раҳбарлигида бежирим қилиб қайта ишланди... Инсон ўлими ҳақ, бироқ унинг қилган ишлари абадий қолади». «Кошин ишларини уста Салимжон ўғли уста Олимжон бажарди»².

Мадраса 1868 йил зилзиласида, айниқса, каттиқ зарарланган, бу вақтда унинг кираверишдаги пештоқининг гумбази қулаб тушган.

1902–1903-йилларда шаҳар аҳолисидан йиғилган маблағ ҳисобига бинонинг юқори қисмлари қайта тикланди. Бироқ асосий пештоқ гумбази ва пештоқнинг ўзи тузатилмасдан қолди.

¹ Кўкалдош, Кўкалдош-1. Умуман олганда, ризовий «эмишган» биродорлар. Яъни бирор доя «энага»ни унинг ўғли билан биргаликда эмган бегона бола. Шунга кўра, подшоҳнинг ризовий биродорига «Кўкалдош» деган лақаб берилган. Кўкалдош истилоси, «Ғиёс ул-лугат» («Лугатлар мадодкори»)да айтилишича, туркий «кўка» («Энаганинг ўғли») ва «тош» ёки «дош» («Шерик») сўзлардан иборатдир. Бу икки сўз орасидаги «л» харфи эса кейинчалик қўшилиб қолган бўлиб, илгари бўлмаган. «Кўка» («ака») сўзи хозиргача козок тилида қўлланиб келадиган Ўрта асрларда Туркистонда, хусусан, Бухоро хонлигида мамлакат ички хавфсизлигини таъминлаш ишлари билан шуғулланувчи амалдор. (Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 5 жилд Т., 2004, 169 бет).

² Крюков К. С. «Кўкалдош мадрасаси». Т.: Ўзбекистон, 1968, 3-бет.

«Пештоқнинг ён томонлари то гумбаз асосигача ва деворнинг кунгирадор қисми Европа ғишти билан текис қилиб ишлаб чиқилди, пештоқнинг ёнларида ярим доира шаклида чиройли равоклар пайдо бўлди. Барча миноралар, яъни гулдасталар устида XVIII–XIX асрлардаги маҳалла масжидларида бўлгани сингари кичкина миноралар бунёд қилинди. Бош пештоқнинг устунлари бурчакларида гумбаз – кубба ўрнида минораларнинг учида бўлгани сингари кўринишли фонусчалар вужудга келтирилди. Бироқ буларнинг ҳаммаси 1946-йил зилзиласида тамомила кулаб тушди»¹¹. 1950-йилнинг бошларида Кўкалдош мадрасаси қайта таъмирланди.

Мадраса пештоқи 10 ва 5 рахли геометрик нақшлар билан безатилган. Икки томонида иккитадан квадрат шаклида ва меҳроб тоқча кўринишида безаклар билан безатилган (5-расм).



5-расм. Кўкалдош мадрасасининг ҳозирги кўриниши.

Икки ёнида тўртта квадрат чиройли безатилган бўлиб, унда Марказий Осиёнинг деярли барча меъморчилик тажрибасида учрайдиган чархпалак тасвирланган. Ушбу нақшни шу асргача ҳеч ким илмий таҳлил қилиб, хулоса чиқара олмаган. Ҳозирча бирорта манбаъда илмий таҳлили баён қилиб берилганини учратмадик.


Хўш, Кўкалдош биноти фасадига сақланиб қолган квадрат шаклидаги тўртта бир хил нақшли безак қандай ҳикматни англатиб турибди?

Дунёда маъносиз сўз бўлмаганидек, маъносиз нақш ҳам йўқ. Шу нуқтаи назардан сўз юритилаётган безакни таҳлил этишга уриниб ўрайликчи!

Квадрат ичига назар солсак у тўққизта катакка бўлиниб, ква-

¹¹ Крюков К. С. «Кўкалдош мадрасаси» Т., Ўзбекистон, 1968, 3-бет.

драгда Яратгувчи, тўрт марта Мухаммад сўзи араб алифбосида ёзилган. Шакл жиҳатидан қарасак битта катта чархпалак соат мили кўрсатгичи йўналишида ҳамда тўрттаси эса соат мили юришига қарама-қарши кичкина шаклда тасвирланган. Ранг жиҳатдан қарасак, Яратгувчи ва Мухаммад ёзув ранглари бир хил рангда тасвирланган. Кўпчилик Яратгувчи ва Мухаммад сўзини ўқийди. Лекин бу сўз ва шаклларни биргаликда қўшиб ўқий олмайдилар. Бунинг сабаби шундаки, араб имлосини билган инсон шаклларнинг рамзий маъносини етарли даражада билмайдилар, билсаларда иккаласини қўшиб ўқишга қийналадилар. Аввало, нима учун безакка квадрат танланган? Квадрат – дунёнинг тўрт томони, мустаҳкамлик, оламнинг чексизлиги, қуёш фарзанди эканлиги, абадийлик, ёруғлик маъноларини, шунингдек, оламнинг моддий асоси тўрт унсурдан, яъни ер, сув, ҳаво ва оловдан иборатлигини ифодалайди. Квадрат яна симметрик, гўзаллик тенглик рамзидир. Оламдаги жамики гўзаллик квадрат шаклига асослангандир (6-расм).



6-расм. Кўкалош мадрасаси пештоқининг икки томондаги рамзий нақшлар.

Ушбу квадрат нима учун 9 та катакка бўлиниб, шу катаклар асосида ёзилган (6-расм), бунинг сабаби нимада? Агар рақамларни тўққизта катакка ёзиб чиқсак, қуйидаги кўриниш беради. Математикада рақамлар фалсафасига мурожат қилсак, ҳар бир рақам ўзига хос мантикий ва фалсафий маънога эга. Яъни 1-рақами оллоҳнинг ягоналигини, 2 рақами жуфтлик рамзи ва ҳоказо тушунчаларига эга. Нима учун квадрат тўққизта тенг катакка бўлинган?

Инсон она қорнида 9 ой, 9 кун, 9 соат, 9 дақиқада хомила сифатида улғаяди. Яна соғ ва мукаммал инсонда 9 муҳим аъзо етук бў-

лади: куз, кулок, бурун, оғиз, қўл, оёқ, корин, тиш ва тил. Қола-верса, 9 сони қадимдан муқаддас рақам ҳисобланган. У бахт, иқбол рамзи.

Квадрат ўртасида 5 раками ёзилган. Бу эса беш кунлик дунёни, яъни инсон бу (фоний) ўткинчи дунёда синалиш учун келади, қилган амаллари орқали баҳоланади, яъни ё жаннатга, ё дўзахга тушади, деган мазмунга эга. Шунинг учун бу дунёда ҳар бир инсонни эзгулик йўлида юришга чакиради. Яна беш раками исломнинг беш устунини иймон, намоз, рўза, садақа ва ҳажни билдиради. Ҳар бир инсон бу фоний дунёда албатта ушбу амалларни бажариши фарз деган мазмунни беради.

Инсоннинг асосан 5 та туйғуси бўлиб, улар: эшитиш, хид ва таъм билиш, кўриш ва тана сезиши. Булардан ташқари айрим кишиларга 6-туйғу ҳис қилиш ва 7-башорат қилиш туйғулари ҳам бўлади. Рақамларни кундалангига ёки тиккасига қўшиб чиққанда 6, 12, 18, 24 рақамлар чиқади.

Фалсафий таҳлил қилсак «18 минг оламни Яратгувчи 6 кунда яратган» деб муқаддас китобимизда айтилган. Бунда 6 раками ислом фалсафасида мукамаллик рамзи саналади. Бу оятда 6 раками рамзий айтилган бўлиб, «Яратгувчи 18 минг оламни мукамал яратдим» деган маънода айтилган. Бу билан ҳеч бир инсон мен яратганларимдан ортик ҳеч нима ярата олмайди деб ўқтиради. Яратганда ҳам инсон ўз бошига бало яратади демоқчи.

12 раками 1 йилда 12 ой борлигини билдиради. 24 раками 1 суткада 24 соат борлигини билдиради. Квадратнинг тиккасига, кундалангига ва диагонаliga қўйилган рақамлар йиғиндиси 15 чиқаяпти. Бу, ойнинг ўн беши ёруғ, ўн беши қоронғилигидан далолат. Яъни, олам нур ва зимистондан ташкил топган, инсон ҳаёти ҳам шундай, яъни турган битгани нотекис, норавон йўллардан иборатлигини англатади.

Квадратга тўлдириб соат мили курсатгичи йўналишида динамик ҳолатда чархпалак тасвирланган. Чархпалак – абадий ҳаракат тимсоли, олам абадий ҳаракатдан иборат демакдир (5-расм). Дунёда жамики борлик ҳаракатдан иборат эканлигига ишора қилади. Ҳаракат бўлганда ҳам эзгулик ва омад, бахт-иқбол сари интилишдир. Яна чархпалакнинг «чорунсур» ва бошқа атамалари ҳам мавжуд. Чорунсур эса олам, тупроқ, ҳаво, сув ва олов сингари тўрт унсур қоришмасидан ташкил топган деган маънони ҳам англатади. Бу чархпалаксимон шакл Шарқда қарийб 1000 йилдан буён хилма-

хил маънога эга бўлиб келган. Олмон математики Герман Вейль чархпалак ҳақида шундай деган эди: «Чархпалак» инсониятнинг энг қадимий рамзлардан бири сифатида маълум бўлган». X–XI асрларга оид Афросиёб деворий намоёнлар фикримиз далилидир».


Чархпалак шаклидаги нақшлар куёш рамзи, ўлиш ва тирилиш ҳамда абадийлик, ўлим ва ҳаёт рамзи. Чечен–ингушларда эса меҳмон кетишидан олдин мезбон эшигига дўстлик рамзи сифатида чархпалак нақши тамғасини ўйиб кетар экан. Муғулларда мураккаблаштирилган чархпалак тасвири «ўн минг йиллик бахт» маъносини англатган. Ўтов пештокидаги нақш «ҳеч қачон бу уйнинг чироғи ўчмасин» деган маънони билдирган».

Чархпалакларнинг дунёда турли-туман турлари мавжуд. Чархпалак шаклини мантиқан таҳлил қилиб кўрсак, қуйидаги ҳикматлар бизга аён бўлади (5- а расм).

«АС» чизиқ – тириклик рамзи. «ДВ» чизиқ – инсон ҳаётининг қисқалиги, яъни ўлим рамзи. А1, В2, С3 ва Д4 – чизиқчалар чархпалак ҳаракатини, яъни динамик кўринишга ҳамда чархпалак соат кўрсаткичини чапдан-ўнгга ёки ўнгдан-чапга ҳаракатини кўрсатиб туриш учун хизмат қиладиган чизиқлардир. Чархпалакнинг соат кўрсаткичини чапдан ўнгга ҳаракати ҳаёт ва ўлим доимо такрорланиши, олам эса абадий эканлигига ишора қилади. Чархпалак шаклида ҳаёт бор жойда ўлим муқарардир, Олам эса абадийдир дейилмоқчи.


Мукқадас китобимиз бўлган «Қуръони Каримда» Мулк сура-сининг 2-оятида шундай дейилади. «У ўлим ва ҳаётни сизларнинг қайсиларингиз амалда яхшироқ эканингизни синаш учун яратгандир. У барчадан ғолибдур ва гуноҳларни кечувчидир»¹. 6-расмда Яратувчи сўзи квадрат ва чархпалакнинг марказида жойлаштирилган, бу билан наққош бутун оламини ҳаракатга келтирувчи, кўргувчи ва билгувчи яккаю-ягона зотдир демоқчи.

¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2-жилд, Т.: 2000. 121-б.




3-расм. Квадрат.


У Оламини билдиради. Оламининг моддий асоси 4 унсурдан, яъни Ер, Сув, Олов ва Ҳаводан ташкил топган.




6-расм. Оллоҳ.




4-расм. Квадрат тенг 9 бўлакка бўлинган.




Тошкент шаҳридаги Кўколдош мадрасаси пештоқидаги безак.



7-расм. Оллоҳ ва Муҳаммад.



5-расм. Чархпалак.



8-расм. Чархпалакларни тескари тасвири.

Кўкалдош мадрасасидаги безакларни илмий ўрганиш, унинг эзгулик, маънавий комилликка чорловчи ғояларини ватандошлар, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига сингдириш бу ёдгорликларни асраб-авайлаш ҳамда келгуси авлодларга қолдириш ҳаммамизнинг Ватан олдидаги бурчимиздир.

Кўринадики, қадимий меъморчилигимиз анъаналарида юзаки қарагандагина оддий туюлган «арзимас» нақшларда ҳам олам-жаҳон ҳикмат-хазиналари мужассам топган.

Мазкур фалсафий ғоя фақат ислом дини тарафдорларинигина эмас, балки ҳар қандай эътиқод вакиллари яхшиликка, эзгуликка даъват этади. Бошқача айтганда, буюк аждодларимиз бизга қолдирган чексиз маънавий бойликларимиздан бўлмиш тарихий обидаларнинг ички ва ташқи безаклари кишиларни нафақат гўзалликни кўра билишга, балки гўзаллик қалбидаги дониш ҳикматларни ўқий олишга ҳам ўргатади, одатлантиради.

Асрлар давомида яратилган улкан маданий бойлигимиз, хусусан ўзбек миллий халқ амалий безак санъати кенг тарқалган турларининг ўзига хос томонлари, мактаблари, бажариш технологияси, услублари, уларни яратган усталарнинг муборак номларини йўқотишга ҳаққимиз йўқ. Ана шу сабаб бу ноёб санъат дурдоналарни сақлаш, уларни ёшларга, авлодларга ўргатиш муҳим вазифамиздир.

2.3. Инсон билан коинот ўртасидаги муносабатлар уйғунлигининг фалсафий асослари

Ўзбекистон Мустақиллик йилларида халқимиз миллий кадриятларни ўрганишга, улар орқали ёшларимиз таълим ва тарбиясига алоҳида эътибор қаратганлиги бежиз эмас. Бу масалага Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунни, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Истиқлол йилларида миллий кадриятга, жаҳон илму фани, маданияти, санъатида ўчмас из қолдирган буюк аждодларимизни билиш имконига эга бўлдик.

Шарқ Ренессансининг буюк вакилларида бири наққош ва мусаввир Камолиддин Бехзод жаҳон тасвирий санъати, хусусан, китоб беағи соҳасида, портрет, манзара, турмуш, тарихий жанрларда юксак ғоявий, бадиий савияда асарлар яратдики, улар жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида севиб ўрганилмоқда. Унинг ҳаёти ва ижодига бағишланган тадқиқотлар олиб боришмоқда. Шунга қарамай, Бех-

зод асарларини фалсафий ва психологик томонлари етарлича ўрганилмаган.

Шунинг учун Камолиддин Бехзод асарларидан бири «Сўфийлар рақси» асари бадиий таҳлили ва фалсафий, психологик томонларини кўриб чиқамиз.

XV аср охирида Хуросонда ва XVI–XVII асрларда Моворауннахрда сўфийликка асосланган миниатюралар пайдо бўлди.

«Сўфийлик тасаввуф дунёни билишни, аниқ кундалик ҳаётни, инсонни дунё ва коинот, замон ва макон, лаҳза ва абадиёт, ҳодиса ва моҳият ҳақидаги тушунчалари билан боғлиқ қарашларни ўзида акс этиради.

Энг биринчи сўфайлар инсон калбини етти қисмга (қисматга) бўлганлар; яъни, етти қават осмон каби ва ҳар қайси қисм маърифатнинг муайян жараёни вазифасини ўтаган:

Биринчи қисм (қисмат) – Қалб пардаси бўлиб, шайтон васвасаси ва куфр ишлардан қалбни асраган.

Иккинчи қисм – калбнинг ўзи бўлиб, инсон коматининг чап томонидадир ва унинг иймони ҳисобланади.

Учинчи қисм – Шикок деб аталиб, халққа бўлган меҳру шафкатга аталган.

Тўртинчи қисм – Фуод аталиб, кўз билан англаб кўриладиган вақтдир;

Бешинчи қисм – «Хуббатул-қалб» бўлиб, Худога бўлган муҳаббатнинг асосидир.

Олтинчи қисм – Сувайдо аталиб, илоҳий сирнинг (шу улуғ кишиларга) анланганидир.

Еттинчи қисм – «Мухжатул-қалб» аталиб, Худонинг сифатларига айтилгандир»¹².

Хуросон ва Моворауннахрда «Само» деб номланган диний маросимлар ўтказилган. Само маросимини эрталаб ёки кечки пайт ўтказилган. Бу маросимда Камолиддин Бехзод жуда кўп қатнашиб, калбидаги ҳис-туйғуни ва анъаналарни фалсафий психологик маъносини, яъни коинот билан инсон ўртасидаги муносабатлар ҳамда комил инсон фалсафаси ҳақидаги хикматни ўз асарларида чизик, шакл ва ранглар орқали кўрсатишга ҳаракат қилган. Камолиддин Бехзод ҳаёти ва ижоди давомида қизиқарли ва ўлмас миллий анъаналар ҳамда ёшларни комил инсон руҳида тарбиялаш заруратини

¹² Комилов Н. Тасаввуф 7 – Т.: «Мовароуннахр» – «Ўзбекистон», 2009. 278-б.

англаб «Само» деб номланган маросимдан таъсирланиб, 1480 йил Ҳиротда «Сўфийлар рақси» деб номланган асарини яратди.

Бехзоднинг «Сўфийлар рақси» деб номланган асарида табиатнинг энг гўзал фасли, яъни табиатнинг уйғониш даври – баҳор тасвирланган (1-рasm).

Бу эса асарда покланиш билан уйғунликда акс эттирилган. Асарда юзи, ҳатто коинот ҳам динамик ҳолатда тасвирланганлигини кўрамиз (2-рasm).

Асарнинг умумий кўриниши симметрик жойлашган бўлса-да, қисмларининг кўпи асимметрик ҳолатда тасвирланган. Асар колорити жигар ранг бўлиб, композицияда бирор бўшлиқ жой қолдирилмаган. Ҳамма жой безаб чиқилган. Асар инсонларни гўзаллик олами, олам ва Аллоҳ гўзаллигини қалб билан кўришга ундайди. Гўзаллик қалбидаги фалсафани қалбдан ўқишга чақиради.

Асарнинг орқа планида қирлар рамзий маънода тўлқинсимон, яъни динамик ҳолатда тасвирлаган. Қирларнинг динамик берилиши асар ғоясини амалга оширишга қаратилган. Инсонларнинг динамик ҳолати билан ер, осмон, ҳатто табиат яхлит бир уйғунликда тасвирланган. Осмондаги булутларнинг жўшқин ҳаракатда тасвирланиши асар ғоясини амалга оширишга ёрдам берган. Бу эса асарнинг ҳам кўриниши, ҳам мазмунини яхлит бир тизимга келтиради (3-рasm).

Композициянинг юқори қисмида учта терак симметрик ҳамда ритмик такрорланиши асарнинг динамик ҳолатини таъминлаган. Теракларда мусаввир ҳаётда шоҳ бўладими ёки гадо, инсонлар тил ва дил бирлигини ҳеч қачон унутмаслиги, яъни ўзини англаган ҳолда яшаши лозимлигига ишора қилган. Қирларнинг тўлқинсимон шакли инсон ҳаётининг тун ва кундуздан иборатлигига ишора қилган. Худди шу мазмунни осмондаги булутларнинг динамик ҳолатида ҳам кўриш мумкин. Асарнинг умумий тузилиши тўғри тўрт-бурчак шаклида жойлаштирилган. Асарнинг бўйи энига қараганда катта олинган. Бу асарнинг ғоясини, ечимини амалга оширишга хизмат қилган.

Мусаввир асар композициясида сўфийларни беш гуруҳга ажратади, бу ҳаммаси умумий мақсадга қаратилган.

Композицияда мусаввир нима учун асарни беш гуруҳга ажратади? Бунинг 1-сабаби композиция мувозанатини сақлаш бўлса, иккинчиси 5 рақами беш кунлик дунёни, яъни инсонлар бу дунёга вақтинча синовга келганлигини англатади. Ҳар бир инсон руҳий покликка эришиши кераклигига ишора қилади. Асар айлана шаклда

жойланган бўлиб, 5 та қисм симметрик жойлашган бўлса-да, унинг қалби динамик ҳолатда акс эттирилган.




1-расм. Сўфийлар ракси. Бехзод. Хирот, 1480 й.



2-расм. Олам рақси

I гуруҳда давра куриб турган 7 та етук сўфий, яъни комил инсон намуна тариқасида кўкка кўтарилган. Етти рақаи етук, комил инсонлар рамзи. Улар қаторида Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Камолиддин Бехзод ва бошқалар тасвирланган. Юқорида тасвирланган еттита сўфий қиёфасига эътибор берсангиз, уларнинг эмоционал ҳолатини кўриш мумкин. (4, 5, 6-расмлар) I-жадвал.




3-расм. Камолиддин Бехзоднинг «Сўфийлар ракси» асаридаги
харакатлар тизимининг акс эттирилиши.

T – тераклар, I – гурух, II – гурух, III – гурух, IV – гурух, V – коинот,
S – асар мувозанатини ушлаб турувчи нукта, H – тўлкинсимон ҳаракат.


Бу гурухнинг маросимдаги вазифаси куйидагилардан иборат бўлган. Улар диний маъруза, шеърларни, хадисларни, дуоларни таъсирли оҳангда ўқиганлар, кейин қолганлар жўр бўла бошлаганлар. Аста маком, ашулалар, айтганлар.

II гуруҳда 3 та мусиқачи тасвирланган. Ўнг томонда икки сурнайчи ва бир доирачи берилиб куй чалмоқда. Само маросимини ўтказишда мусиқачилар муҳим ўрин тутган. Улар мақомлар айтиб, кишилар қалбини титратган. Ушбу маросимда мусиқачилар кўпинча чолғу асбобларидан най, доира, гижжак, танбур ва бошқалардан фойдаланганлар.




4-расм. Дарвешлар раксидаги таркибий қисмлар жойлашуви:

I – кузатаётган сўфийлар (7 та); II – мусиқачилар (3 та); III – асар марказида ракс тушаётган дарвешлар (4 та); IV – зикр тушиб жазавага тушган дарвешлар (9 та); V – ритмик такрорланаётган тераклар (3); VI – Само билан Ер чегараси.



5-расм. «Сўфийлар рақси» асаридаги рақамларнинг фалсафий таҳлили.



I Само



II Алломалар



IV Ракс тушаётган дарвешлар



III Мусикачилар



V Жазава ҳолатдаги дарвешлар ва
комилликка эришган (Ҳаққа етишган)
сўфийлар

6-расм. Суфийлар ракси асаридаги асосий қисмлар.

Камолиддин Бехзоднинг «Сўфийлар ракси» асарининг бадий таҳлили.
Зинама-Зина технологияси

Т/р	Камолиддин Бехзоднинг «Сўфийлар ракси» асаридаги асосий қисмлар	Камолиддин Бехзоднинг «Сўфийлар ракси» асаридаги асосий қисмларни изоҳлаб беринг
1.	 I Само	
2.	 II Алломалар	
3.	 III Муסיқачилар	
4.	 IV Ракс тушаётган дарвешлар	

5.



V Жазава ҳолатдаги дарвешлар ва
комилликка эришган (Ҳаққа
етишган) сўфийлар

Муסיқачилар сўфийларни жазава, яъни мураккаб руҳий ҳолатга келтиришда муҳим ўрин тутган. Доиранинг вазифаси рақс билан муסיқани ритмик такрорлашга ёрдам беришдан иборат. Най инсоннинг қалб тубида яширин қайғу-аламларини кўзгаб, кўзларини ёшлантиради. Ғижжак қалб қаъридан чиқадиған нидоларни куйлайди.

Улар дарвешларни жазава (экстаз¹³)га ҳолатиға тушишига катта хизмат қилган. Доира оламини билдирса, най, ғижжак, танбур ва бошқа чолғу асбоблардаги куйлар инсон қалбидаги дард ва аламлар ҳисобланади.

III гуруҳ марказда тўртта зикр тушаётган шахс кучли динамик ҳолатда тасвирланган. Зикр тушаётган иккита оқсоқол ва ўрта ёшдаги киши тўнларининг ранги орқали рамзий маъно акс эттирилган.

Ранглар тўқлиги ёшроқ дарвешлар тасвирига хос. Рақсга тушаётган гуруҳ ҳаракатини рассом ҳилпираётган узун енглар ва турли рангдаги ридоларнинг енгил учиши орқали ифодалайди. Рақс тушаётганлар композициянинг маънавий ва пластик марказида жойлашган.

Марказдаги тўртта рақс тушаётган дарвешнинг қўл, оёқ ва гавда пластик ҳаракатлари юқоридаги тўлқинсимон кир шаклла-

¹³ Экстаз (юнонча *tatisis* – кўтаринкилик, зўр ҳис-ҳаяжон) – кучли ҳис-ҳаяжоннинг юқори даражаси. Бунда киши ўзини-ўзи идрок қилишини йўқотади, борлигини унутишгача боради. Экстаздан ғурурланиш, шу орқали илҳомланишдан психологик жараён содир бўлади.

рига уйғунликда тасвирланган. Марказдаги берилиб ўйнаётган дарвешлар, шундай берилиб кетганларки, худди коинотга учиб кетаётган қушга ўхшаб кетган. Уларнинг динамик ҳолатини Бехзод мохирлик билан тасвирлаган.

Дарвешларнинг ўйини, жисмоний ҳаракати уч хил, яъни ўйин, айланма ва сакраш ҳаракатлари берилган. Рақс кизғин паллага чикқанидан бошдаги салла ҳам ерга тушган. Худди шундай ҳолни белбоғнинг динамик ҳолатида кўриш мумкин. Рақс тушаётган дарвешларнинг кўлини кўтариб ва пастга тушириб, ўз атофларида тебранма ва айланма ҳаракатлари экстаз ҳолатида эканлигини билдиради. Уларнинг бир маромда, ритмик тебранма ҳаракатлари уларнинг коинот билан боғланишини таъминлайди.

Дарвешларнинг тебранма ҳаракатлари яратувчи ҳаракатлари билан уйғун келганида, улар коинот билан узвий боғланади.

IV гуруҳ. Рақс охирида гангиб, ярим ва умуман хушдан кетганлар. Шу ҳолатда ҳиссиёт, ҳаёлотга берилиш ва ўзини бошқара олмаслик ҳамда зикр тушганларида жазавага (экстаз ҳолатига) тушиши акс эттирилган. Жазава ҳолатида улар ҳақ билан қўшилиб кетиши, яъни мураккаб психологик ҳолат тасвирланган. Асаблари ниҳоятда зўриқиши натижасида глоссария ва галлюцинация ҳолатига тушишлари психологик ҳолати мохирлик билан акс эттиришган. Бу мураккаб психологик ҳолат «Мурақаб» деб юритилади. Асарнинг пастки қисмидаги иккинчи гуруҳчалар ҳаёлот уммонига ғарқ бўлмоқ аслида дунё илоҳий олам ғами билан машғул бўлмоқлик ҳамда ўзликдан кечиб, фоний дунёни унутиб, боқий оламни ўйлаб илоҳий ҳаёл уммонига ғарқ бўлиш, руҳий ҳаёлотини акс эттирган.

Сўфийлар жазавага тушишларининг сўнгги даврида парвардигорга яқинлашади ва ҳақ билан сўзлаша бошлайди. Бу ҳол «Ишроқ» деб аталган.

Само маросимида зикр тушишнинг боши ва охирини мусаввир мохирона бир тизимда акс эттирган (7-8-расмлар).

V гуруҳ коинот тасвири акс эттирилган бўлиб. Қирни тепа қисми тўлқинсимон шаклда акс эттирилган. Табиат боҳор кўринишида, дарахтлар ва ўсимликлар гулларга бурканган бўлиб учтга терак симметрик тасвирланган. Тераклар улуғворлик рамзида берилган яъни инсонларни улуғ ишлар қилишга чақиради. Коинот билан ерни тўлқинсимон шаклида берилиши ҳаёт қувонч ва ташвишдан, кун эса тун ва кундан ибрат эканлиги, яъни инсон қанақа вазиятда бўлмасин ўзлигини йўқотмаслик кераклиги уқтирилган.

Хуллас, Само маросимини ўтказиш қуйидаги босқичда амалга оширилганлигини сўфийлар рақси орқали англаб етса бўлади:

1. Эрталаб ёки кечки пайт сўфийлар давра куриб ўтиришган.

2. Сўфийлар диний санолар, дуолар ўқишган. Кейин жўр бўлиб ўқишган.

3. Муסיқачилар куй чалганлар.

4. Рақсга тушган.

5. Улар рақс орқали жазавага тушиш ҳолатида бўлганлар.

6. Ушбу жазавадаги психологик ҳолатда дарвешлар турли товушлар чиқариб, қичкириқлар қилган.

7. Рақс сўнггида мурақба ҳаёлот уммонига ғарқ бўлиб, аслида бошқа дунё илоҳий олам гами билан машғул бўлганлар.

8. Сўфийлар «Ишроқ» (арабча порлаш, жилва) мураккаб психологик ҳолатида бўлган. Яъни сўфийлар зикр тушганларида жазавага тушишларининг сўнгги даврида Парвардигорга яқинлашган (8-расм).


Бехзоднинг инсоний кечинмалар, дунёвий ва диний фалсафий қарашлари лиротик ва романтик сюжетларда ёрқин тасвирланган.

Ўрта Шарқ халқлари асрий орзу армонларни акс эттирувчи мавзуларга ўзига хос янгилик киритган Бехзод дунёнинг фусункор таровати, ҳаётнинг бой ва серкирралигини ёрқин акс эттириб бера олган. Бехзод Табриз мактаб ютуқларини ижодий ўзлаштириб, инсон ва табиатни ўзаро уйғунликда, ёрқин бўёқларда гавдалантирган.


Бехзод миниатюралари умуминсоний кечинмалар билан йўғрилган ўтмиш ҳодисаларини ёрқин жонлантирган, аждодларимиз турмуш манзараларини акс эттирувчи кўҳна тамаддун дунёсига очилган йўлдор.

Бехзод ижодий тасвирий санъатдаги юксак чўккилардан бири сифатида Моварауннахр, Эрон, Туркия, Афғонистон, Покистон мусаввирларини ўзига оҳанграбодек жалб этиб, уларни янги ижодий парвозларга илҳомлантириб келмоқда.

Камолиддин Бехзод «Сўфийлар рақси» асарига қараб шундай ҳулосага келиш мумкин. Диний ва фалсафий билимлар бамисоли қушнинг икки қанотидирки, қуш шу икки қанотсиз учолмагандек, инсон ҳам бу икки илмни бир-бирига уйғунлаштирмай, ўрганмай туриб, чин ҳақиқатни, ҳаёт моҳиятини тўлиқ англаб етолмайди ва олий камолотга эришолмайди.



7-расм. Само маросимида сўфийлар зикр тушишининг боши ва охирини мусаввир ушбу тизимда мохирона акс эттирган.



8-расм. «Само» маросимидаги «Инсон ва Коинот» ўртасидаги муносабатларнинг динамик кўриниши.

«Сўфийлар ракси»дан қуйидаги фалсафий-психологик хулосага келиш мумкин.

1. Камолиддин Беҳзод «Сўфийлар ракси» орқали аجدодларимизнинг маънавий мероси миллий ва диний анъаналарни келажак

авлодга етказишга уринган ва ёшларни руҳий покланиш орқали ўзликни англашга чақирган.

2. У аждодларимиз Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий каби улуг ва комил инсонларни улуғлайди ва улардан ибрат олишга чақиради.

3. Оламдаги ҳар бир заррача инсонлар билан узвий боғлиқлигига, яъни коинот билан инсон ўртасидаги муносабатларнинг фалсафий ва психологик томонларини кўрсатади. Бу орқали Камолиддин Бехзод инсонларни оламини қалб кўзи билан кўришга чақиради. Синов дунёсида ҳар бир инсонни комилликка интилишга, фақат эзгулик йўлида юришга даъват этади.

Асрлар давомида йиғилган улкан маънавий бойликларни, хусусан, тасвирий санъат асарларини ўзига хос томонлари, услублари, ғоясини, уларни яратган мусаввирларнинг муборак номларини унутмаслик лозим. Бу сабабли бу ноёб сарҳад дурдоналарини сақлаш, фалсафий, эстетик, психологик, тарбиявий ва бошқа томонларини ёшларга ўргатиш ва келажак авлодларга етказиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

III бoб. ТАСВИРИЙ САНЪАТ ТУРЛАРИНИ БАДИИЙ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ВА АСАРЛАР МОҲИАТИНИ АНГЛАШНИНГ ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ

3.1. Хаёл жараёнининг психологик таҳлили

Бугунги кунда мусақил Ўзбекистон тараққиётининг бош йўли бу шарқона миллий маънавият ва жаҳон илм-фани, маданий ютуқларини ўзлаштиришдир.

Шу ўринда юртбошимизнинг ушбу ибораси нақадар ҳаққонийлигини давр исботламоқда: бутун дунёга машҳур рус ёзувчиси Достоевскийнинг «Дунёни гўзаллик қутқаради» деган машҳур иборасини бир оз ўзгартириб, «XXI асрда дунёни маданият ва маънавият қутқаради», – деб айтган бўлардим.

«Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»да ҳам «Ёш авлодни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашдан халқнинг бой миллий маданий-тарихий анъаналарига, урф-одатлари ҳамда умумбашарий кадриятларга асосланган самарали ташкилий, педагогик шакл ва воситалари ишлаб чиқилиб амалиётга жорий этилади», – деб таъкидланади.

Дарҳақиқат, бўлажак мутахассисларга ўз касби сирларини пухта сингдириш билан бир қаторда уларнинг маънавий-ахлоқий маданиятини шакллантириш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан ҳисобланади.

Тасвирий санъат асарларини томоша қилар экансиз, улар унсиз сўзлайди. Уларда бир дунё маънолар яширинганлигига гувоҳ бўласиз. Лекин уларни ўқиш ва англаш учун инсон бадиий эстетик маълумотга эга бўлиши керак. Асарларни таҳлил қилиш маълум мезонлар асосида амалга оширилади. Чунончи, Исфaxon миниатюра мактабига мансуб «Анор ушлаган ўсмир» асари ўзига хос маъно ва мазмунга эга (1-расм).

Исфaxon миниатюра мактаби XVII аср мусаввирларини инсоннинг руҳий олами кизиқтира бошлаши манзаралар билан бойитилган портретлар, чизикларга эътибор қаратилган расмларни яратишга олиб келган.

Тасвирда тиз чўкиб ўтирган ва ўнг қўлида қизил анорни ушлаб ширин хаёлга чўмиб ўтирган ўсмирнинг психологик ҳолати акс эттирилган. Миниатюра Исфaxon услубида бажарилган бўлиб, бошқа миниатюра мактабларидан фарқ қилади.



1-расм. Анор ушлаган ўсмир. Миниатюра. Исфохон услуби. XVII аср.

Мусаввир ўсмирнинг психологик хусусиятини чизик, ранг ва шакллар орқали моҳирона тасвирлаган.

Тизза билан ўтирган ўсмир шарқ кишиси ва айни вақтда му- сулмон эканлигига салла орқали ишора қилинган. Чап қўлини оёғи- га тираб ўтириши ўз кучига, ўзига ишонч рамзини билдиради. Ўнг қўлида кўксигача кўтарилган ҳолда қизил анорни ушлаб ўтирибди. Ўсмир қўлидаги анор эзгулик, тўқчилик, етуклик ва муҳаббат рам- зида ифодаланган. Мусаввир ўсмирнинг ёшлик хусусиятини катта моҳорат билан акс эттирган.

Ўсмирлик ёшида болаликдан катталиқ ҳолатига қўчиш жараёни содир бўлиши, ўсмирларда психологик жараёнлар кескин ўзгариши билан аклий фаолиятида ҳам бурилишлар сезилади. Биогенетик ўсишнинг биологик омиллари, яъни жинсий етилишнинг иккилам- чи аломатлари ўса бошлайди, овознинг йўғонлашиши, мўйлов ва соқол пайдо бўлиши ҳамда орзу хоҳиш, нозик туйғу, соғинч изти- роб, муҳаббат каби кечинмалар пайдо бўлишини, ўсмир тасвири- нинг макон билан уйғунлигини мусаввир моҳирона мукаммал акс эттира олган. Кийимидаги қора ранг (тўқ гунафша ранг) заминида ритмик ҳолда оқ гулларнинг контраст акс эттирилишида инсон ру- ҳиятига хос бўлган зиддият ва қарама-қаршилиқни ҳис этиш мум- кин. Ўсмирнинг ўтирган ҳолати орқали ўз кучига ишончини қизил

белбоғ ва қўлини оёғига тираб суяниб туриши кўрсатиб турибди. Ўнг қўлида тўқ қизил рангдаги анорни қалби устига қўйиб туриши анор, яъни муҳаббат оламига чўмиб, беихтиёр А1 нуктадан А2 нуктага, яъни ҳаёлот нуктасига тикилиб турган ҳолатини мусаввир моҳирона акс эттирган. Ушбу туйғуни ҳар бир инсонда бўлиб ўтиши ёки бўлиб ўтганлигига ишора қилинади. Муҳаббат олами нақадар гўзал олам эканлигига ишонч билдирилади. Ушбу тасвирий санъат асарини кўздан кечирав эканмиз, ёши улуг инсонлар ёшлигини, ота-онасини, Ватан туйғусини қалбдан ҳис қилади (2–3-расмлар).

Муҳаббат нима ўзи? «Муҳаббат, севги – бирор шахсга ёки кишилар гуруҳига, ғоят ёки амалий фаолиятга нисбатан интим ва кучли туйғу. Нафратнинг акси. Шахс ички дунёсининг энг эркин ифодаси сифатида юзага келади. Муҳаббат туйғусининг улуғворлиги ва мураккаблиги шундаки, унда биологик ва маънавий, шахсий ва ижтимоий, интим ва умумий ҳолатлар бамисоли бир нуктага тўпланади. Ўрта Осиё мутафаккирлари муҳаббат инсонлар орасидаги, жумладан, эркак ва аёл орасидаги муҳаббатни юксак муносабат деб тушунишган. Ибн Сино муҳаббат ҳақида махсус илмий асар ёзгани маълум.

Юсуф Хос Ҳожиб назарида, муҳаббат мустаҳкам оилавий турмуш, ижтимоий тақомилнинг заминидир. Лутфий фикрича, муҳаббат инсонни кадрлаш садоқат ва вафодорлик билан чамбарчас боғлиқ. Алишер Навоий муҳаббатни 3 турга: эркак билан аёл никоҳида амалга ошадиган жинсий муҳаббатга, умуман инсонлар ўртасидаги муносабатларда намоён бўладиган муҳаббатга, Аллоҳга бўлган муҳаббатга ажратади. Европада муҳаббат муҳим, ижтимоий ҳиссиёт сифатида табиатни ўрганишга, шахснинг гармоник тақомилига хизмат қилувчи куч сифатида талқин қилинди. З.Фрейд муҳаббатни физиологик инстинкт деб билди ва ота-оналик, фарзандлик меҳри ҳам шу инстинктнинг айрим кўриниши деб ҳисоблади»¹⁴.

Асарни синчковлик билан томоша қилар экансиз ўсмирнинг ширин ҳаёл сураётган психологик ҳолати акс эттирилганлигининг гувоҳи бўласиз.

Мусаввир ўсмирнинг кўз нуруни анорга эмас балки, ширин ҳаёл нуктасига қаратган. Аслида ўсмир аввал анорга қараб туриб беихтиёр ширин ҳаёл нуктаси А2 нуктага кўчган. Шу ширин ҳаёл нуктасида ўсмир турли-туман ҳаёллар оламига кирган.

¹⁴ Ўзбек миллий энциклопедияси. Т.: 6-жилд, 2003. 181-182-бетлар.




2-расм. Анор ушлаган ўсмирнинг хаёл жараёни.

Анор – эзгулик, кўпайиш, тўкчилик, тўкин-сочинлик ва етуклик. Қадимдан уйлارни безаганда серҳосил анор дарахтини намоён-да тасвирланган. Бу тасвир хонани безаб, жуда кўркамлик берган, инсонлар руҳини кўтарган. Наккошларда серҳосил анор дарахти тасвири орқали инсонлар хонодонида ҳар доим тўкчилик бўлсин, улар ўйлаган ниятларига етишсин, деб тилак қилганлар, яъни инсонларга яхши ният қилганлар. Шунинг учун ҳам халқимиз «яхши ният, ёрти мол» деб бежиз айтмаган. Мусаввирлар анор ушлаган аёлларни бахт-саодат, муҳаббат, кўпайиш рамзида жуда кўп тасвирлаб келганлар.

А2 нукта хаёл суриш нуктаси бўлиб, хаёл суриш жараёнида фикр юритиш нуктаси ҳаракатда бўлади. Хаёл суриш нуктаси марказга ҳаракат қилади (3-расм). Хаёл суриш нуктаси марказга етиб борганда хаёл суриш тўхтайди. Инсон қандайдир кўтаринки руҳий куч олади. Натижада хаёл жараёнида эришган мақсадни амалга оширишини орзу умид қилади.

Ушбу эзгу умид билан маълум давргача ўсмир кўтаринки руҳда фикр қилиб юради.

Асарни таҳлил қилаётган томошабин: хаёл нима? унинг қанақа турлари борлиги ҳақидаги билимларга эга бўлиши лозим.



3-расм. Ўсмирнинг ширин хаёл жараёнининг умумий схематик кўриниши.

A – кўриниш нуктаси, A1 – анор (хаёлнинг бошланғич нуктаси), A2 – асосий хаёл жараёни нуктаси.

Хаёл – инсон томонидан идрок этилган тасаввур ва хаёлий ҳолатларнинг вужудга келишидан иборат психик фаолиятдир. Хаёл инсон онгида вужудга келиб борлиқнинг кифасини ўзгартиришга йўналган бўлади. Хаёлнинг тасаввур хаёли, ижодий хаёл, ихтиёрсиз ва ихтиёрий хаёл каби турлари мавжуд (4-расм).¹⁵ Амалга ошмайдиган ва кўпинча амалга ошириб бўлмайдиган иш-ҳаракат режаларини белгилайдиган хаёлни нафаол хаёл деб юритилади.




4-расм. Хаёл турлари.

Ихтиёрсиз хаёлда олдиндан белгиланган мақсад бўлмайди, бунда ирода фаол иштирок қилмайди. Асарда ўсмир ихтиёрсиз хаёлга,

¹⁵ Раҳимова. М. Психология курсида кўрсатмалик. –Т.: Ўқитувчи, 1981, 72-6.

яъни ширин хаёллар оламидаги рухий ҳолатга чўмгани акс эттирилган.


«Ширин хаёл суриш – муайян бир нарсага қаратилмаган, муайян бир системага эга бўлмаган хаёл процессидир. Ширин хаёлга ботган вақтда турли образлар кўз ўнгидан бирин-кетин бетартиб ўта боради. Бу тасаввурлар жараёнини тафаккур тартибга солмайди. Орзуларда бўлган каби, ширин хаёл суришда ҳам. Асосан, ўзимиз хуш кўрган образлар пайдо бўлади. Шу сабабли, кўпинча, ширин хаёл суриш одамга ҳузур бахш этади»¹⁶.




5-расм. «Анор ушлаган ўсмир» номли асардаги элементларнинг бадий таҳлили:

1 – салла, 2 – камон қош, 3 – лаби, 4 – анор, 5 – ўнг қўли, 6 – чап қўли, 7 – белбоғ, 8 – оёқ кийими, 9 – белига осилган сочик, 10 – оқ сочикдаги чизиклар, 11 – устки кора кийими (тўқ гунафша ранг) 12 – кийимдаги гуллар, 13 – соколлари.

¹⁶ Иванов. П. И. Умумий психология. Т.: «Ўқитувчи», 1967, 221-222 бетлар.



6-расм. «Анор ушлаган ўсмир» номли асардаги ранглarning психологик таҳлили.



7-расм. Кластер усулида ўсмир либосларининг рамзий маънолари.

Энди асардаги ранг, чизик ва шакллардан яширинган хикмат дурдоналарини ўрганамиз. Асардаги ўсмир миллий либосларининг рамзий маънолари қуйидагилардан иборат (5-6-7-расмлар).

Қизил белбоғ – кизил белбоғ ўсмирни куч қувватга тўлганини, жинсий етилганлиги ва балоғат ёшига тўлганлигини билдиради.

Суратда ўсмирнинг белбоғига илинган йўлсимон майда қизил ва қора чизиклар, билан безалган оқ сочик тасвирланган. Оқ сочик поклик рамзи бўлиб, ўсмирни рухан ва жисмонан покиза эканлигига ишора қилади. Сочикдаги қизил ва қора чизиклар ҳаёт эзгулик ҳамда ёвузликдан иборатлиги, яна кун-тун ва кундуздан иборатлигини ифодалайди.

Ички яшил кийими – ўсмирнинг мусулмон эканлиги ҳамда оёғ кийими ҳам яшил рангда берилиши исломий йўлда юрганини англатади.

Бошидаги оқ рангли салла ўсмирни мусулмон ва поклик рамзида тасвирлаган. Мусулмончиликда салла ўраш суннат ҳисобланиб, у ўлим рамзидир. Фоний дунёда туғилиш бор экан, ўлим муқаррардир. Яъни бу синов дунёда инсон факат эзгулик йўлида юришини англатади. Чунки бу дунёда инсон яхши ёки ёмон амалларнинг жавобини олади.

Тўқ гунафша рангдаги устки кийим – ушбу кийимнинг қоралиги рамзий маънода бу фоний дунё қоронғиликдан иборатдир, ушбу қоронғиликка қанча кириб борсанг шунча ҳеч нимани тушуниб бўлмаслигини англашни билдиради. Устки кийимидаги қора замини устига ритмик такрорланган 3, 4, 5 ва 6 япрокли ойгуллар тасвирланган. Бу билан олам гўзаллигига ишора қилинган.

Асардаги ранглар ўзига хос рамзий маънога эга. Анор ва белбоғнинг қизил ранги етуклик, муҳаббат, тириклик ва бошқа маъноларга эга. Салланинг оқ ранги поклик, рухий поклик рамзи. Сабза урган майин соқоли ёшлик, кучлилиқ рамзида ифодаланган. Белга кистирилган сочикнинг оқлиги ҳам поклик рамзи бўлиб, нақш чизикларининг қора ва қизил ранглари бамисоли тун ва кунни, ҳаётнинг нотекислигини, фоний дунё ёвузлик ва эзгуликдан иборат эканлигини англатади.

Ўсмир қиёфасидаги статик ва динамик ҳолатларни қиёфа илми орқали таҳлил қиламиз: ўсмирликдаги сабза уриб чиққан соқол ва мўйлови унинг балоғат ёшига етиши, жинсий етилганлигини билдиради. Қора рангли соқоли ёшликни эслатади; кичик ҳажмдаги лаблари, ўсмирлик ёшликнинг гўзал даври эканлигини эслатади;

камон кўринишидаги икки қoшнинг лoчин кушдай акс эттирилиши ўсмирнинг ширин орзу-истаклар, парвозий ҳаёлларга бeрилишини билдиради; суратда ўсмир бурни чиройли, нафис чизилган. Чиройли бурун юзга гўзаллик бахш этиб турибди; ўсмирнинг кўзлари бир нуқтага қаратилган бўлиб, ҳаёлга чўмиб, ширин орзулар, муҳаббат нашидасини тортаётганини ҳам динамик ҳам статик ҳолатда акс эттирган; чап қўлни оёқ устига тираб туриши, ўсмир ўз кучига, иродасига ва ишончига суянишини билдиради; ўнг қўлида анор ушлаб турганлиги статик ҳолат бўлиб, ҳар бир инсон муҳаббатини қалбида ўтказди ва ҳис қилади, деган маънони ифодалайди.

Хулоса қилиб айтганда, Шаркнинг машҳур мусаввири Маоний «Табиатни айнан тасвирлаш бу сарҳаднинг ниҳояси эмас, агар кимки расмлардаги ҳар бир чизиққа жон бағишлай олар экан, санъат қалитини у эгаллаган бўлади», деб бежиз айтмаган.

Мусаввир шундай уфқ топганларки, унга интилган сари янги-янги гўзаллик оламини очганлар, воқеликларни, чизиқ, шакл ва ранг орқали унсиз овозда халққа етказа олганлар.

Шундай экан, асрлар давомида йиғилган улкан маданий бойликларни, хусусан, тасвирий санъат асарларининг ўзига хос томонлари, услублари, уларни яратган мусаввирларнинг муборак номларини унутишга ҳаққимиз йўқ. Шу сабабли бу ноёб сарҳад дурдоналарини сақлаш, фалсафий, эстетик, психологик, тарбиявий бошқа томонларини ёшларга ўргатиш ва келажак авлодга етказиш ҳар биримизнинг Ватан олдидаги бурчимиздир.

3.2. Тасвирий санъат асарларини моҳиятини англашнинг психологик хусусиятлари

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да «Ёш авлодни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашда халқнинг бой миллий маданий-тарихий анъаналарига, урф-одатлари ҳамда умумбаشارий кадриятларга асосланган самарали ташкилий, педагогик шакл ва воситалари ишлаб чиқилиб амалиётга жорий этилади», – деб таъкидланади.¹


Дарҳақиқат, бўлажак мутахассисларга ўз касби сирларини пухта сингдириш билан бир қаторда уларнинг маънавий-ахлоқий мада-

¹ И. Каримов. «Ўзбекистон ХХІ аср бўсагасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт қафолатлари». –Т.; «Ўзбекистон». 1997 йил. 5-бет.

ниятини шакллантириш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан хисобланади.

Маданий мерос ва юксак бадиийлик миллий анъаналарини ривожлантириш, ундан фойдаланиш, ундан ижодий амалиёт услубларини жорий этиш, табиий материал билан ишлаш инсонларда, айниса, ёшларда, кунт, чидам, катъият, тасвирий санъатнинг фалсафий, психологик, кирраларини ўргатиш мақсадида олий ўқув юртларида ўқувчи-ёшларни сиёсий-ғовий ва эстетик руҳда тарбиялашда, гўзалликни сеза билишга, тасвирий санъат асарларини ўрганишга, улардан баҳра олишга, изланувчанлик ва яратувчанлик қобилиятларини оширишга, ушбу санъатга бўлган қизиқишни кучайтириш, касб танлаш, кўникма ва дунёқарашини шакллантиришда муҳим роль ўйнайди. Шу ўринда ўзбек рассомлари асарларини чуқур ўрганиш, улардан тегишли хулоса чиқариш муҳим аҳамиятга эга.


Тоҳир Каримов (1972 йилда тугилган) ўзбек тасвирий санъатига XX аср охирларида ўзига хос ечимга эга асарлари билан кириб келди. У кўплаб тимсоллар ва композицияларини маҳобатли санъат ва дастгоҳли рангтасвирда яратди. Унинг мустақиллик йилларида яратган «Ой» (1995) портрет асари ўзига хос лирик асар хисобланади (1-расм).



1-расм. Тоҳир Каримовнинг «Ой» асаридаги асосий қисмлар.

Асарнинг ғояси ўзбек аёлининг ширин хаёли орқали ҳар бир инсон фаний дунёда ўз орзу-умидлари, мақсади, висоли ва бахтига эришиши мумкинлигини фалсафий суратларда акс эттиришча йўналтирилган.

Қиз турғун ҳолатда тасвирланган бўлса-да, унинг кўзлари тинимсиз ҳаракатда эканлиги, яъни кўз нурлари чексиз қойнотдаги ўз юлдузини, ёрини қутаётгани, икки қўл бармоқлари бир-бирини юпатаётгандек психологик акс эттирилган (2-расм).




2-расм. Тохир Каримовнинг «Ой» (1995 йил) асаридаги хаёл жараёнининг психологик тизими.

Унинг ўрилган сочлари мажнунтол каби эгилиб, маънос ҳолатда акс эттирилган. Қизнинг бир дона соч ўрамини ушлаб эркалаб туриши ўз муҳаббатига, ўз орзусига қачон эришар экан, деган психологик тушқунлик ҳолатда берилиши инсон қалбини титратади.

Асар совуқ колоритда бажарилиши асар олдида қўйилган ғояси ечимининг ҳал этилишида ҳамда асардаги ғоялар тизимга бош ғоя уйғунлик берган. Суратдаги ҳаворанг колоритда бўлиб, асосий ранг мовий ранг берилиши олам чексизлигини, оламда ҳар бир инсоннинг ўз орзу умидлари билан яшашини рамзий ифода этган (3-расм).

Қиз либосининг яшил олиниси она замин рамзида, яшил ранг исломий ранг эканлиги, яъни қизнинг муслима аёл эканлигига ишора қилинган, она, аёл ҳуллас инсон борлиқнинг бир мўъжизаси эканлигини рамзий акс эттирилган.



3-расм. Хаёл жараёнининг мантиқий тизими.
1 – Аёл, 2 – Хаёл нуқтаси, 3 – Аёл қўллари,
4 – Ой.

Қора рангли сочлар кизнинг ёш эканлиги ёшликда ҳар бир инсонда муҳаббат кўпригидан ўтишга ишора қилинган, сочларнинг ҳар бир ўрами инсоннинг бир кўркини эслатиб, бу кунларни ўзига яраша мавҳум, қоронғиликдан эканлигини ҳамда кизни бир дона соч ўрамини эркалаб ушлаб туриши ўша кизнинг кунининг ойдан ёшлик кечасида турганини эслатади.

Асар контраст ранг орқали ҳаётни қарама-қаршиликдан яъни тун ва кундан, оқ ва қорадан, яъни дунё зиддият қарама-қаршиликдан, эзгулик ва ёвузликдан иборатлигига фалсафий фикр беради. Плотнода киз қорамтир оламдан ёруғлик сари интилаётгани динамика акс эттирилган.

Тасвирий санъатда портрет энг мураккаб жанрлардан биридир. Мусаввир кам деталлар орқали тасвирланувчи дунёсини очиб бериши сураат ва сийрат уйғунлиги, ҳолатлар ва ўзига хос қонуниятларга амал қилиши лозим.

Ўзбек кизининг ўзига хос суратини яратар экан, ундаги психологик ҳолатни чизик, ранг, шакллар орқали томошабинга етказолган.

Янги ой орқали асардаги қаҳрамонни ёш ва гўзаллигини ўз муҳаббатига содиқликлиги, ўз орзуларига етишишини, эришишини психологик ҳолтида акс эттирилган кўз нурлари маънос, лекин узоққа йўналганлигини, кўрамыз. Лекин аёл мағрур, ўз муҳаббатига содиқ қолишлигини кўз қош ва лаблар орқали акс эттирилган.

Мусаввир қиз суратини зебу-зийнатдан холи тасвирлайди. Оддийгина бир мовий либосда, қўлларида узуклар, билақузуклар, бўйнида маржонлару, тилла тақинчоқлар, қулоғида сирға-балдоқлар тасвирланмаган. Бу эса кизнинг соф муҳаббатини ва қалби поклигини ҳамда унга бойлик эмас соф муҳаббат кераклигини тимсоллар билан акс эттиради.

Мусаввир кизнинг суратини ишлар экан унинг қалбидаги дардини, муҳаббатни, маънослик, ўзига хос ғамгинлик шамоллари борлигини ҳис қилган. Композиция бош қаҳрамони тенг томонли учбурчакни эслатмоқда, бу эса айрилиқни билдиради.

Мусаввир ёруғлик контрастидан жуда ўринли фойдаланиб, қизнинг маънос юзини иккинчи ёруғликни ойда беради. Учинчи қолганлини қорамтир хира рангда акс этади. Бу эса асардаги бош ғояни – муҳаббатни шиор сифатида баланд кўтаради.

Айниқса, совуқ рангларни (кўк, могий, яшил, қора) ўзаро муносабатларда жуда нозик акс эттиради.

Хулоса қилиб айтганда, санъат асарларини ўрганар эканмиз, уларни бадиий таҳлил қилишда мантикий, психологик ва фалсафий талқинига алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқдир.

3.3. Инсон қиёфасини ўқишнинг психологик асослари

*Агар инсоннинг шакл-сийратини билсангиз,
Ўзингизни ёмонлик ва ёвузликлардан асрагйсиз.
Араб халқ ҳикмати¹*

«Инсон қиёфасини ўқиш санъати» фани жуда қизиқарли бўлиб, у инсонларни юзига, аъзоларига тузилишига, рангига, инсон танасининг ҳаракат ҳолатлари, овози, холи қулиши, ухлаш ҳолати кабилардан унинг характерини яхши ёки ёмонлигини билишга ва улар билан осонлик билан мулоқот қилишга ҳамда дўст бўлишга ёки ёмонларнинг зиён-заҳматидан саломат бўлишга ўргатади.

Хитойда, Европада ҳам бу фан қадимдан то шу кунларгача давом этиб келаётган бўлиб, фан тилида физиогномика деб юритилади¹⁷.

Аждодларимиз тарихий ва бадиий адабиётларда инсон фаолияти ҳақида сўз очишдан аввал унинг сурати, яъни ташқи қиёфасини ифодалаб берганлар. Асарни бошиданок бу қаҳрамонлар ҳақида китобхонда илк таассуротлар вужудга келган.

Масалан, Алишер Навоий ўзининг «Сабъаи сайёр» достонида Баҳром образини ранглар, яъни етти ранг орқали ифода этади. Ойбекнинг «Навоий» тарихий романи, Лев Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» романи, Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён» каби асарларида Алишер Навоийнинг доно, мард ва жасур, Андрей Болконский, билимдон, ўқтам йигит Отабек ва Мир-

¹ Шамсиддин Муҳаммад ибн Амируддин Дунасарий. Одамни билиш илми. Форс-тожик тилидан Б. Омон таржимаси. Т.: «Ёзувчи», 1994 5-6 бетлар.

¹ Ўша асар. 4-бет.

¹ Хигир Б. Ю. Физиогномика. - М.: -С-Петербург: ДИЛЯ, 2000.

зо Анварларнинг қиёфаси, яъни кўзи, қоши, юзи, сочи, бурни, лаби, юз тузилиши ифодалар баёни орқали китобхонларда қизиқиш уйғотади.

Аждодларимиз маънавий меросига мурожаат қиладиган бўлсак, қиёфани ўқиш санъати ҳақида бир канча адабиётлар ёзиб қолдирилганлигининг гувоҳи бўласиз. Уларни ўқир экансиз, ота-боболаримиз бу санъат ва илм бўйича узоқ бош қотириб, одамларнинг қиёфасидаги ташки белгиларидан уларнинг ҳислат ва хусусиятини билиб олиш мумкин, деган хулосага келганлар.

«Қадимги аждодларимиз шерсавлатлилиқ подшоҳларга ва лашкарбошиларга ҳос, подшоҳнинг салобатидан ёмонлар даҳшатга тушиш, яхшилар эса паноҳ топиши лозим, подшоҳ кўзларида, ҳаракатларида гайрат-шижоат акс этиши даркор, деб ёзادилар. Вазирлар эса мулоҳазали, вазмин, дилкаш бўлиши керак. Қозилар учун хайбатли қиёфа ярашмайди. Чунки қози оддий халқ билан муомала қиладди, шариат асосида арзу додларни инсоф тарозусига солиб, ҳал этади. Шунга ўхшаш ҳар бир касб эгаси муносиб қиёфаси билан ажралиб туриши жоиз. Албатта, мардлик, жасурлик фақат шохлар ҳислати эмас, умуман эркак жинси учун бу асосий ҳислат бўлиши шарт. Бироқ ҳаётда заифомонанд эрлар ва эркак табиатли хотинлар ҳам кўп учрайди. Қизиқки, бу хусусият кишининг ташки белгиларида ҳам акс этар экан. Шунга ўхшаш, одамнинг нимага қизиқиши, мижози, эътиқоди ва ҳоказоларни ҳам рангу рўй, қулоқ ёки буруннинг тузилиши, кўзининг ранги, кафтининг чизикларига қараб аниқлаш мумкин экан. Ҳозирги кунимизда ҳам шундай кишилар бор. Баъзи руҳшунос табибларимиз бунга яхши эътибор қиладилар. Масалан, кафт чизигига қараб хотиранинг вақт-вақти билан тикланиши, юз тузилишига қараб баджаҳл ёки мулоимлигини олдиндан айтган табибларни кўрганман»¹.

XV асрда яшаб ўтган Камолиддин Ҳусайин Воиз Қошифий ахлоқ, мантиқ, адабиётшунослиқ, риёзиёт, ҳисоб, ислом тарихи, илоҳиёт, тарих, мусикашунос, тасвирий санъат, табобот каби соҳалар билан шуғулланган. У Ўрта Осиё олимлари ичида юзни ўқиш санъати билан шуғулланган ягона мутафаккирдир. Улуғ олимнинг «Ахлоқи муҳсиний» асаридан айрим парчаларни тавсия этамиз: «Тишнинг эгри бўлмағи макр, ҳийла, хиёнат, тишнинг ораси очик ва силлиқлиғи эса адолат, тадбиркорлик белгисидир.

¹ Шамсиддин Муҳаммад ибн Амируддин Дунасарий. Одамни билиш илми. Форс-тожик тилидан Б. Омон таржимаси. Т.: «Ёзувчи», 1994. 4-бетлар.

XIV асрда яшаган аллома Муҳаммад мулла Юнус Ҳақимжон Шодийнинг «Қиёфат ул-башар» номли рисоласида инсоннинг кимлигини, унинг феъл-атворини қиёфасига қараб аниқлаш борасида, қадимий шарқда тўпланган тажрибалар, кузатиш натижалари умумлаштиришган. Баён этилишича: «Ота-боболаримиз асрлар оша одамларнинг феъл утворларини ўрганганлар, гоҳ ютиб, гоҳ алданганлар, кишиларнинг гавда тузилишларига қараб, бундан хулоса чиқарганлар, бу хулосалар оқибат натижада доно ҳақимлар томонидан йиғилиб, китоб шаклига келган. Бу китоб эса «Қиёфат ул-башар» («Одамзод қиёфаси»), «Илми қиёфа» («Қиёфадан аниқлаш») ва «Илми фаросат» («Фаросат билан билиш илми») деб аталган. Асрлар оша қўлдан-қўлга ўтиб, аввал қўлёзма, сўнг босма ҳолда араб, форс ва ўзбек тилларида кенг тарқалган»².

Шамсиддин Дунасарийнинг «Одамни билиш илми» рисоласида инсоннинг танаси ва бадан аъзолари ҳаракати, юзининг тузилиши ва рангига, нафас олиши, овози, ҳатто кулишига қараб унинг кимлигини билиш борасида Шарқда йиғилган кузатишлар ўрин олган³. У айтадики: «Агар одамнинг хулқ-атфори, таъби, назокати, шаклу суратини билсангиз, унинг яхши-ю ёмонлигини тушуна бошлайсиз. Бу, албатта, ҳаётда катта наф беради, Сизни бало-қазолардан асрайди».

Турк олими Иброҳим Ҳақкий ўзининг комусий асари «Маърифатнома»да «Илми қиёфа»ни чиройли шеърга айлантириб берган. У қуйидагича бошланади:

Кимки бўйидур тавил⁴
Соддадил ўлур жамил.
Кимки бўйидур қасир⁵,
Ҳийласи вордур қасир⁶
Кимки васат⁷ бўйидур,
Оқилу хуш ҳўйлидур⁸.

² Қиёфа ул-башар (Қиёфага қараб аниқлаш) // Масъул муҳаррир М. Ҳақимжон. - Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. - 3 б.

³ Шамсиддин Муҳаммад ибн Амируддин Дунасарий. Одамни билиш илми. Форс-тожик тилидан Б. Омон таржимаси. Тошкент. «Ёзувчи», 1994. - 24 б.

⁴ Ўша асар. - 5 б.

⁵ Тавил – узун

⁶ Қасир – қалта.

⁷ Қасир – қўп.

⁸ Васат – ўртача.

⁹ Қиёфа ул-башар (Қиёфага қараб аниқлаш) // Масъул муҳаррир М. Ҳақимжон. - Тошкент. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. - 4 б.

Киёфани ўқиш санъати жуда зарурий илм ва фан бўлиб, унга амал қилган киши кишиларни киёфаси ҳамда уларни ҳаракатлари орқали унинг яхши ва ёмон хислатларини билиб олади. Агарда яхши инсон бўлса дўст бўлади, агар ёмон инсон бўлса дўстликни тарк қилади.

Кураги ерга тегмаган саркарда, йирик давлат арбоби, конуншунос, талантли меъмор, нотик, рухшунос Темур ҳам инсон киёфасини ўқиш санъатини пухта билган. У ўзининг бутун ҳаёти давомида ушбу санъат илмидан жуда унумли фойдаланган. Унинг Амир «Темур ўғитлари»да киёфа илмидан жуда ўринли фойдаланганини ҳамда бу санъатни ўрганганини алоҳида мамнуният билан таъкидлаб ўтади: «Самарқанд тахтини эгаллаб, азим Мовароуннаҳр бизнинг ҳукмимизга киргач, юртда адолат ўрнатмоққа аҳд этдик. Аркону давлат атрофинда кўп нобакор мардумлар ин қўймоқчи эрди. Инчунин, уларнинг замзамасидан хуноб бўлиб, бир тadbир буюрдим: «Мусаввир келган арзигўйнинг сувратини чизиб, менга киритсин. Арзигўйнинг киёфасига бокиб, қабулимни айтармен...».

Мусаввирлар саройга келганларнинг сувратин чизиб, менга киритар, арзигўйнинг пешона, бурун, даҳан, кўз ва бошқа сифатларига қараб, унинг мақсад ва феълени олдиндан билиб турардим. Бадфеъл ва хиёнаткорларни қабулимга йўлатмаслик ҳаракатида бўлдим. Бунда пирим – шайх Шамсиддин Паррандадан «Илми киёфа» – киёфага қараб баҳо бериш ва олдиндан тақдирни башорат этиш илмини мукамал эгаллаганлигим гоят қўл келди.

Иттифоқо, бир арзигўйнинг сувратин келтиришди. Сувратга тикилиб, анинг ғийбат ва бўҳтонга ружу қўйганин англадим. Қабул буюрмадим. Аммо ул мулозимларга зўрлик билан ҳузуримга гавғо солиб кирди.

– Сохибқирон, – дерди у киши, – сиз ҳақсиз. Кейинги умримда мен кўп катори ғийбат ва бўҳтонга ружу қўйдим Аммо илгари чин кўнгил киши эрдим. Найлайки, замон зайли мени шу қўйга солди... Ортиқ чидашим мушкул... Арзим ҳам замона зайлидандур. Файз берувчи суҳбатингдан маҳрум этма!..

Шундан сўнг қабулга изн бердим. Мулозимлар бу кишини хос хонага бошлашди.

Дунёдаги ҳар бир одамнинг ташки киёфа тузилиши ўзига хос кўринишга эга бўлиб, ҳар бир одамнинг киёфа тузилиши ўзига хос белгиларга эгадир. Чунончи ака-ука, опа-сингиллар, эгизаклар таш-

қи кўриниши жихатидан қанчалик бир бирларига ўхшаш бўлишса ҳам улар айрим хусусий белгилари ила бир-биридан фарқ қилади.

Атоқли рус антропологи Д.Н.Анучин айтганидек, «инсоннинг ташқи қиёфа хусусиятлари умри бўйи ўзгаришсиз ўтади, фақат баъзи бир белгилари, бўйи, қадди-қомати ва баданнинг баъзи қисмлари суратдан ўзгариши мумкин. Бу ўзгаришлар нисбий характерга эгадир»²³.

Инсон қиёфасининг динамик ҳолатлардан энг характерли ҳолати кулги ва йиғидир. «Л.Н.Толстой ўз асарларида одамнинг руҳий ҳолатини ифодаловчи нигоҳларнинг 85 хилини ва кулишнинг 97 хилини тасвир этган. «Ҳар хил сабаб билан йиғлаган пайтда одамнинг қоши ва оғзи ҳар хил қиёфада ўзгаради», — деган эди Леонардо да Винчи. Психолог П.М.Якобсон томонидан ишланган суратдан кўриниб турибдики, одамнинг афтидаги қиёфа асосан лаблар, қош ва кўз ўзгаришларининг бир-бирига нисбатан турлича ҳолатига, шунингдек, кўзнинг қанчалик чакнаб туришига боғлиқдир»²⁴.

Ҳар бир инсон динамик ҳолатида ички дунёсини, яъни характерини умуман ўзгартириши мумкин. Инсоннинг турли эмоционал ҳолатларида, чунончи баданнинг хилма-хил ифодали ҳаракатлари, имо-ишоралар, хусусан кўз билан қилинадиган имолар, товушнинг оҳанги, хўмрайиш, салгина жилмайиб кулиш, елка қисиш ва бошқа ифодали ҳаракатлар мақсадини ҳамда унинг кимлигини очиб беради.

Аллоҳ томонидан ҳар бир инсонга унинг феъл-атфорида келиб чиқиб ташқи кўриниш, афт-ангор берилар экан. Кўзингиз, қошингиз, юзингиз, умуман, чеҳрангиз ички оламингизга монанддир. Юзга қараб одам феъл-атфори «ўқиш» бу азалдан кишиларни қизиқтириб келган бир санъат. Бу санъатни янада чуқур ўрганиш, илмий тадқиқотлар олиб бориш зарур. Инсоннинг ҳар бир нуқтасида, шаклида, рангида чуқур донолик хазиналари яширинган. Уларни қалбдан ўқий олиш ҳамда ҳаётимизда фойдаланиш буюк бир санъатдир.

Шарқда қиёфа илми билан шуғулланиш ман этилмаган. Масалан, Муҳаммад алайҳиссаломнинг «Утлуб ул-хайри мин ҳисон ил-вужух» ҳадисларини мисол қилиб олиш мумкин бўлиб, унинг маз-

¹⁰ Амир Темур ўғитлари (тўплам) Тузувчилар: Б. Аҳмедов, А. Аминов. - Тошкент: «Наврўз», 1992. -54-55 б.

¹¹ Криминалистика техникаси. - Тошкент: «Қатортол-Қамолот», 1999. -157 б.

¹² Раҳмонов М. Психология курсида кўрсатмалилик. -Т.: «Ўқитувчи», 1981. - 115 б.

муни куйидагича «Сизлар яхшиликни чиройли юзлилардан қидиринглар», деганлар.

Ҳақиқатан ҳам чиройли, очиқ юзли кишиларнинг қалби ҳам гўзал бўлади, у доно ва ақлли бўлади. Инсон икки эшик орасида яшашни бошлар, қанча гуноҳ ишлар қилар экан, унинг қиёфасига ва хатти-ҳаракатига албатта салбий таъсир этиб ўз аксини топади.

Одам қиёфасини ўқиш санъатининг билимдони Шамсиддин Дунасарий «Агар одамнинг хулқ-атвори, таъби назокати, шаклу суратини билсангиз, унинг яхшию ёмонлигини тушуна бошлайсиз. Бу албатта, ҳаётда катта наф беради, сизни бало-қазолардан асрайди.

Суҳбатдошингизга бутун вужудингиз билан секин разм солиб, далилу хужжатлардан доимо огоҳ бўлинг, токи сизнинг ҳукм ва қозоватингиздан, одамшунослигингиздан кейинроқ саҳв — хато топишмасин», дейди¹³.

¹³ Шамсиддин Муҳаммад ибн Амируддин Дунасарий. Одамни билиш илми. Форс-тожик тилидан Б. Омон таржимаси. — Тошкент. «Ёзувчи», 1994. - 5 б.

IV боб. БАДИЙ АСАРЛАР МОҲИЯТИНИ АНГЛАШНИНГ ФАЛСАФИЙ АСОСЛАРИ

4.1. Бадий асарлардаги ғоялар тизимининг фалсафий талқини

Ғоя деганда нима тушунилади? Тасвирий санъатда ғоя қанақа шаклланади?


Ғоя – инсон тафаккурида вужудга келадиган, жамият ва одамларни мақсад сари етаклайдиган фикр. Бадий фикр эса санъат асарлари замирида ётган таъсирчан образли фикрdir. Ҳаётда рўй берган ёки рўй бериши эҳтимол тутилган ҳар бир воқеа ва ҳодиса санъат асарларида ўз ифодасини топиши мумкин. Санъаткор томонидан тасвир этилган шундай воқеа ва ҳодиса бадий ғоянинг предмети ҳисобланади. Бадий ғоянинг эмоциональ тасвир кучи воқеа ва ҳодисаларнинг муҳимлилиги ҳамда уни тасвирлаган мусаввирнинг маҳорати билан белгиланади. Бадий ғоя тасвир этилган воқеа ва ҳодисанинг оддий инъикоси ёки шу воқеа ва ҳодисадан ҳосил бўлувчи тасаввур, маъно ва мазмунига эмас, балки шу ҳаётий воқеа ва ҳодисани муайян нуктаи назардан идрок ва талқин этиш натижасида юзага келган таъсирчан образли фикрdir.

Ўзбекистон халқ рассоми Раҳим Аҳмедовнинг ижоди кўпчиликни ўзига жалб қилади. Ижод намуналари ичида айниқса «Тонг, Оналик» асари рассомнинг шоҳ асарларидан бири десак, муболаға бўлмайди. Асарда тонгнинг мўъжизакор лаҳзасида, ширин уйқуда бўлган боласини иссиқ бағрида эмизётган ўзбек аёли акс эттирилган (1-расм). Жаннатмакон диёримизда тонгнинг отиши чоғидаги манзаранинг бетакрорлиги, майин шабаданинг эсиши-ю, қушларнинг сайраши, осмоннинг беғуборлиги, пурвикор тоғларнинг гўзал кўриниши инсонга руҳий озиқа беради. Унинг ҳаётга, Ватанга, табиатга бўлган муҳаббати ошади. Асарда инсон ва табиат уйғунлиги зеб-зийнату безакларсиз акс эттирилган яшил куйлак кийган, рўмоли бошидан сирғалиб тушган, икки ўрам сочи елкасига ташланган аёл қиёфаси томошабинни ўзига тортади. Ватан тинчлиги, аёлнинг руҳий ҳолатида намоён бўлган хотиржам, бахтиёр она, оила она табиат бағрида кўрсатилган. Раҳим Аҳмедовнинг «Тонг, Оналик» асаридаги ғоя нимадан иборат 2-расмда рассомнинг «Тонг, Оналик» асаридаги ҳаёт чархпалагида табиат ҳам инсонларнинг ҳам табиат уйғунлигида бор гўзаллигида акс эттирилган. Тасвирдаги асосий ғоя элементлари табиат, она, тонг ва гўдак болани ташкил этади. Яъни табиат, она бола ва тонг гўзаллиги жами олам

гўзаллигини англатади. Олам доимий ҳаракатда экан ғоялар ҳам ҳаракатда бўлади.



1-расм. Раҳим Аҳмедовнинг «Тонг, Оналик» асари.




2-расм. Раҳим Аҳмедовнинг «Тонг», Оналик» асаридаги бадий ғоя.


Ҳаёт чархпалаги ва гўзаллиги.

Асарда оила мавзусининг статик ҳамда динамик акс эттирилиши орқали онанинг ва она Ватаннинг ниҳоятда гўзаллигини ҳеч нимага тенглаштириб бўлмаслиги тушунчасига алоҳида урғу берил-

ган. «Ақли расо ҳар қайси инсон яхши англайдики, бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат экан, одамзот ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди»¹. Ватан гўзаллиги асосий ғояни ташкил этсада, асар чексиз ғоялар занжиридан иборат Шундай экан Ватан ҳам, инсон қалби ҳам гўзал бўлиши керак чексиз бойликдир.



3-расм. Табиат ва она, тонг ва бола ўртасидаги уйғунлик ғояси орқали олам гўзаллиги ғоясининг модели акс эттирилган.



4-расм. Олам гўзаллиги ғоясининг фазовий тасвирда кўриниши.

¹ И.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., «Маънавият» 2008. – 56 б.

Хулоса қилиб айтганда, фоний дунёда яшаётган ҳар қайси инсон ўзлигини англаши, қадимий ўзбекона миллий анъанамизни, тарихимизни, бой маданиятимизни, улуғ аجدодларимизнинг меросини чуқурроқ ўзлаштириши, лозим. Бугунги тез ўзгараётган ҳаёт воқелигига теран қараб, мустақил фикрлаши ва Ватанимиздаги барча ўзгаришларга дахлдорлик туйғуси билан яшаши зарур. Асарда шу жиҳат – табиат ва она, тонг ва бола ўртасидаги уйғунлик гоёси орқали олам гўзаллиги тасвирланган. Олам доимий ҳаракатда экан гоёлар ҳам ҳаракатда бўлади. (3-4-расмлар). Муқаддас «Қуръони Карим»да «Оллоҳ гўзалликни яхши кўради, у гўзалдир», деб бежиз айтилмаган. Олам гўзаллигига эришиш учун инсоннинг сурати ҳам, сийрати ҳам. Қисқа қилиб айтганда, «Эзгу гоё, эзгу ният ва эзгу амал» калбимизда доим шиор бўлиб қолиши лозим.

4.2. Санъат асарларидаги ҳаракатлар тизими

Олам абадий ҳаракатда бўлади. Ҳаракат зиддиятлар асосида пайдо бўлади. Воқелик ҳаракатсиз бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун олам доимо ҳаракатда ва ўзгаришда бўлади. Инсон ҳаёти бир нуктадан иккинчи нуктагача ҳаракатда бўлади. Кейин ҳам аввал ҳам ҳаракатда бўлган ва бўлади.

Ҳаракат, деганда нимани тушунилади? борлиқнинг ажралмас хусусияти бўлган ўзгарувчан ифодаловчи фалсафий категория. Ҳаракат тушунчаси имкониятларнинг воқеликка айланишини, рўй бераётган ҳодисаларни, оламнинг бетўхтов янгиланиб боришини акс эттиради. Оламдаги ҳар қандай жараён ҳаракат туфайли содир бўлади. Ҳар қандай ўзгариш – ҳаракатдир. Ўзгаришлар фақат моддий объектларга эмас, балки маънавий, гоёвий объектларга ҳам хосдир. Ҳар қандай объектнинг мавжудлиги ундаги ҳаракат ва ўзгаришлар туфайли намоён бўлади. Шу сабабли ҳаракатлар борлиқнинг асосий мавжудлик шаклидир. Ҳаракатнинг текс ҳаракат, айланма ҳаракат, спиралсимон ҳаракат, тўлқинсимон ҳаракат, тебранма ҳаракат, илгарланма ҳаракат, горизонтал, вертикал, эгри ҳаракат ва бошқа турлари бор.

Инсон ақл-заковати ҳамда ахборот жараёнлари билан боғлиқ бўлган гоёвий, маънавий кўринишдаги ҳаракат шакллари ҳам мавжуд. Тафаккур – фикрнинг ҳаракати, информацион ҳаракат, гоёнинг ҳаракати, маънавий ҳаракат, ҳаёлий ҳаракат ва бошқалар шулар жумласига киради. ҳаракатнинг энг содда шакли механик

ҳаракат бўлиб, унинг манбаи ташқи таъсирда, мураккаб шакллари манбаи эса ички алоқадорликларда юзага келади.


Қадимдан ҳаракат ва унинг манбалари ҳақида манбалари ҳақида турли концепциялар илгари сурилган. Ҳаракатни оламнинг асосий моҳияти деб қараш Авестода таъкидланган. Қадимги Миср, Бобил, Хитой, Ҳиндистон, Юнонистон олимлари ҳаракатнинг моҳиятига оид махсус асарлар ёзишган. Улар ҳаракатнинг хусусиятлари, шакллари, манбаи ҳақидаги илк ғояларни ишлаб чиқаришган. Айрим файласуфлар эса ҳаракатнинг мавжудлигини ҳам инкор этган. Элейлик Зенон ҳаракатнинг йўқлигини ўзининг «Ахилл ва тошбақа», «Дихатомия», «Учаётган камон ўқи» каби машҳур апо-рияларида исботлашга уринган.

Шарқ фалсафасида эса Форобийнинг фалсафий рисолаларида бу муаммо мукамал асослаб берилган. Янги давр фалсафасида Гегель ҳаракатнинг моҳиятини формал мантиқ воситасида ифода-лаш мумкин эмаслиги, уни фақатгина диалектик мантик доираси-дагина изоҳлаш мумкинлигини таъкидланган. Ҳаракатни тушунти-ришда унинг моддий ташувчиси, манбаи ҳақидаги ғоялар муҳим аҳамиятга эга. Инглиз олими Ж.Толанд (1670–1722) ҳаракатни материя билан боғлаб тушунтиради. Унинг фикрича, ҳаракатсиз ма-терия бўлмаганидек, материя ҳам ҳаракатсиз бўлиши мумкин эмас. Бу фикр материалистик фалсафанинг асосий тамойилига айланади.

Ҳаракатнинг моддий ташувчиси тушунчаси ҳаракат ўз-ўзича мавжуд эмас, у ҳар доим «ниманингдир» ҳаракати, «ниманингдир» ўзгариши деган маънони билдиради. Ўша «нима» ҳаракатнинг моддий ташувчиси бўлади (у ҳаракат шаклларини ажратиб кўрса-тишда таъкидлаб ўтилди). Ғоявий шаклдаги ҳаракатлар тўғрисида гап боргада «ҳаракатнинг моддий ташувчиси» тушунчаси ўз маъносини йўқотади. Унинг ўрнини «ҳаракатланувчи система» ту-шунчаси эгаллайди. Бундай система моддий ёки маънавий шаклда бўлиши мумкин. Инсон тафаккури ахборотлар системаси, маънавий система, ғоявий система ва шу каби маънавий шаклдаги ҳаракат-ланувчи системага мисол бўлиши мумкин. Ҳаракатнинг манбаи ҳақида гапирганда мутафаккирлар қадимдан зиддиятларни назарда тутишади. Ички зиддиятлар ҳаракатнинг ички манбаидир. Айрим олимлар ташқи турткини ёки дастлабки турткини ҳам ҳаракат манбаи деб билишади. Уларнинг фикрича, оламда бадий сокинлик ҳукмрон бўлиб, кейин дастлабки туртки туфайли у ҳаракатга келган. Аслида, воқелик ҳаракатсиз бўлиши мумкин эмас, у доимо ҳаракатда, ўзгаришда. Бу ўзгаришлар ички ва ташқи зиддиятлар

туфайли амалга ошади. Ибн Сино жисм бир жойда ва бир пайтнинг ўзида ҳарактда ҳам сукунатда ҳам бўлмайди, ҳаракат зиддиятлидир ва унинг натижасидир, деб кўрсатган эди. Зиддиятлар жисмни ҳаракатга келтиради, шу маънода ҳар қандай ҳаракатнинг манбаи зиддиятдир. Ҳаракат шакллари борликдаги ўзаро алоқадорликларнинг намоён бўлишидир. Ўзаро алоқадорлик моддий ва маънавий шаклларда бўлади ва оламнинг яхлитлигини таъминлайди. Моддий дунёнинг асосида 4 хил – гравитацион, электромагнит, кучли ва кучсиз ядровий ўзаро алоқадорликлар ётади. Алоқадорликлар эса қўшилиб, фазо ва вақт структурасини ташкил этади. Ҳаракат ёки ҳаракатланувчи система хоҳ моддий кўринишда бўлишидан қатъий назар оламнинг ўзгариши ва ривожланиши асосида ётади. Ҳаракат – мавжудлик бўлса, ҳаракатсизлик-сокинлик-йўқликка мос келади.

Шу сабабли ҳаракат борлиқнинг абадий ва мутлақ хусусияти, сокинлик эса ўтқинчи ва нисбий хусусияти деб ҳисобланади. Қуйидан юқорига бўладиган ҳаракат ривожланиш дейилади, акси регрессив ҳаракатдир¹ (1-расм).




1-расм. Ҳаракатсиз материя бўлмаганидек, материя ҳам ҳаракатсиз бўлиши мумкин эмас. Ҳаёт чархпалаги доимо тўхтовсиз ҳаракатда бўлар экан, ўлим ва ҳаёт доимо айланма ҳаракатда давом этаверди.


A1,A2 - ҳаёт, B1, B2- ўлим.

¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 11 жилд. 2005. 302-303 бетлар.

Ҳаракат композициядаги ҳаракатланиш ҳолатини намоён этиш-
да хизмат қилади.



2-расм. Асарнинг динамик ҳолати.



3-расм. Асарнинг динамик хусусиятлари схематик кўриниши.

Мусаввир Р.Аҳмедовнинг «Тонг, Оналик» асарида ҳам Қуёш чиқиш вақтида майин шабода бўлиши ҳам ҳаракатга киради. Бу ҳаракатнинг манбаи зиддиятдир.

Боласини эмизаётган онанинг шамол эсаётган томонга ярим уй-қудаги бошини эгиб яна тик ҳолда қайтиб келиши, яъни ритмик ҳаракати беланчакнинг тебранишига уйғун келади (2-расм).

Она бошининг ҳаракати, шомолнинг ҳаракати беланчакни, гўдакни онадан озикланиши умуман ернинг ҳаракатлари ҳаракатлар тизимини ташкил этади (3-расм).



4-расм. Ҳаракатлар тизими.

Расмдаги 2_1 ва 2_2 шамол қаршилиги натижасида тераклар чап томонга эгилиб тебранма ҳаракат қилиб турибди. Шамол чархпалаги 0_3 чап томонга айланма ҳаракат қилмоқда. Умуман олганда табиатнинг ўз қонуни бўйича айланмоқда.

Болани она кўкрагидан ритмик равишда озикланиб турган ҳаракати ритмик ҳаракатга киради. 0_2 марказли чархпалак ҳаёт чархпалаги ҳисобланади. Чархпалак чапдан-ўнгга қараб соат кўрсаткичи бўйича ҳаракат қилмоқда. Ички 0_1 ва 0_2 чархпалагини қарасак икки чархпалак бир-бирига қарама-қарши ҳаракат қилмоқда. Ибн Сино айтганидек, ҳар қандай ҳаракатнинг манбаи зиддиятдир. 4-расмда асарнинг динамик ҳолатининг схематик кўриниши берилган.

Уйқудаги она боши 1_2 чап томонга эгилиб яна қайта чап томонга бошини кўтариб олиши ритмик ҳаракатни ташкил этади. 0_1 нуқтага осилган беланчак дарахт шохида осиб қўйилган бўлиб, эрталабки эсаётган шамолда тебранма ҳаракат (3) қилмоқда. Бу тебранишнинг сабаби беланчак шомол қаршилигига учраб тебранмоқда. Бу тебранма ҳаракат худди вақтни англамоқда. Яъни инсон ҳаётининг ўтишига ишора қилмоқда. Тоғнинг қуйидан юқорига бўлади-

ган ҳаракатлар ривожланиши акси регрессив ҳаракатдир. Хулоса қилиб айтганда, борлик тўхтовсиз ҳаракатдадир. Мукаддас китобимиз Қуръони Каримда «Тоглар ҳам сув каби сузиб турадилар» дейилади. Асардаги беланчакнинг шамол кучи таъсирида ритмик тебранма ҳаракати, она бошини чапга ва яна тик ҳолда тебранма ҳаракати, гўдакни онадан ритмик ҳолда озикланиши ҳаракати шамолни тонгда бир томонга илгариланма ритмик ҳаракати, теракларни шамолда тебраниш ҳаракати, умуман борлиқнинг ҳаракати бир бутун ҳаракатлар уйғунлигини ташкил этган.

4.3. Тасвирий санъат асарларидаги симметриянинг фалсафий талқини

Инсоннинг ўзи симметрик яратилган. Инсон қўли билан ясаган нарсалар ҳам умуман борлиқнинг кўпи симметрик яратилган. Чунки инсон кўзи билан симметрик борлиқни идрок қилар экан, унинг руҳи кўтарилади, завқланади, худди инсон ҳаёллари ва орзу-умидлари хоҳиш ва имкониятлари кўтаринки кайфият олади, бу гўзалликдан, эстетик завқланади (1–2-расмлар).

Симметрия мавзуси ниҳоятда кенг бўлиб, у вақт ва маконда чеклаб бўлмайди. Инсоният тарихининг бутун давомида деярли ҳар қандай цивилизацияда фан, санъат ҳамда интеллектуал фаолиятнинг бошқа турларида, симметрия муҳим роль ўйнаган. Симметрияни деярли ҳамма ерда учратиш мумкин. Фақат уни қандай тушуниш ва изланишни билиш лозим.



1-расм. Кулол. Р.Муҳаммаджонов. Мусиқачилар.



2-расм. Симметрик кўринишидаги Асалари тасвири.

Симметрия математика, кимё, физика, фалсафа, мантик, тасвирий санъат, мусика, амалий санъат каби фанларда симметрия ишлатилади. Симметрияни фалсафий таҳлил қилсак, айнан ўхшашлик айнанлик дейилади. Айнанлик – айнан ўхшашлик (лотин. *iden* сўзидан олинган бўлиб, ўшанинг ўзи, айнан маъноларини ифодалайди). Индентиклик (айнанлик) бирон-бир нарсанинг бошқа нарсага ўхшашлиги, ўзаро бир-бирига тўла мувофиқлигини ифодалайди. Нарса ва ҳодисалардаги ўзаро ўхшаш томонлар бирлигига айният дейилади. Тафаккурда айнанлик тамойили мавжуд. Агар айнанлик турли вазият ва шароитларда ўз-ўзининг айнанлигини сақлаб қолса, айнанлик ўз-ўзига тенг бўлади. Айният тамойили фақат фикрлаш жараёнида, мушоҳада пайтида қўлланиладиган тушунчанинг айнан бир маънода ишлатилишини талаб қилади (Корнелиус). Умуман олганда, нарса ўз-ўзигагина нисбатан айнан бўлиши мумкин. Айнанлик нарса ва ҳодисалардаги ўхшашлик ҳамда тўла тенглик (яъни барча муҳим хусусиятларнинг ўзаро бир-бирига мослиги) шаклларида намоён бўлади. Нарса, ҳодиса маълум нисбатдагина ўз-ўзига айнан бўлади, аслида у доимо ўзгаришда бўлгани учун унинг тўла, батамом айнанлиги ҳақида фикр юритиш қийин. Онг ҳам ўз-ўзига айнан (тенг) бўлиши мумкин эмас, у тарққий этиб боради, лекин бу тараққёт «мен»нинг тарақиёти тарзида кечади.¹

Қадимги замондан кўп халқлар симметрия ҳақида кенг маънода мувозанат ва уйғунлик эквиваленти сифатида тасаввурга эга бўлганлар. Солиштириб бўлмас даражада кенг талқин қилинган симметрия ғоясини кўпинча рангтасвирда, ҳайкаттарошлиқда, меъморчиликда, мусика ва шеърятда кўриш мумкин. Симметрия операциялари кўпинча балет ҳаракатлари бўйсунадиган қонунларни ташкил этади, симметрик ҳаракатлар ракс асосидан ўрин олган. Баъзи ҳолларда симметриянинг ҳақиқий ролини англашни касбга хос бўлган тил ўзига хослиги қийинлаштиради. Меъморлар, рассомлар, дизайнерлар, созандалар ва олимлар бир-бирларига яқин тушунчалардан фойдаланадилар, лекин турли «тилларда» гаплашадилар.

Бу уларга ягона муаммонинг ечимини қидириш билан банд эканликларини сезишга имкон бермайди. Ҳар доим бўлгани каби бизнинг давримизда инсоният фаолияти турларининг янада тармоқланиб кетаётганлиги кескинроқ сезилмоқда. Бу эса турли соҳа вакиллариининг симметрия борасида бир-бирларини тушунишларини

¹ Фалсафа қискача изоҳли луғат. / Муаллифлар: М.Н.Абдуллаев, М.Абдурашидов, У.Абилов ва бошқ. – Т.. «Шарқ», 2004. – 14 бет.

янада қийинлаштиради. Симметрия биз сезадиган предметлар, масалан: капалак, мебель ва ўсимликлар, ҳамда ҳайвонот олами-нигина қамраб олмасдан, балки тасвирий санъат, архитектура, мусиқа, ракс, адабиётни ҳам кенг қамраб олади. Лекин симметрия бизга кўринадиган чегарадан ўтгандан кейин йўқ бўлиб кетмасдан, балки у микраскопик объектларнинг тузилиш жараёнларида ҳамда, макродунёда ҳам намоён бўлади.

Симметрия тамойили 1890 йили Пьер Кюри томонидан ифода-ланган: «қачонки қандайдир сабаблар маълум эффектларни туғ-дирса, сабаблар симметриясининг элементлари шу эффектларда на-моён бўлиши лозим».

Симметриянинг табиатшунослик соҳаларида сезиларли рол ўйнаганлиги сабаб² ва оқибат³ симметрияларининг боғлиқлигидан келиб чиқади. Кўпинча икки хил: у ёки бу эффектни юзага келти-рувчи сабабни, ҳамда у ёки бу сабаб орқали юзага келадиган эф-фектни оладиган, олдиндан айтиб бериш масаласини ечишга тўғри келади. Эффект симметрияси воқеанинг биринчи сабаби ёки сис-тема тузилишининг қонуний характердалигини кўрсатади.

Биз симметрияни ўрганишнинг бир-биридан ажралмас икки томонига дуч келамиз. Мавжуд симметрик эффектлар ёки шакллар асосида ётган қоида ва сабабларни излаш. Сабабларни турли қоида-лар билан такрорлаганда юзага келадиган симметрик эффектларни ва шаклларни излаш. Биринчи ёндашиш табиатдаги шакллар, мод-далар, санъат ва тафаккур қилишнинг тузилишини ўрганишда қўл-ланилади. Иккинчиси эса қадимги замондан мусаввирлар, мусиқа-чилар ва олимларни ҳаяжонга солиб келган улар асарларидаги ғоя ёки режа маълумотларини ҳал этишга ишлатилади.

Симметриянинг ўзи унинг жуда кўп қўлланиши сабабли муҳим тадқиқот объекти бўлиб қолган. Ҳар қандай симметрик шаклни ол-майлик, шундай симметрия операциялари топиладик, уларга нис-батан ушбу шакл инвариант ўзгармас ўзгариш дейилади. Агарда объект унинг устида бажарилган симметрия операцияларига мос келувчи симметрия элементларига эга бўлса у ҳолда ушбу опера-цияларнинг бажарилиши объект ташқи кўринишини ўзгартир-майди. Бу шаклларни таъминлайдиган симметрия операциялари-нинг характериға қараб классификациялаш ва шу билан бирга улар-нинг ички моҳиятини аниқлаш имконини беради.

² Сабаб – бу ўзига мувофиқ келадиган бирор натижа келтириб чиқарувчидир.

³ Сабаб таъсирида келиб чиқадиған натижа эса оқибатдир.

Умумий маънода симметрия (математик ёки физик) объект ички тузилишининг унинг ўзгаришларига нисбатан инвариантлилигини билдиради. Объектнинг барча структуравий муносабатларини ўзгаришсиз қолдирадиган ўзгартиришлар мажмуаси аниқ ҳозирги замон математикаси ва физикасининг бош тамойилига айланди ва объект ички тузилишига чуқур кириб бориш имконини берди. Яъни табиатда симметрия қандайдир ички қонунлар асосида вужудга келади.

Гўзаллик одатда, ҳақли равишда симметрия билан узвий боғлиқдир. Шу сабаб кўзгуда акс этган симметрия ҳаётда ва санъатда катта аҳамиятга эга. Кўзгуда акс этган симметриянинг аниқ геометрик тушунчаси мавҳум бўлган мувозанатлашиш, гармоник ижод тушунчалари билан аралашиб, қоришиб кетган. Фрей ўзининг «Тасвирий санъатда симметрия муаммосига доир» мақоласида ёзади: «Симметрия хотиржамлик ва боғланганликни билдиради, асимметрия¹ эса унинг бутунлай қарама-қаршиси бўлиб, ҳаракат ва эркинликни билдиради. Шундай қилиб, симметриянинг тартиби асимметриянинг ихтиёрийлигига, қонунийлик – тасодифга мос келади; бошқа томондан боғланганлик – эркинликка, қотиб қолишлик – ҳаётга мос келади. Агарда Исо пайғамбарни абадий ҳақиқат ва адолат рамзи сифатида ифодалашмоқчи бўлсалар, рассомлар уни ён томондан эмас, балки, олд томонидан симметрик ҳолда чизишган.» Шаклнинг симметрия маркази, ўқи ёки текислигига нисбатан бир хил жойлашиши симметрия, деб аталади. Симметрия маркази, ўқи ёки текислиги атрофида айлантирилганда, унинг симметрик элементлари бир-бирининг ўрнини тўла эгаллайди. Симметриянинг бир неча турлари мавжуд бўлиб, уларнинг ичида энг соддаси акс симметрия ҳисобланади. Симметрик композициянинг алоҳида бир кўриниши эса – бу нақшлардир. Тасвири ўқ бўйлаб бир кадамга сурилса, нақшнинг барча элементлари бир-бирининг устига тушади. Амалий безак санъатида бундай симметриянинг икки тури кўп тарқалган. Улар – «тасмали», «ҳалқали» ва айлана (масалан, тарелка чети нақши) нақшлардир.

Симметрия – композициянинг бирлиги яхлитлигини ва бадий кўркемлигига эришишнинг энг муҳим воситаларидан бири ҳисобланади. Лекин симметрия билан бир қаторда асимметрия ҳам кўп ишлатилади. Яъни шакл элементларининг жойлашишида симмет-

¹ Асимметрия – симметриясизлик, бирор буюм қисмларининг бўлақларининг маълум бир нукта, чизик ёки текисликка нисбатан бир-бирига ўхшамаслиги, муносиб келмаслиги.

рия ўқи ёки текислиги бўлмайди. Бундай композицияда шакл бирлигига эришиш учун унинг барча қисмларининг массаси, фактураси ва ранг бўйича кўриниш мувозанати бўлиши, айниқса, муҳимдир. Мураккаб композицияларда симметрия элементлар гуруҳи асимметрик элементлар билан кўшилиши мумкин (3-расм).



3-расм. Рафаэл Санти. Афина мактаби. Фреска, 1509–1510-йиллар.

Асимметрик композиция, одатда, буюм ёки иншоот образининг динамиклигини бўрттириб кўрсатиш учун ишлатилади. Асимметрик композицияларда мувозанат нисбати енгил элементларни картина текислиги четига яқинлаштириш орқали эришилади.

Вертикаль композицияда мувозанатни таъминлаш мақсадида бош шакл марказий ўқда жойлаштирилади. Вертикаль композиция элементларини жойлаштиришда унинг қуриладиган маркази геометрик марказдан юқори бўлишини эсда тутиш лозим. Шунинг учун композицияга тузатиш киритилади. Бош шакл юқорирокқа сурилади. Диагональ бўйича кўрилган композиция динамика таассуротини беради.

Меъморчиликда ўзининг «меъморий қонун»лари мавжуд бўлиб улардан бири симметрия қонунидир. Қадимги Юнон афсоналарида келтирилишича, гўзаллик маъбудаси қизининг исми Гармония экан. «Гармония» туб маъноси билан гўзаллик рамзидир. Даврлар ўтиши билан ушбу атама, умуман, сурати сийратига монанд, ҳамоҳанг, симметрик, шаклан мутаносиб, уйғун мукамал, ҳар жиҳатдан барқамол комил деган маъноларни билдиради. Гармонияни биз

тасвирий, амалий ва меъморчилик обидаларини ҳақиқий намуна-сига нисбатан тавсиф этамиз¹.

Меъморлик санъати жуда қадимий тарихга эга меъмор даҳоси билан яратилган ажойиб кошинкор саройлар, эҳромлар, миноралар ва бошқа маҳобатли иншоотлар инсоният таракқиётининг турли даврларидан дарак берувчи ноёб ва бебаҳо хазиналар бўлиб ҳисобланади.

Ушбу меъмор даҳоси билан яратилган биноларнинг кўпчилиги симметрияга асосан қурилган ва безатилгандир.

Аждодларимиз қўли ва қалби билан яратган Самарқанддаги Регистон майдонидаги Шердор мадрасаси пештоқидаги безакни симметрик ҳолда гўзал тасвирланганлигини кўриб қойил қоласиз.

Шердор мадрасаси пештоқининг кўриниши. Бу безаклардаги ҳар бир чизик шакл ва ранглар ўзига хос сирли оламга эга. Синчковлик билан қарасангиз симметрик композицияси туркумидаги асиметрик гўзалликни кўриб ҳикматлар хазинасини топади киши.

Пештоқдаги шер, Қуёш, оҳу, инсон қиёфаси ва бошқалар ранг, нақшлар симметрик жойлашган бўлсада шерсимон йўлбарснинг бир томонидаги битта тирноғи тасвирлашда ҳикматона тушириб қолдирилган. Бу эса инсон ҳаётидаги хоҳиш билан имконият ҳар доим мос келмаслиги, яъни «Бу дунё, бир кам дунё», эканлигига ишора этилган. Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир инсон ўзини англаб яшашга кераклиги ўқтирилади (4-расм).



4-расм. Шернинг бир оёғидаги тирноғи акс эттирилмаганлигининг ғувоҳи бўласиз.


Яна мадраса пештоқидаги безакни синчковлик билан кузатар экансиз, шернинг тепасида қуёш, қиёфаси ичида эса, инсон қиёфаси

1. Зоҳидов П.Ш. Меъмор олами. Қомуслар бош таҳририяти. Т. 1996. 163-бет.

симметририк рамзий маънода акс этирилган. Биринчидан, инсон қиёфаси орқали «Аллоҳ ҳамма нарсаларни кўргувчи билгувчидир». Яъни инсон бутун ҳаётида ёвузлик йўлида юрса ҳам ҳаммасини яратгувчи кўриб туради, деган маънони билдиради. Шунинг учун ҳам ҳар бир инсон амалига яраша ажри мукофотини олади. Демак, ҳар бир инсон фақат эзгу амалларни қилиши зарурлиги ўқтирилади.

Иккинчидан, инсон қиёфасини симметририк кўрсатилиши, инсон бутун жонзотлар ичида энг гўзали ва кучлисидир, деган мазмунни билдиради.

Учинчидан, инсон қиёфасида жуда кам симметририк ҳоллар ҳам ўзига хос ҳикматга эга. Психологиянинг бир тармоғи бўлмиш қиёфа илмида инсон яноғидаги битта хол комил, баркамол, гармоник гўзал инсон деган мазмунларни беради. Безаклардаги турли симметрияларни кўриш мумкин. Бунинг сабаби шуки, инсон қачон гўзал ёки комил бўла олади. Қачонки инсоннинг тили билан дили бир-бирига мос келсагина (5-расм).



5-расм. Кластер усулида инсон қиёфасини таҳлил қилиш.

Инсон қиёфаси тасвирининг рамзий маънолари қуйидагилардан иборат:

Кўз – маърифат чашмасидир. Тим қора кўз маърифатнинг чексизлигини билдиради.

Қошнинг бир-бирига яқинлиги – тақдир йўли яқинлиги, яхшилик аломатидир. Юқорида жойлашган қош – мақсадга интилиш аломати.

Бурун – катта, гўштдор бурун тасвирланишининг ўзига хос томони – бу бурун эгалари узоқни кўзлаб иш қилувчи кишилар ҳисобланади.

Қора соч – бу ёшлик рамзи бўлиб, у орқали инсонларни ёшлик давридан билимга ундайди. «Ёшликда олинган илм тошга ўйилган нақш кабидир» деб бежиз айтилмаган.

Сочнинг гажаги – эса инсонларни моддий ва маънавий бойликка эга бўлишига ишора.¹

Инсон юзини олд томондан симметрик тасвирланиши инсоннинг сурати билан сийрати мос, яъни симметрик бўлса, у инсон комил бўлади дейилади.

Симметрия – юн. Symmetria – ўлчовдош, деган маънони билдиради², шунингдек, грекча ўлчовларнинг бир-бирига мослиги, тенглиги, мутаносиблигидир³.

Симметриянинг учта тури мавжуд бўлиб, улар кўзгусимон, кўчириш ва винтсимон симметриялардир.

Симметрик – бирор нарса, нақшнинг марказ чизикка (ўқ чизикка) ёки текисликка нисбатан айнан муқобил жойлашуви, ўзаро ўхшашлик²⁵.

Кўзгусимон симметрия. Кўзгуда акс этган симметрияни кўзгусимон симметрия дейилади. Кўзгусимон симметрия амалий санъатда ва умуман санъатда муҳим ўрин тутadi. Амалий санъатда ишлатилган безаклар кўпчилиги кўзгусимон симметрия асосан ишланади (6-расм).



6-расм. Кўчирма симметрияли шакллар (шакл факат битта кўчириш ўқиға эға).

Кўчириш симметрия шаклни ўз-ўзига устма-уст келтириш учун у бирор тўғри чизик (кўчириш ўқи) бўлиб белгили кесмага қадар силжитилади (7-расм). У битта кўчириш ўқиға эға. Амалий санъатда кўчириш симметриялари ҳам кўп ишлатилади.

Винтсимон симметрия. Тик турган, яъни вертикал чизик ўқиға нисбатан айланма винтсимон симметрияға эға бўлади (8-расм).

Тасвирий санъатда симметрия муҳим аҳамиятға эға.

¹ Булатов С.С. Салимов С.Н., Мухторов А. Шердор мадрасаси безакларининг сирли олами Т., Талқин., 2007, 45 бет.

² Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Ўзбекистон миллий энциклопедияси наш. Т., 2004, 620-бет


³ Зоҳидов П.Ш. Меъмор олами. Қомуслар бош таҳририяти. Т. 1996. 163 – бет.

²⁵ Булатов С.С. Салимов С.Н., Мухторов А. Шердор мадрасаси безакларининг сирли олами Т., Талқин., 2007, 45 бет.



7-расм. Хошия – нақш (бордюрфигура ҳам кўчириш, ҳам кайтиш ўқларига эга).

8-расм. Винтсимон симметрия.



Тасвирий санъатда симметрия муҳим аҳамиятга эга. Симметриклик чуқур мазмуний марказнинг ҳолати, визуал масса ва фазо тақсимоти, мувозанат массаларининг тақсимоти, ҳар битта элемент кўриниши билан шартланган тақсимоот асосида белгиланади. Рангтасвир ва графика асарларида ўта аниқ симметрик композициялар кам учрайди. Кўп ҳолларда композициялар симметрия ўқиға нисбатан асимметрик жойлашган бўлади.

Асимметрик композициялари мувозанат ўқининг симметрик ўқиға нисбатан анча узоқ жойлашганлиги билан характерланади ва шу боис уни композициянинг умумлаштирувчи бошқа қисмлари тенглаштириб туриши лозим.

Композициянинг динамик «олтин кесишуви» нуқталар билан белгиланган чегарадан чиқиб кетмаслиги керак. Тўлиқ симметрик композициялар асосан нақшларда кўпроқ қўлланади. Асимметрия композициянинг мураккаб кўринишидир. Тектониклик мураккаблиги ва композиция. Тектониклик мураккаблиги ва композиция қисмлари орасида шундай кучли ўзаро таъсир мавжудки, бу қисмлар асарининг бадиий-тимсолий вазифасига тегишли тарафларни очиб беради¹.

Турли хил давр рассомлари ўз картиналарида симметрия қурилмаларидан фойдаланишган. Ўтмишда композициялар симметрик жойлашув асосида бўлган. Уйғониш даври рангтасвирчилари композицияни асосан симметрия қонуниятлари асосида қуришган. Бундай тузилмалар шундай имкониятларга эришишни берадики, улар соқинлик ва фикрни, улуғворликни, алоҳида байрамона тантанаворликни ва муҳим воқеликни тасвирлашда ёрдам беради. Симметрик композицияларда одамлар, жисмлар шундай жойлашганки улар картинанинг марказий ўқиға нисбатан ойнавий кўриниш

¹ Эгамов А. Композиция асослари. «Санъат» журнали. Т., 2005, 39-41 бетлар.

эгалаган. Мусаввирлар, масалан, Рафаэлнинг «Секстин Мадонна-си», «Захириддин Мухаммад Бобур» портрети асари, О. Татевосяннинг «Сайл» М. Тошмуродовнинг «Алла Ҳасан-Хусан», М. Саидовнинг «Сўнги чанок» ва бошқаларнинг симметрик бажарилганлигини кўришингиз мумкин (9-расм).


Симметрия санъатда реал воқеаларга асосланган ҳолда шаклларни симметрик борликка уюгунлаштиради. Масалан, одамлар комати симметрия асосида қурилган. Симметрик композицияларда барқарор чап, ўнг, яримликлар мувозанатлаштирилган ва тенглаштирилган бўлади.

Асимметрик композицияларда шакл ва жисм кўринишлари турлича жойлашган бўлиб, асарнинг кўриниши мақсадидан келиб чиққан ҳолда чап ва ўнг томонлари мувозанатлаштирилган бўлиши мумкин.

Натюрморт ёки манзара композицияси қурилмасини тасаввур қилиш қийин эмас. Уларнинг симметрик ёки асимметрик қурилмалари текисликда яққол кўринади. Масалан, мусаввир Раҳим Аҳмедовнинг 1962 йили манзара жанирида ёзган «Тонг, Оналик» асари асимметрик, яъни динамик кўринишга эга, лекин унинг мазмунида оила, яъни инсонлар билан она табиат уйғун ва симметрик акс эттирилган. Табиат билан инсонлар ўртасидаги мослик, мутаносиблик, уйғунлик, симметрик гўзаллик орқали она Ватаннинг нақадар гўзал эканлиги ҳақидаги гоёни намоён этиш мумкин бўлган. 10-расмда табиат билан инсонлар ўртасидаги симметрик ҳолати тасвирда рамзий акс эттирилган.



9-расм. Ж. Умарбеков.
Алишер Навоий ва
Хусайн Бойқаро ёшлиги.



10-расм. Раҳим Аҳмедовнинг
«Тонг, Оналик» асаридаги асим-
метрик тасвирдаги симметрия.

Хулоса қилиб айтганда, тасвирий санъатда ҳам амалий санъатда ҳам учраб турадиган симметрия муаммолари бизда ҳали етарлича ўрганилмаган.

Ушбу муаммо тез орада мақбул ечимини топади, деган умид бор. Олимларимиз бу соҳада илмий-назарий ишлар қилади, деган умиддамиз.

4.4. Бадий асарлардаги миллий колоритнинг мантиқий асослари

Ранг бирикмалари рангтасвирда ғоят муҳим вазифани бажаради. Одатда ёрқинлиги ва туси бир-бирига яқин бўлган ранглар ўзаро бирлашадилар. Ранглар ўзаро туслар орқали бирлашганда, улар алоҳида жарангдорлик касб этиб, сифат ўзгаришларига юз тутиши кўзга ташланади. Умумий «колорит»дан ажралиб қолган ранг номувофик- бегона бўлиб кўринади ва тасвирий асар яхлитлигига путур етказди. Тасвирий асар барча рангларнинг ўзаро боғлиқлиги асосида қурилади.


Колорит (италиянча: *colonio*, лотинча: *colog* – ранг, бўёқ) – тасвирий ва амалий санъат асарларида воқеликни реал ва ифодали тасвирлашда рангларнинг ўзаро мутаносиблиги¹.

Тасвирдаги турли рангларнинг гармоник, гўзал тус бирикмалари ўртасидаги ўзаро боғлиқлиги «колорит» деб аталади.


Воқеликни таъсирли тасвирлаш воситасининг таркибий қисми бўлган колорит асарнинг гоёси, мазмуни, даври, услуби ҳамда муаллифнинг шахсига боғлиқ. Тарихда воқелик тасвирида маҳаллий ранглар озми-кўпми чекланиб, рамзий ранглардан кўпроқ фойдаланиш (ўрта асрлар санъатида) ва воқеликни барча бўёқларда (унинг ранг, тус, нур соя ва бошқалардан фойдаланиб) рангдор ифодалаш анъанаси шакллانган. Колорит ранглар уйғунлигига кўра, илиқ (кизил, сариқ, заргалдоқ) ёки совуқ (кўк, яшил, бинафша), сокин ва жиддий, оч ёки тўқ, рангдорлигига кўра, ёрқин, хира ва бошқа бўлиши мумкин (1-чизма, 1-2-расмлар).

Ранглар уйғунлиги, унинг тўлдирилиши ва кескинлигига амал қилиб, бетақрор ва мураккаб колорит яратилади (Веласкес, Тициан, В.И.Суриков, И.Е.Репин, Ўзбекистонлик рассомларидан П.Беньков, У.Тансиқбоев, З.Ковалевская, Ч.Аҳмаров ва бошқаларнинг асарлари).

¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2002, Т., 4-жилд, 664-бет.




1-чизма Колорит турлари.



Совук ранглар гаммаси

1-расм. Ў. Тансикбоев. «Менинг қўшиғим».



Илиқ ранглар гаммаси

2-расм. Хонатлас. Раҳматуллаев Жабборов (1928 йил туғ.)

Наманган, 1967 йил.

Тўқилиши атлас шойи, ўриши абрбанди накшида
хусусий рўзғор буюмида.

Колорит бизга оламнинг бой, ранг-баранг ва гўзаллигини очиб беради. У мусаввирга тасвир ҳолатини ифодалашда ёрдам беради. Колорит осойишта, завклантирувчи, хавотирли, маънос бўлиши мумкин, шунингдек, илик ва совуқ, ёрқин ва бўғиқ бўлади. Ўтмиш устозларнинг рангтасвир асарлари қуйидаги айрим даврларда колорит ривожини кузатиш имконини беради. Колорит тушунчаси XV асрнинг охирларида шаклланиб, Борокко даврида раванқ топди. Ундаги дастлабки ўзгаришлар аср охирларида намоён бўла бошлади. Бу даврда бўёқларни алоҳида-алоҳида қўймасдан алоҳида-алоҳида қўймасдан рангларни силлиқ едирма қилиб ишлаган. Кейинчалик констемелга, айникса, импрессионистларга келиб бу ҳол яна кескинлашди. Шу сабаб ажойиб рус санъатшунос олими Б.Виппернинг илмий асарлари айнан рангтасвир колорити тарихига ҳам бағишланганлиги билан эътиборлидир.

XV асрда Италия, Франция, немис мусаввирлари тасвирларида бўёқлар бир-бирига нисбатан мустақил равишда мавжуд бўлган. Бернард Стригель мактабига оид мусаввир Альбрехт Дюрернинг «Освальд Крель портрети» учлиги фоннинг қизил ранги ёруғда ҳам, сояда ҳам оч ёки тўқ қизиллигича қолишига эътибор беринг. Мусаввир гўё нарса ва буюмларни шуълалантираётгандек тасвирлайди, қахрамонлар коматлари атроф фазога қоришиб кетмаган, балки ноаниқ жигарранг, қизил фонда гавдалантирилган.

Ранг ва шакл бир бутунликка эга бўлиб, бўёқни ёруғлик билан фазо бўшлиғида бир-биридан ажратиб бўлмай қолади. Беллинидан Тициан ва Тинтореттогача бўлган давр бу асл колоритнинг тусларга айланиш давридир.

Агар XVI аср рангтасвирида ранг умуман ҳаётни билдирган бўлса, уларнинг камрови тобора оша борди. Янги акс туслар пайдо бўла бошлади: Короваджода ёрқин-қизил, илиқ-яшил, жигарранг-сарик, оч ҳаворанг-кўк; Веласкесда – қора атрофида кўз илғамас едирмалар, кулранг, оқ, пушти ранглар жилованди ва ҳоказо...

Рембранд ўз палитрасини тўқ туслар билан чегаралайди, бироқ унда ранг янгича жонлантирилади ва сирли хусусиятларга эга бўлади.

Уйғониш даври рангтасвир усталари, масалан, Тициан рангдан асл ҳаётнинг бир кўриниши сифатида фойдаланади. Борокко даврида ранг қўп жиҳатлари билан рангтасвир фантазиясида эстетик вазифаларни бажарувчи бир элемент сифатида иштирок этади.

Ўтмиш устозлар ўз асарларини ифодалашда кўркем, ранг-баранг уйғунликлар, туслар аралашмалари, мураккаб техник услубларни асос қилиб олганлар. Улар кучли ранг ва тус контрастларини ишга солганлар. Шунингдек, улар истаган ранг тусларига эришиш учун лессировка усулидан фойдаланганлар.

XVIII асрга келиб ранг билан боглик эстетик ранг-баранглик янада антиқа ва мураккаб тус ола бошлади. Мусаввирлар инсон сиймоси, сочлари ва кийимлари учун ягона рангнинг нозик тусларини татбиқ этдилар. Оқ, оч сариқ, оч жигарранглар биринчи планга чиқди. Турли ғоялар кураши, ранг ва шакл ўртасидаги қарама-қаршиликлар XIX асрга мансубдир. Бу даврда ранг тадқиқотларнинг асосий манбаи бўлиб қолди. XIX аср рангтаъсирлари, айниқса, импрессион гуруҳлар ёрқин рангдан ҳам ёркинини ажратиб, офтоб нурлари таралишини ифода этишни ўзлаштирдилар. Улар рангнинг оптик бирикмалари таассуротларидан фойдаланган ҳолда ранг контрастига кўпроқ эътибор қилганлар ва тоза бўёқларни ишлата бошлаганлар.

Матисс, Гоген, Ван Гогларга аниқ контур ва жарангдор катта суртмалар мансуб бўлганини кўриш мумкин.

Матисс асл бўёқлар салтанатида ўз палитрасига – ранглар мажмуасига эга бўлди. У расмдан қирқиб олинган бўлақларни ҳеч қандай ёрдамчи тасвирларсиз, маълум текисликларга рангтаъсирнинг суртма усулида жойлаштиришни кашф этди. Матисснинг қоғоз ёпиштирмалари ранг бўйича бир бутун бўлиб, уларни гилам тасвирига (гобелен), матога ранг босиш ва китоб безакларига айлантириш жуда осон.

Гоген асарларида ранг тасвирий вазифани бажармайди, балки безак рамзий йўналишда бўлиб, қизил ранг – кум, пуштиранг – оқ ва кўк ранг – дарахтларни кўриш мумкин. Ван Гог асарларида гўзал контраст ранг мажмуалари иштирок этган. Бирок бу ерда бўёқлар безак эмас, балки психологик омиллар ва қайфиятларга таянади.

Маълумки, колоритни сезиб, идрок қилиш жуда муҳим қобилиятдир. И.Репин, В.Суриков, К.Коровин, М.Врубель, П.Беньков, Ў.Тансиқбоев, Ш.Абдурашидов ва шу қабила ҳақиқий колористлар эди. И.Репин асарлари илиқ ранглар – тилла ранг, сариқ, қизиллар билан тасвирланганлиги учун рангтаъсир колоритининг ёрқин ифодаси бўлиб хизмат қилади.

В.Суриков хуш кўрган колорит – хаворанг, кўк, совуқ ранглардан ташкил топган эди. Унинг кўпчилиқ асарлари қумушранг колоритда тасвирланган.


Ф.Малявиннинг кўпчилик асарлари оловранг – кизил колорит билан ажралиб туради. Кўпинча колорит миллийлик, табиийлик, инсонийлик хусусиятлари ва рўзгор буюмларини акс эттиришда асосий восита бўлиб хизмат қилади.

Бу хусусида «Миллий колорит» тушунчаси тўғрисида сўз юритилади. Ч.Ахмаров, Р.Кент, М.Сарьян асарлари бунга мисолдир. Ҳар бир мусаввирнинг ўзига мансуб колорити мавжуд бўлиб, бунга унинг ишланган тасвирий асарлари – умумий палитраси гувоҳ бўла олади.

Рангтасвир санъати – ранг ва нур уйғунлиги санъатидир.

Вокеликни бўёқлар воситасида тасвирга туширар экансиз, рангларнинг бир-бирига таъсирини назарда тутмоқ ва ранглар уйғунлиги асосида тасвирламоқ зарур. Шуниси муҳимки, тасвирда тўғри топилган ранглар уйғунлиги, гўзалликни англай олиш билан бирга, нафис асар гўзаллигини билиш равнакига ҳам замин яратади.

Мусаввирлар ўз ижодий ишларида ранг уйғунликлари устида бош қотирадилар. Р.Аҳмедовнинг «Тонг, Оналик» асарида ҳаворанг етакчи бўлиб, у ҳаво ранг колоритда бажарилган (3-расм).



Совук ранглар
гаммаси

3-расм. Р.Аҳмедовнинг
«Тонг, Оналик» асари.

Рангларнинг
тусланши

Асарнинг табиат қисмига қарасак совук колоритда бажарилган. Унинг оналик, яъни биринчи планда берилган оила тасвири қисми эса илиқ ранг колоритида бажарилган. Лекин манзара колорити ҳам

оила қисмидаги илиқ колорит ҳам шундай уйғунликда топилганки, натижада асар яхлитлиги таъминланган. Биринчи пландаги мато, шолча, кўрпа ва бошқалар табиатдаги ранглар билан уйғунликда ишланган. Тонгдаги табиат тасвири гўё юпка ҳарир парда орқали кўринаётгандек таассурот қолдиради.

Биринчи планнинг илиқ колоритда бажарилганлиги томошабинни ўзига жалб этади ва ўйга толдиради.


Унда ранглардан – контраст ранглардан деярли фойдаланилмаган. Шунинг учун ҳам асар майин сокин ҳолат тассуротини беради. Табиат ва инсоннинг уйғониш арафасидаги лаҳзага ишора қилади. Ушбу асар сокин колоритда бажарилган. Биринчи пландаги турлитуман ранглар иккинчи ва орқа пландаги нарсалар ранги билан ҳаво перспективаси асосида уйғунлашиб кетган. Шу тарзда асар колорити таъминланган.

Амалий санъат турлари наққошлик, кулолчилик, каштачилик, гиламдўзлик, заргарлик, зардўзлик, читгарлик ва бошқаларда колорит муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, наққошлик санъатида колорит муҳим ўрин тутати (4-расм). Наққошлик мактабларида ҳар бир усталарнинг ўзига хос колоритларига эга. Хоразм наққошлик мактабларида ва меъморий нақшларидаги умумий ранг, яъни колорити мовий бўлиб, кишига салкинлик, тинчлантирувчи, яъни симметрик ранглардан фойдаланилади. Айниқса, меъморий нақшларини кузатар эканмиз, ҳаворанг колоритда безалган нақшлар ўзига хос жозиба беради. Хива наққошлик мактабида асосий колорит совуқ, яъни мовий рангни эгаллайди.

Тошкент наққошлик мактабида асосини яшил, жигарранг ва ҳаворанг колоритда безалади. Асосан яшил колоритда Жалил Ҳакимов кўп ишлаган. Нақш композициялари ранглари бир-бирига нафис, яқин жуда аниқликда бажарилган.

Тошкент наққошлик мактабининг ҳозирдаги вакили Маҳмуд Тўраев пушти, ҳаворанг бинафша, яшил, жигарранг каби колоритларда бажаради. Ҳар бир колоритда бажарган нақшлари ўзига хос жозибага ва кўринишга эга. Ҳам тўқ, ҳам оч-ранг колоритда бажарилган. Тойир Тўхтажўжаев ўзига хос жигарранг олтинсимон ранг колоритда бинолар ва буюмларни моҳирона безаган. Нақш композицияларига назар солиб қарасангиз илиқ колоритдаги ранглар кишида кўтаринки рух, байрамона кайфият уйғотади. Фарғона наққошлик мактабининг намояндаси Саидахмад Маҳмудовнинг нақш композицияларида колоритга умуман бўйсунилган бўлса-да, лекин

кўпгина нақшларда замини илик ранг билан совуқ ранглар контрасти ўйини орқали бажарилган.




4-расм. Турли колоритда бажарилган ўсимликсимон нақш композиция.

Нақш илик ва совуқ ранглар заминидида контраст берилиб, ҳар бир замин ранглари ўзига хос жозибага эга. Ушбу нақшлар Фарғона водийси табиатига хос колоритда бажарилган. Барглр, гуллар ҳам илик ҳам совуқ рангда бўялиб пардоз берилган (5-расм).



Нақшлар илик (қизил) колоритда бажарилган



5-расм. Жомий мажиди, шифт ва устун шарафасидаги нақшнинг бир қисми. Қўқон XIX аср боши.

Анвар Илҳомов устози Жалил Ҳакимовнинг анъаналарини давом эттириб, яшил ва бошқа колоритларда нақшу-нигоралар ишлаб келмоқда.

Амалий санъат турлари наққошлик, кулолчилик, каштачалик ва бошқаларда колорит бирорта ранг, масалан, зангори, яшил, кизил, жигарранг, бинафша, пушти кабиларнинг ҳукмронлигига асосланади, колган ранглар унга бўйсундирилади.

Чунончи жигарранг муҳитида колган ҳамма ранг туслари жигаррангга бўйсундирилади.

Колорит бирор нарса ёки биноларнинг ўзига хос томонлари мажмуи деб ҳам аталади. Бадий асарнинг ўзига хос хусусиятлари, яъни давр, миллийлик, психологик ҳолатни, ҳуллас, вақелик ва бошқаларнинг, ўзига хос томонлари ёритилади.

Амалий санъатда ранглар рамзий маъноларга эга. Баъзи рангларнинг рамзий маънолари 1-таблицада берилган¹.

1-жадвал

Рангларнинг рамзий маънолари

№	Рамзлар	Маъноси
1	Яшил ранг	Она табиат, ислом рамзи
2	Мовий ранг	Осмон, коинот, тинчлик, ёмон кўздан асраш рамзи
3	Қизил ранг	Ғалаба, олов, илиқлик, хурсандлик, шодлик, қон
4	Сариқ ранг	Мукаддаслик, ёруғлик, куёш, кенглик
5	Қора ранг	Мотам, чексизлик, мавҳумлик, қўрқув, тушқунлик, ноаниқлик
6	Зангори ранг	Олий эътикод
7	Оқ ранг	Поклик, озодлик, ёруғлик, бахт, омад

Тасвирий санъатда асар мазмунини янада бўрттириб кўрсатиш ёки томошабинларга тезроқ етиб бориши учун рамзий ранглардан фойдаланилади. Масалан XVII аср Исфохон услубида «Анор ушлаган ўсмир» миниатюра асари рангларининг рамзий маъноларини бадий таҳлил қилиб чиқамиз (6-расм).

Қизил белбоғ – ўсмирнинг куч қувватга тўлганини, жинсий етилганлиги ва балоғат ёшига тўлганлигини билдирада.

¹ Булатов С.С., Салимов С.Н., Мухторов А. «Шердор мадрасаси безакларининг сирли олами». Т., Талкин. 2007, 14-бет.



6-расм. Анор ушлаган ўсмир. Минниатюра. Исфохон услуби. XVII аср.

Суратда ўсмирнинг белбоғига илинган йўлсимон, майда кизил ва қора чизиклар билан безалган оқ сочик тасвирланган. Оқ сочик поклик рамзи бўлиб, ўсмирни руҳан ва жисмонан покиза эканлигига ишора қилади. Сочикдаги кизил ва қора чизиклар ҳаёт эзгулик ҳамда ёвузликдан иборатлиги, яна кун тун ва кундуздан иборатлигини ифодалайди.

Ички яшил кийми – ўсмирнинг мусулмон эканлиги ҳамда оёқ кийми ҳам яшил рангда берилиши исломий йўлда юрганини англатади.

Бошидаги оқ рангли салла ўсмирни мусулмон ва бойлик рамзида тасвирлаган. Мусулмончиликда салла ўраш суннат ҳисобланиб, у ўлим рамзидир. Фоний дунёда туғилиш бор экан, ўлим муқаррардир. Яъни, бу синовли дунёда инсон фақат эзгулик йўлида юришини англатади. Чунки бу дунёда инсон яхши ёки ёмон амалларининг жавобини олади.

Тўқ гунафша рангдаги устки кийимнинг қоралиги рамзий маънода бу фоний дунё қоронғиликдан иборатдир, ушбу қоронғиликка канча кириб борсанг, шунча ҳеч нимани тушуниб бўлмаслигига ишора қилинган. Устки кийимдаги қора замини ритмик такрорланган, 3, 4, 5 олти япроқли ойгуллар тасвирланган. Бу билан ҳаёт, борлик, олам гўзаллигига ишора қилинган.

Ўсмир киёфасидаги статик ва динамик ҳолатларни киёфа илми орқали таҳлил қиламиз: Ўсмирликда сабза уриб чикқан соқол ва мўйлови унинг балоғат ёшига етиши, жинсий етилганлигини билдиради.

Қора рангли соқоли ёшликни эслатади; кичик ҳажмдаги лаблари ўсмирлик ёшликнинг гўзал даври эканлигини эслатади; камон кўринишидаги икки қошнинг лочин қушдай акс эттирилиши ўсмирни ширин орзу-истаклар, парвозий ҳаёлларга берилишини билдиради. Суратда ўсмир бурни чиройли, нафис чизилган. Чиройли бурун юзга гўзаллик бахш этиб турибди; ўсмирнинг кўзлари бир нуктага қаратилган бўлиб, ҳаёлга чўмиб, ширин орзулар, муҳаббат нашидасини тортаётганини ҳам динамик ҳам статик ҳолатда акс эттирган; чап кўлни оёқ устига тираб туриши ўсмирни ўз кучига, иродасига ва ишончига суянишини билдиради. Ўнг кўлида анор ушлаб турганлиги статик ҳолат бўлиб, ҳар бир инсон муҳаббатини калбида ўтказади ва ҳис қилади, деган маънони ифодалайди.

Мотамда, қайгу ғамликда қора ва хира ранглардан фойдаланилади.

Тўйларда ёрқин қизил, сарик, зарғалдоқ ва бошқа ранг колоритларда бажарилади.

Хулоса қилиб айтганда, колорит асар мазмуни ва ғоясини мусикадаги дирижёр вазифасини бажаради.

Колорит тушунчасини киёмига етказиб ўргатиш тайёрлаётган кадрларимизни касбий ва шахсий фазилатларини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга.

V бoб. КОМИЛ ИНСОН ҚАЛБИДАГИ РАНГЛАР ФАЛСАФАСИНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

5.1. Ранглари фалсафий ўрганишдаги муаммолар

Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасидаги сиёсатини, умуминсоний кадриятлар, халқнинг тарихий тажрибаси, маданият ва фан бoбидaги кўп асрлик анъаналар, жамиятнинг истикболдаги ривожланишини ҳисобга олган ҳолда олиб борилмоқда. Таълим тизимида жуда катта ишлар амалга оширилмоқда. Фан стандартлари, дастурлари, дарсликлар қайта ишлаб чиқилди ва чиқилмоқда. Ҳозирда фан, техника жуда тез ривожланмоқда ҳар дақиқа ўзгариб бормоқда. Вақт ўтиши билан кечагина қилган ишларимиз бугунги кун талабига жавоб бермасдан қолмоқда. Янги-янги муоммолар олдимизда кўндаланг бўлиб қолмоқда. Агар биз ушбу муоммоларни бартараф этиб бормас эканмиз, улар Ватанимизда фан, техника, маданиятнинг ривожланишига, албатта, салбий таъсирини ўтказди.

Аждодларимиз табиатнинг сирли олаmidан ҳайратга тушиб, асрлар давомида уни ўрганиб келмоқда. Муқаддас китобимиз «Қуръони Карим»да ҳам ранг мўъжизалари ҳақида қуйидаги фалсафий фикрлар билдирган: «Аллоҳдан ҳам гўзалроқ ранг берувчи борми?» ёки «...ранглари турли бўлган меваларни чиқарганимизни кўрмадингизми?!» яна «...тоғларнинг, оқ, қизил, ранг-баранг йўл-йўллилиси ҳам, тим, қораси ҳам бордир», шунингдек, «Одамлар, жониворлар ва чорва ҳайвонлар орасида ҳам турли ранглари бордир?!»

Дарҳақиқат, «ранг» атамаси тўрт ҳарфдан иборат бўлса-да, шубҳасиз унинг маъносига ва сирли оламини ўрганишига инсоннинг умри етмаслиги, табиийдир. Ранг сирларини илмий ўрганиш мақсадида «Рангшунослик» фани юзага келган. Ранглarning инсон руҳига таъсирини ўрганувчи фан эса ранг психологияси деб юрилади.

Ҳар бир ранг олам маъно англатади. «Нима учун табиат яшил рангда яратилган?» Бунинг сабаби нимада? Агар табиат қизил ёки сариқ рангда бўлса, нима маънони англатган бўлар эди? Нима учун қонимиз қизил? Қайси ранглар инсон саломатлигига, кайфиятига таъсир этади? Инсон қалбидаги рангларни қандай кўрса бўлади? Инсон ёки ҳайвонларнинг ранглари орқали улар саломатлигини аниқласа бўладими? Салла нима учун турли рангда бўлади? Улар

инсон руҳига таъсир этадими? Ушбу муаммоларнинг барчаси ранг психологияси фанининг тадқиқот мунозараларидандир. Мазкур соҳа бўйича асрлар давомида ажодларимиз, фан арбоблари муайян даражада илмий-тадқиқот ишлари, тажрибалар ўтказиб келишмоқда. Ажодларимиз бизга ранг ва унинг инсон ҳаётидаги ўрни, шифобахшлиги, тарбиявий, фалсафий ва руҳий томонлари ҳақида жуда кўп маънавий хазиналари қолдириб кетганлар. Биз тасаввуфда¹ рангларнинг ғайб илмидаги² фалсафий қарашлар ҳақида маълумотларга бир оз тўхталиб ўтмоқчимиз.

5.2. Тасаввуф (суфийлик)³

Тасаввуф, суфийлик – исломда инсонни руҳий ва ахлоқий жиҳатдан комиллик сари йўловчи таълимот. Тасаввуф сўзининг ўзаги ва мазмуни ҳақида олимлар турли фикр ва таҳминлар билдиришган. Улар ичида Ибн Халдуннинг фикри ҳақиқатга, яқин деб эътироф этилган. У «Муқаддима» асарида тасаввуф «сувф» – «жун», «пўстин» сўзидан олинган бўлиши керак, зеро қадимда таркидунё қилган зоҳидлар жундан тўқилган кийим ёки пўстин кийиб юришни одат қилганлар, бу билан улар башанг кийиниб юрувчи ахли дунёлардан фарқли ҳаёт тарзини ўзларида намоён этганлар, дейди. Тасаввуф ва «суфий» сўзлари IX асрнинг бошларида яшаган Абду Ҳошим Суфийдан бошлаб жорий этилган. Ундан олдинги даврларда бу атама ўрнида «зуҳд» («зоҳидлик», «таркидунёчилик»), «тақводорлик» «парҳезкорлик» каби сўзлар ишлатилган. Ибн Халдуннинг фикрига кўра, саҳобалар, тобеинлар ва улардан кейинги аср кишиларида ҳикоят, ибодат, тақво ва зоҳидлик каби ҳис-туйғулар мужассам бўлган. Лекин ҳижратнинг II асри ва ундан кейинги даврга келиб одамларнинг кўпчилигига мазкур хосиятлар ўрнида дунёпарастлик, дин ишларига бепарволик, кибр ва риёкорлик каби сал-

¹ Тасаввуф (суфийлик) – суфийнинг назарий, фалсафий дунёқараш тизими. Исломдаги диний-фалсафий таълимот; оқим. Таълимотнинг асоси инсон ва унинг Парвардигорга муносабатидир. Суфийликда руҳий камолотга эришиш тўрт босқичдан иборат: шариат, тариқат, маърифат, шариат.

² Илми ғайб-турли сирлар, ички ҳолларга тегишли илм, тасаввуф илми, авлиёлик. Ғойбни билиш, кўринмаган нарсаларни кўра билиш, турли сир-синоатларни билиш илми. Билим орқали инсон ўзини руҳан кашф этади, ақл-идрок билан етиша олмаган тушунчаларга эришади (Абдурахмонов А. «Саодатга элитувчи билим». Тошкент: Мовароуннахр, 2001, 414-б).

³ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Т., 2004, 8 –жилд, 288-289 б.

бий хусусиятлар пайдо бўла бошлагандан кейин обидлик ва зо-хидликни ихтиёр қилган бир гуруҳ кишилар тасаввуф ва суфийлик номи билан ажралиб чиққанлар.

Тасаввуф турлича талқин қилинган. Масалан, Маъруф ал-Ка-хий (815 й.) фикрича, «Тасаввуф – ҳақиқат сари интилиш, одам-лардан таъмагирлик қилмаслик ва фарқликни ихтиёр этишдир» Зуннун ад-Мирсий (859 й.) «Суфий бойлик истаб ўзини чарчатмас ва йўқотган бойлигига ачиниб, безовта бўлмас», деса, Жунайд ал-Бағдодий (909 й.) «Тасаввуф – қалбни соф тутмоқ, туғма заифлик ва нохуш ахлоқлардан фориғ бўлиб, ҳайвоний ва нафсоний туйғулар устидан ғалаба қилмоқ», деб таъриф берган. Яна у «Тасаввуф бир уй бўлса, шариат унга кирадиган эшикдир», деган. Сўфи Оллоёр бу таърифни қувватлаб: олувчи шахс – мурид, солих, аҳли дил, аҳли хол, мутассавир каби номлар билан

Шариатсиз киши учса ҳавога

Кўнғил берма анингдек худномага,

деб ёзади. Мисрлик олим Иброҳим Басюний «Исломда тасаввуф-нинг пайдо бўлиши» китобида хижрий III–IV асрларда яшаб ўтган олимларнинг тасаввуф ҳақидаги 40 та таърифни келтиради. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, тасаввуф ислом шароити талабларини ҳам ихлос билан бажарган ҳолда зухд, такво, камтарлик каби олижаноб фазилатларни ўзида мужассам этиб, нафсни поклаш йўли билан комил инсон даражасига эришишга ҳаракат қилишдан иборат. Та-саввуфнинг ўзига хос истилоғи мавжуд. Масалан, тасаввуф илми-дан сабоқ берувчи шахс – шайх, муршид, пир эшон, хожа, мавло, мавлоно, махдум каби унвонлар билан танилган. Тасаввуф бўйича олиқ мақомларга эришган соҳибқаромат пирлар – валий, авлиё, кутб, ақтоб, автор, чилтон, авдол, аброр, аҳрор, нуҷабо, нуқабо, сиддик, ғавс ва ҳоказолар дейилган. Тасаввуф аҳли баъзан очик, фақир, дарвеш, қаландар, зоҳид, ориф, девона, аҳли муҳаббат, аҳли сулук, рижолул-гайб, савдойи, гадо каби атамалар билан ҳам ифода этилган. Тасаввуф истилоҳи асосида ижод этган шоирлар мажоз ус-лубини танлаганлар. Шунинг учун ҳақиқат, мажоз, ташбеҳ истиора каби мантиқий қоидалардан боҳабар бўлмаган китобхон Навоий, Фузулий, Атоий, Умар Хайём каби мумтоз адабиёт намояндала-рининг шеърларини тўла англаши қийин кечади. Бунинг учун та-саввуфга доир сўзлар изоҳига бағишланган лугат ва қомуслардан фойдаланиш лозим. Улардан айримлари Ўзбекистон ФА Шарқшу-нослик институти кўлёзмалар фондида сақланмоқда. Тасаввуф та-

риқатларининг инсоният маънавиятини юксалтиришга қўшиб келадиган беназир хиссаси бутун дунё халқи томонидан эътироф этилса-да, баъзан ислом оламида тасаввуфга салбий назар билан қараш, унинг тариқатлари, машойихлари ва кароматларини инкор этиш кўзга ташланади. Бурҳониддин ал-Бикоий (1406–1480)нинг «Тасаввуф инкирози», Абдурахмон Димашкиянинг «Накшбандия тахлили» китоби ва бошқа китобларда тасаввуфнинг барча тариқатлари ва уларга доир асарлар ҳамда машойихлар каттик танқид қилинган. Азиз-авлиёларнинг макбара ва мазорларини зиёрат қилиш ширк деб саналган. Ваҳоланки, уларнинг бу даъволари шаръан асоссиздир.

Ислом ҳуқуқшунослигида, яъни шаръий кўрсатмаларни амалга татбиқ этишда 4 та факхий мазҳаб бўлганидек, тасаввуфда ҳам бир неча тариқатлар шаклланган. Машхурлари – тайфурия, жунайдия, ҳакимия, қардирия, *яссавийлик*, *маломатийлар*, рифоя, *кубровийлик*, *сухравардийлик*, чиштия, ақабария, шолизия, бекгишия, мавлавия, *нақшбандия*, санусия тариқатларидир. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда тасаввуф тариқатларини ўрганиш, унга доир асарларни таржима қилиш, атокли машойихларнинг макбараларини қайта қуриш ва таъмирлашга аҳамият берилмоқда. Ҳаким *Термизий*, Нажмиддин *Кубро*, Абдуҳолик Ғиждувоний, Ҳожа Аҳмад *Яссавий*, Баҳовуддин Нақшбанд, Ҳожа Аҳрор Валий, Шайх Зайниддин, Занги ота, Шайх Ҳованди Тоҳур ва бошқа кўплаб тасаввуф тариқатларига мансуб пири комилларнинг ҳаёт ва ижодларини чуқур ўрганиш, қолдирган асарларидан халқимизни баҳраманд этиш борасида муайян ишлар қилинди.

5.3. Диннинг улуг юлдузи¹

Нажмиддин Кубро (тахаллуси; асл исми-шарифи Аҳмад ибн Умар ибн Муҳаммад Хивакий ал-Хоразмий) (1145–1221) – улуг шайх, тасаввуфнинг таниқли вакилларида бири, кубровийлик тариқатининг асосчиси (унинг таҳаллуси «диннинг улуг юлдузи» маъносини беради). Кубронинг каромат кўрсатиши, воқеаларни олдиндан билиш, ўткир назари билан таъсир эта олиш хислатига эга инсон бўлганлиги ҳақида ривоятлар тарқалган. Кубро ёшлигидан илмга қизиққан, қобилиятли бўлган. Ислом асослари, шариат, ҳа-

¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. -Т., 2003, 5-жилд, 112-бет.

дис ва тафсирни жуда тез ўзлаштириб олади. 16–17 ёшларида таҳсилни чуқурлаштириш мақсадида Хоразмдан чиқиб, Эрон, Миср, Шому, Ироқ мамлакатларини кезади. Тарикатдан хабардор бўлишга интилиб, бир неча шайх, дарвешлар суҳбатида бўлади. Илк дафъа Мисрда шайх Рўзбихон Ваззон Мисрий (1189 й.) га мурид тушади, ундан тарикат одобини ўрганади, шайхнинг кизига уйланади. Кейинчалик Ҳамодонда шайх Аммор Ёсир (1187 й.), Дизфулда шайх Исмоил Касрий (1193 й.) каби устозлардан сабоқ олди. 25 йилдан ортиқ умрини илм таҳсилига бағишлаган. Кубро 1185 йил Хоразмга қайтиб келди. Бу ерда катта хонакоҳ қурдириб, ўз диний мактабини яратди. Кубро кишиларни эзгуликка, илмга, саховат ва мардликка даъват этади. Унинг тарбиясини олган юзлаб одамлар ирфоний маърифатдан баҳраманд бўлдилар. Кубронинг муридлари Мажиддин Бағлодий (1209.1219 й.), Ҳумавий ва Саъиддин Доя (1256 й.) тасаввуф тарихида ном қозонган шайхлардир.

Кубро ўз карашларини араб тилида ёзган бир неча рисолаларида баён этган. Улардан асосийлари «Фавоих ал-жамол ва фавотих ал-жалол» («Жамол хушбўйликлари ва жалолнинг кашфи», «Ал-усул ал-ашара» («Ўнга усул»), «Рисола ат-турук» («Тарикатлар рисоласи»), «Рисолат ал-хоиф ал-хоим минловм ал-лоим» («Маломатчининг маломатидан ҳазар қилувчи ҳақида рисола») ва бошқалар.

Кубронинг форс тилида ёзилган «Фи одоб ус-солиқни» («Солиқлар одоби ҳақида») рисоласи ҳам бор. Кубро Қуръонга мутасаввифлар нуктаи назаридан шарҳ беришни охиригача етказа олмади, бу ишни унинг шогирдлари тугаллади. Форсча рубойларида жавонмардлик, пок ахлоқ ғоялари ифодаланган. Кубро мўғул босқинчиларига қарши жангда шахид бўлган. Қабри Кўҳна Урганчда. Кекса шайх ва донишманд инсоннинг бу жангдаги қаҳрамонлиги, жасорати авлодларга ибрат бўлиб қолади. Кубро шахси ва унинг мероси мустақиллик йилларида ўрганила бошланди. 1995 йилда Ўзбекистонда Кубро таваллудининг 850 йиллиги нишонланди.

5.4. Кубровийлик тарикати

Кубровийлик – тасаввуф тарикати. XIII аср бошида Хоразмда Нажмиддин Кубро асос солган. Унинг асарларида тарикатнинг моҳияти, ўзига хос талаб ва қоидалари баён қилиб берилади. Кубронинг тасаввуфий таълимотига кўра, инсон ўз моҳияти билан кичик

бир оламдир, у катта олам бўлган коинотдаги барча нарсаларни ва сифатларни ўзига хос мақомларда жойлашганлигидан, ҳақиқат йўлини қидирувчилар бундай камолга эришиш учун маълум риёзатли йўллари ўтишлари зарур. Бу йўлда унга пири комил раҳнамолик қилиши керак. Кубро камолотга эришиш асосларини¹ куйидаги ўнта талаб («Ўнта усул»)да ифодалаб берган (1-жадвал):

1-жадвал

Камолотга эришишнинг ўнта асослари

№	Номи	Мазмуни
1.	Тавба	-барча амалларининг боши бўлиб, Аллоҳ олдида тавба қилиш, бундан кейинги ҳаётни илоҳий эзгулик ва хайрга бағишлашга аҳд қилиш.
2.	Зухд	-Тақво, парҳез, ҳаромдан ҳазар қилиб, ҳалолликка юз тикиш, Аллоҳ ман этган ишларни қилмаслик.
3.	Таваккул (таваккал)	-барча ишларни қилишда Аллоҳнинг меҳрибонлиги ва қудратига таяниш.
4.	Қансат	-Ҳаёт кечиришда оз нарса билан қаноатланиш, мўътадиллик, тубан майллардан озод бўлиш.
5.	Узлат	Танҳоликда бўлиш, хилватда руҳни поклаш.
6.	Таважжух (юзланиш)	-Бутун вужуд билан Аллоҳга юзланиб, ундан мадад сўраш, у сари қалбан интилиш.
7.	Сабр	Соғлиқнинг ўз эътиқоди, ниятини синаши. Ҳақ йўлнинг азобу изтиробига чидаган кишиларгина мақсадга эришади.
8.	Муроқаба (тафаккурга ғарқ бўлиш)	Қалб поклангани ва тубан эҳтиросдан ҳолилигини туйиб, хотиржам бўлинганини эслаб ҳаёлга чўмиш, Ҳақ таолло раҳим-шафқатини кўриб туриш.
9.	Зикр	Олоҳнинг исмини тилдан қўймаслик, калима-ю дуоларни мунтазам такрорлаб туриш.
10.	Ризо	Аллоҳ қудратини чуқур ҳис қилган ҳолда, ўзини буткул унинг иродасига топшириш ва бундан ҳузурланиш. Бу маҳал солиқни ҳаққа, ҳақнинг унга яқинлашганлигини билдиради.

¹ Мақом (тасаввуфда) – исломда суфийликка хос тушунча, ҳар бир суфий босиб ўтиши лозим бўлган босқичлар. Тариқатларда М.ларнинг сони ҳар хил келтирилади, лекин кўп ҳолларда 4 М. тилга олинади: шароит, тариқат, маърифат, ҳақиқат (қ. Тасаввуф). Лекин, тасаввуфнинг айрим йирик намояндалари М.ларни кўпроқ, деб ҳисобланган. Мас., Фаридулдин Аттор 7 М., Ғазолий 9 М.ни таърифлаган. Ҳар бир М. ҳам, ўз навбатида, бир неча кичик босқичларга бўлинади (айрим суфийларда бу босқичлар, 8 дан 10 гача кўрсатилган) ва улар манзил, деб аталади.

Кубро илохий маърифатни сўфий фақат фонийлик ҳолатида, яъни буткул ўзлигини йўқотиб идрок эта олади, деган фикрга эътироз билдиради ва Жунайд Бағдодийнинг «сахв» (хушёрлик) йўлини тутиб, тафаккурий-аклий билимга эътиборни қаратади. Бундай йўлни Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд маъқуллаган.

Кубро инсон рухий кечинмалари, нозик ҳолатларини пухта билган. Шунга мувофиқ «латоиф» («нозик таъбилик») назариясини ишлаб чиққан. Бу назарияга кўра, инсон руҳи кўзга кўринмас латиф марказлардан иборат. Бу онг ва туйғу, руҳ ва жисм орасидаги бир нарса. Уни илғаб олиш мушкул. Аммо инсон ҳаётида бу марказларнинг аҳамияти муҳим. Сўфий айтиши шу марказларни илғаб олиши лозим. Ана шу «латоиф» инсоннинг илохий хислатидир. Сўфий риётлар, машқлар давомида бу латоифни турли ҳолатларнинг ўзгариши, ранглар ва шаклларнинг алмашилиши тарзида тасаввур қилади. Кубро назарида нукта, доғ ва доира мурид рухий ҳолатлари ўзгаришида муҳим хизмат қилади. Доира-фалак доира айланиши, доғ — дунё тимсоли, нукта — ваҳдатдир. Доира доимий айланишда, у доғни ҳам ўз ичига олади. Аммо булар марказ томон, яъни нукта сари интилади. Нукта моҳиятини англаш орқали Аллоҳ оламини идрок этса бўлади.

Нажмиддин Кубродаги ранглар ва уларнинг маънолари баъзи мутассавирлар таърифлаган рангларнинг шарҳидан фарқ қилади.

Кубро етти ранг хислатини етти тушунчага мослаб тушунтирган. Унингча, оқ ранг — исломни, сариқ ранг — имонни, зангори ранг — эҳсонни, яшил ранг — итминон (ишонч)ни, кўк ранг — ирфонни, қора ранг — ҳаяжон (хайрат)ни англатади. Солик рухий ҳолатларида қайси ранг кўз олдида намоён бўлаётганини пирига айтиб туриши керак. Пир шунга қараб муриднинг қайси босқичда турганини билиб, унга янги вазифалар юклайди. Кейинги сўфийлар ҳам Кубро сингари қора рангни хайрат белгиси ҳисоблаб, уни руҳнинг фанога фарқ ҳолати рамзи сифатида таъкидлашади.

Куброда тариқат аъзоларининг ягона ташкилий тизими бўлмаган. Уларни таълимотнинг руҳи ва мақсади бирлаштирган. Кубронинг шогирди Сайфиддин Боҳарзий (1261 й.) Бухоро яқинидаги Соктариёт қишлоғида Нажмиддин Кубро номи билан аталган ҳонақоҳ ташкил қилган. Бу ерда Кубро тариқати XVIII аср охиригача кенг тарқалган эди. Унинг аъзолари Кубро ғояларини Мовароуннаҳр шаҳарларигагина эмас, балки Эрон, Миср, Ироқ ва Афғонистонга ҳам ёйдилар.

Айникса, Кубро тарикоти Хиндистонда чуқур илдиз отди. Кейинчалик Кубронинг бир қанча мустакил Шохобчалари вужудга келади. Булар – фирдавсия, нурия, рукния, ҳамадония, игтишошия, заҳабия, нурбахшия.

Кубро туфайли ирфоний ҳикмат ва инсоний поклик, илоҳий, маърифат ғоялари бутун Шарққа тарқалди, бу тариқат исломнинг шухратига шухрат қўшди.

5.5. Шайхи валийтарош

Нажмиддин Кубронинг турли-туман кароматлари хусусида кўплаб ёзилган, уларнинг анча-мунчаси халқ ичида афсона-ю ривоятга ҳам айланиб кетган. Н.Комилов уларни умумлаштириб, уч гуруҳга бўлади¹.

Назарнинг ўткирлиги. Илоҳий илҳом лаҳзасида Шайхнинг кўзи кимга тушса, ўша кишида валийлик хусусияти пайдо бўлар эмиш. Шундай ҳолатларда унинг муборак назари тушган кўплаб саодатли инсонларнинг айни хислатга эга бўлганлари хусусида манбаларда талай маълумотлар сақланиб қолган. Бугина эмас. Нақл қилишларича, бундай улуғ қоматга шайхнинг назари тушган бир ит ҳам муяссар бўлибди, шундан кейин у қабрисонни макон тутибди. Қаерга борса, эллик-олтмиштача ит ортидан эргашар, ўтирса, улар ҳам тавозеъ билан ёнида давра қураб эмиш. Ит ўлганда, Кубро уни одамлардай ювиб, дафн этган, қабри устига макбара қуришни буюрган экан.

Воқеаларни олдиндан кўриш. Муҳаммад Хоразмшоҳнинг давлати кучайганидан кейин у такаббурликка берилиб, ҳеч кимни менсимай қўйибди. Жабру зулмни ҳаддан ошириб, ҳаттоки ўзи вас-сали ҳисобланмиш халифаликка ҳам бўйсунидан бош тортади. Чингизхондан сулҳу тижорат таклифи билан келган савдо қарвонини, кейин эса мўғул элчиларини ҳам қиличдан ўтказди. Жосуслар чақуви билан Кубронинг сеvimли шогирди Мажиддин Бағдодийни ўлимга ҳукм этади. Шунда Нажмиддин Кубро бу ноҳақ тўқилган қонларнинг оқибати сифатида қойим бўлажак муқаррар жазо – Чингизхоннинг босиб келиши ва Хоразмшоҳнинг ҳалокати яқин эканини башорат қилади. 1221 йилнинг ёзида бу каромат содир бўлади.

¹ Комилов Н. Нажмиддин Кубро. 24-28-бетлар

Мурокаба йўли билан шогирд танлаш. Нажмиддин Кубро сўфиёна истёждодга эга бўлган кўшлаб кишиларни ғойибона таниб, ўз ёнига тўплпгпн ва уларни тарбиялаб, йирик тасаввуф шайхлари қилиб етиштирган. У кўп шогирдларни, жумладан, Жалолиддин Гейли, Аҳмади Мавлоно ҳамда Маждиддин Бағдодийни мурокаба (ички сезги, фикру мушоҳада) йўли билан топган.

Аввал – Ватан, кейин – жон

Атокли озарбайжон адаби М.Охунов: «Ватанпарвар – ўз ватани камолоти йўлида ўз ватанига муҳаббати туфайли эзгуликлари туғул, жонини ҳам аямайдиган, халқи ва ватани озодлиги, фаровонлиги учун ўзини қурбон қилувчи инсондир»¹, – деб ёзган эди. Шайх Нажмиддин Кубро жасорати бу фикрнинг ёрқин исботидир.

Гап шундаки, мўғуллар Хоразм тупроғига бостириб кирганда, у муридларини туғилган юртларига жўнатиб, ўзи шаҳарни мудрофаа қилишга отланади. Шогирдларининг бирга кетиш ҳақидаги таклифига жавобан: «Мен шу ерда шаҳид бўламан, менга, хоразмни тарк этишга русат йўқ», – дейди ва кўлига шамшир тутиб, қўйнига тош тўлдириб, ёв қаршисига чиқади. Уларга тош отади, бир нечасини найза билан уриб йикитади. Душманлар унга камондан ўқ узадилар. Ўқлардан бири шайхнинг кўкрагига санчилади. Шаҳид бўлаётган пайтда у душман кўлидан байроғини тортиб олиб, шу даражада маҳкам сиқиб ушлаганки, ўн киши бўлиб ҳам унинг кўлидан байрокни олишолмагач, бармоқларини кесишга мажбур бўлишган. Шайхнинг бу жасорати ёвни ҳам ҳайратга солган. Мазкур воқеа, мана неча асрларки, тилдан-тилга ўтиб, афсонага, халқ учун ибрат манбаига айланади. Шудай мард инсоннинг ҳамюрти эканлигимиз бизнинг ҳам қалбимизни чексиз фахрланиш туйғуларига тўлдириши шубҳасиз.

5.6. Ривоят ва ҳақиқат²

Азиз-авлиёларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳамиша афсона ва ривоятларга кўмилган бўлади. Маждиддин Бағдодий ҳам бундан мустасно эмас. Чунончи, кўпгина афсоналарга кўра Маждиддиннинг ке-

¹ Тафаккур гулшани. 18 бет.

² Фишр. Жалолиддин Румий. 15-16-бетлар.

либ чиқиши Бағдоддан. Унинг онаси машҳур табиб бўлиб, Хоразм-шоҳнинг илтимосига биноан халифа томонидан Хоразмга юборилган. Маждиддин бу вақтда 18 ёшда бўлган ва ўзининг хушрўйлиги билан ажралиб турган. Хоразмда у Нажмиддин Кубро билан учрашади ҳамда Шайхнинг муридлари каторидан ўрин олади.

Муридўз измини ўзгага топширган кимса, дегани. У ҳамма нарасада ўз пирига бўйсунishi, тўғрими-ноғўгри у буюрган барча юмушни кулок қокмай адо этиши шарт. Шайх даставвал ўз шогирдларидан ғурур, кибрни йўқотиб, уларни мўмин, тавозеъли қилиб етиштиришга интилган. Бунинг учун маълум шартлар – юмушларни бажариш лозим эди. Бу тарикатда «мутаваззо хизмати» дейилади. Нажмиддин Кубро жисмонан нозик ва латиф йигит бўлмиш Маждиддинни ҳам шундай имтҳонга солади, яъни уни сув ташиш, хонақоҳни супуриб-сидириш, нопок жойларни тозалаш на бошқа юмушларни бажаришга мажбур этади. Шунда унинг онаси Шайхга одам юбориб, айтади: «Илтимос, ўғлимни қийнамасинлар, агар мазкур юмушларни бажаришга хизматкор керак бўлса, мен ўнга турк ғуломини юборай». Нажмиддин унга жавобан дейди: «Ажабо, ўзинг табиб экансан, айт-чи, ўғлинг касал бўлса-ю, дорини турк ғуломи ичса, сенинг ўғлинг тузаладими?»

Маълум бўладикн, тарикат одоби ҳам ўзига хос тарбия усули экан. Бу ерда яна бир боғлиқлик бор: Маждиддин Бағдодий Фаридиддин Атторнинг устози бўлган, дедик. Атторнинг табиб бўлганлиги, ҳатто мўъжаз дорихонаси бўлганлиги маълум. Демак, Аттор нафақат тарикат тарбиясини, шу билан бирга, табибликни ҳам Бағдодийдан ўрганган.

«Нажмиддин Кубро ҳақида кисса»да ҳикоя қилинишича эса, Бағдод шоҳининг Абдулла деган ўғли бўлиб, у жуда кучли шатранжчи экан. Ўйиндан аввал: «Кимни ютсам, у менга тобе бўлади, ютқазсам, ўзим кул бўламан», – деб шарт қўяр экан. Алкисса, у элма-эл, юртма-юрт кезиб, кўпларни ўзига тобе қилди. Иттифоқо, йўли Хоразмга тушиб қолди. Шахзодани Нажмиддин Куброга рўпара қиладилар. Шайх билан уч бора шатранж ўйнаб, ҳар гал ютқазади ва унинг муридига айланади. Етти йил шайхнинг хизматини қилади. Кубро унга Маждиддин, деб ном қўяди, хирка кийгизиб, ўз силсиласини тузишга ижозат беради. Шундан кейин Маждиддин ҳам хонақоҳ очиб, муридлар тарбиялай бошлайди. Албатта, ҳар қандай афсона катида ҳам бир чимдим ҳақиқат яшайди. Мазкур ривоятлар ҳам Маждиддиннинг келиб чиқиши ҳақида аниқ маълум-

мот бермаса-да, Нажмиддин билан Маждиддиннинг қандай топишиши, пир ва муридлик муносабатлари, тарикатга кириш йўллари, унинг ўзига хос шарт ва хусусиятлари тўғрисида кизиқарли маълумотлар бериши билан кадрлидир.

Қизил ранг – ишқ ранги

Ривоятларда нақл қилинишича, Маждиддин ўзининг бевакт шахид бўлишини ўзи башорат этган экан. Бир гал унинг хонақоҳидаги самоъ мажлисида қўшиқчи қуйидаги байтни ўқийди:

*Хуш бофтаанд дар азал жомаи ишқ,
Гар як хатти сабз дар канораиш буди.*

Маъноси: Азалда ишқ либосини жуда гўзал қилиб тикканлар. Қани эди, унинг барида яшил хошияси ҳам бўлса эди,

Шунда Маждиддин соқолини чангаллаб, фарёд чекади ва кейинги мисрани қуйидаги шаклда такрорлайди:

Гар як хатти сурх дар канараиш буди.

Маъноси: Қани эди, унинг барида қизил хошия бўлса эди! Шундан кейин у қўлини қилич каби бўғзига қадайдиди-да, қуйидаги рубоийни ўқийди:

*Дар баҳри муҳит гўта хоҳам хўрдан,
Ё гарқа шудан, ё гуҳаре овардан.
Қори ту мухотара аст – хоҳамч қардан,
Ё сурх кунам руй аз он, ё гардан¹*

таржимаси:.

*Ул баҳри муҳитга кирмак истар кўнглим,
Ё чўксаму ё инжуга тўлса қўйним.
Этсайдим адо — ишинг хатарли гарчи,
Ишқ рангига эврилса юзим ё бўйним.*

Шубҳасиз, мазкур рубоийнинг Бағдодийнинг фожиали ўлими билан богликлиги бор. Унинг ривоятлар катига сингиб кетишига балки сабаб шудир. Лекин соҳибкароматлик – шайхларга хос хусусият. Воқеаларни олдиндан кўра билиш қобилиятига эга бўлган Маждиддин ҳам ўз ўлимини олдиндан сезган бўлса, ажаб эмас. Ахир, унинг устози Нажмиддин Кубро ҳам нафакат шогирдининг, балки ўзининг ўлимини-да олдиндан башорат қилган эди.

¹ Бертельс Е.Э. Четверостишия шейха Маджд аддина Багдади. – Суфизм и суфийская литература. С. 337. Олим мазкур китобида шайх-шоирга нисбат берилган 14 та рубоийни турли қўлёзма манбалардан топиб эълон қилган. Биз шундан фойдаландик.

5.7. Тасаввуфда дунёвий ва ғайб илмлари

Илм тасаввуфда дунёвий ва ғайб илмларига бўлинади. Дунёвий илм далил билан исботланиши, ғайб илми эса Аллоҳ томонидан инсон қалбига тушган қаромат нури билан идрок қилинади (1-расм).

Ғайб илмида инсон онгига Аллоҳ томонидан хабар икки усулда етказилди. Биринчиси – туш кўриш орқали, иккинчиси – илҳом¹, яъни илҳомланиш ҳолатида инсон онгига етказилади. Буни 2-расмда кўриш мумкин.


«Туш кўриш хусусияти инсонга азалдан берилган. Одамзод – бу дунёда яшаб, турли соҳаларда фаолият юритади, оилавий турмуш кечиради, ўз фикрлаш доирасида мушоҳада қилади ва келгуси ҳаётга таъсир этувчи қарорларини чиқаради, яъни маълум қадамлар қўяди. Биз, кўпинча, қарорларимизнинг оқибати қандай бўлишини тўлиқ ҳис қила олмаймиз. Чунки, бу нарсага бошқалар томонидан, яъни атрофимиздаги олам томонидан бизга нисбатан қилган хатти-ҳаракатларнинг ҳам таъсири бор, айти шу ҳолатни билиш аксарият ҳолларда мушкул. Лекин, бундай пайтда бизга туш ёрдамга келади»².

«Тушлар икки хил бўлади: раҳмоний ва шайтоний. Раҳмоний туш кўрадиганлар – қалби тоза, ҳалол ва тўғри сўз, аждодлари кўп савоб ишлар қилган инсонлардир. Бундай тушлар одамга тез кунларда рўй берадиган воқеа-ҳодисалардан, ўзининг ва яқинларининг ҳолатидан дарак беради.

¹ Илҳом – одамнинг руҳий ҳолати; ундаги барча ижодий кучларининг қуйилиб келиши, руҳий жараёнларнинг фаоллашуви. Бундай ҳолатда бутун руҳият айти бир вақтда ишга солинади. И. Пайтида онг тиникланиши кузатилади, фикрлаш ва ижодий ҳаёлот сермахсул бўлади, ҳис-туюғулар тўлиб тошади, эътибор буткул ижод объектига қаратилган бўлади. И. нинг физиологик асоси доминанта (вақтинча ҳукмронлик қилувчи рефлекс-тортизими) ҳисобланади.

И.ни «илоҳий руҳланиш» билан боғловчилар уни фақат бадий ижодда намоён бўлади, деб ҳисоблайдилар. И.га моддиюнчилик нуқтаи назаридан ёндашувчилар уни қаттиқ меҳнат қилиш натижаси деб биладилар. И. Ни ижодиётнинг ижтимоий ва индивидуал омиллари, атроф-муҳит ва шахснинг ижтимоий шарт-шароитлари билан боғлайдилар. Меҳнат фаолиятининг ҳар қандай кўриниши илҳомбахш ва ижодий бўлиши мумкин. И.нинг пайдо бўлиш сабаблари, намоён бўлмиш шакллари хилма-хил. Барча фан соҳибларида И. Бўлади. И. Ижоднинг қудратли омили, у ижодкорларнинг ҳамма кучларини ишга солади, ижодий самарадорликка ёрдам беради.

² Ўзбекистон миллий энциклопедияси. -Т., «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2003, 5-том, 113-бет.



1-расм. Тасаввуфда дунёвий ва гайб илмлари.

Шайтоний тушлар эса кўрувчини чалғитади – инсонларни бир-бирига қарама-қарши қилади. Шайтоний тушлар пешинда, кунботарда ва тонгда, бомдод намози пайти ўтгандан сўнг, ухлаганда келади. Бундай тушлар кўрмаслик учун ухлашдан олдин покланиб ётиш зарур»¹. Туш орқали бизни қилган ва қилмокчи бўлган ишларимизни кузатиб турган руҳий дунёдан ахборот оламиз. Туш бу огоҳлантиришдир. Ҳар бир инсон бундай маълумотлардан тўғри ва оқилона фойдаланишни билиши керак. Бунинг учун биз тушнинг рамзий ўқиш алифбосини билишимиз зарур.

Тушларни таъбир қилиш хусусияти барчага бирдек берилмаган. Бу илоҳий томондан берилади. Қадимда кўп пайғамбарлар, азиз авлиёлар, алломалар туш таъбири ҳақида кўп манбаларда ёзиб қолдиришган. Пайғамбаримиз Юсуф алайҳиссаломнинг туш таъбири ҳақида китоб ёзишлари ва унинг хосиятларини инсонларга ўргатиш ҳақида қуйидаги қизикарли воқеаларни эслаб ўтиш жоиз:

«Ҳазрат Юсуф алайҳиссаломга Ҳазрат Мухтор Жаброил алайҳиссалом Худованди Каримдан андоғ ваҳий келтирдиким, «Ё биродар Юсуф алайҳиссалом, Худовандийнинг салом юборди ва фаришталар дуруди билонихоч юбордилар, баъд аз андоғ ярлиғ ва суборакбодлик Ҳазрати Рабий иззат ул-Жалол ва иззат ул-Жамолдан бўлдиким, дўстим Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом қавмларига туш таъбирини айтиб борсун ва яна туш кўрганинг яхши ва ёмонлигини

¹ Исомухаммедов Б. Туш кўриш хосиятлари. –Т.: «Истиклол», 2003. 3-б.

билмоқ учун китоб шарх килсун. Анинг учунким, ҳар бир махлуқот мундин кейин ўз тушларига ўзи бу китобнинг мазмуни бирга яхшилик ва ёмонликка тавба-тазарруъ қилиб, бало-қазони рабби учун садақа бирла дафъ қилсун, яхшиликка шукрлар бажо келтуруб, садақа қилиб муродга етсун. Ҳар қайсининг яхши ва ёмонлигини кундан илгарирок билиб, сабаб килсинлар. Бандаларга Ҳазрат Юсуф алайҳиссаломнинг мўъжизотлардан тушлари бу таъбир била каромат бўлғай», — дедилар»¹. Шунингдек, Юсуф алайҳиссаломнинг туш таъбирини яхши билганлиги ва «туш таъбири» илми билан юқори мартабага эришганлиги ҳақида бир тўхтаб ўтилса, хато бўлмайди. «Зулайҳо мақсадга эриша олмагач, Юсуфга тўхмат қилиб, уни зиндонга ташлаттиришга муваффақ бўлади. Юсуфни зино қилишга ҳаракат қилишда айблаб, зиндонга ташлайдилар. Лекин, Юсуф зиндонда ҳам тангри таолонинг эътиборида бўлади. Юсуф зиндон бошлигининг кўнглини топди. Зиндон бошлиғи қамоқдаги барча маҳбусларни Юсуфнинг қарамоғига берди, у ердаги ҳамма ишларни Юсуф идора қилар эди.

Зиндонда Юсуф билан бирга Миср подшоҳи Фиръавн — Райёнбинни Валиднинг икки хизматчиси соқийси ва новвойи Фиръавнга қарши хиёнатда айбланиб зиндонга ташлагандилар.

Аллоҳ таоло Юсуф алайҳиссаломга туш таъбирини аниқ айта олиш қобилиятини ато этган эди. Бир куни Юсуфнинг бу икки шериги туш кўришиб, бу тушларининг таъбирини Юсуф алайҳиссаломдан сўрадилар. Юсуф алайҳиссалом туш таъбирини баён қилиш ғайб ишлардан эканлигини, буни фақат Олоҳнинг инояти билангина хабар бериш қобилияти унда бор эканлигини тушунтириб, маҳбуслар кўрган тушларининг таъбирини айтиб берди. Юсуф алайҳиссаломнинг таъбири бўйича тез кунда, Аллоҳнинг иродаси билан бу икки йигит зиндондан чиқишади ва соқий окланиб ўз ўрнига тайинланади, новвой эса қатл қилинади. Хуллас, Юсуф алайҳиссаломнинг туш таъбири тўғри чиқади. Орадан икки йил ўтади. Кунлардан бир куни Фиръавн бир туш кўради, унинг таъбирини барча анъаналардан ва таъбирчилардан сўрайди. Йиғилганлардан бирортаси ҳам ҳукмдорнинг туш таъбирини айтиб беролмайди. Шунда зиндондан ўтириб чиққан Фиръавннинг соқийси ҳукмдорнинг олдига келиб, зиндонда Юсуф исмли бир муаббир (туш таъбирчиси) танишганлигини, унинг таъбири жуда аниқ бўлишини

¹ Таъбирнома. — Самарканд.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётининг Самарканд бўлими, 1991. 4-б.

сўзлайди». Юсуф алайҳиссаломни Фиръавннинг хузурига келтирадилар. Хукмдор кўрган тушини сўзлайди: «Мен тушимда Нил дарёси бўйида турган эканман. Шунда дарёдан семиз ва келишган етти сигир чикди.

Мон, ориқ сигирлар аввалги семиз сигирларни еб юборди. Семиз сигирлар уларнинг кўринишини аввалгидек, мон эди. Шундан сўнг мен уйғониб кетдим. Кейинги тушумда, мен битта пояда ўсиб чиккан еттита тўлик ва яхши бошокни кўрдим. Уларнинг кетидан ингичка бошоклар эса еттита тўлик бошокни ютиб юборди. Бу кўрган икки тушимни таъбирини ҳеч ким айтиб беролмайди».

Юсуф алайҳиссалом Фиръавнга деди: «Тушларингнинг иккалови ҳам бир хил. Худованди қилмокчи бўлган ишларини сизга билдирибди. Етти бош яхши сигир – етти йил, еттита яхши бошок ҳам – етти йил. Уларнинг маъноси бир. Улардан чиккан етти бош ҳам ўша маънода; яъни бу етти қаҳатчилик йилини билдиради. Бутун Миср мамлакатида етти йил буюк фаровонлик бўлади. Ундан сўнг етти йил қаҳатчилик келади. Мисрни хароб қиладиган бу очарчилик оғирлигидан мамлакат кўрган аввалги фаровонлик даври бутунлай эсдан чикиб кетади. Бўладиган қаҳатчилик шунчалик оғир кечадики, мамлакатда ҳеч фаровонлик бўлмагандай туюлади. Тушингизнинг икки марта бир такрор намоён бўлиши эса бу ишни Худованди кечиктирмай амалга оширишидан далолат беради. Менинг Фиръавн жаноби олийларига маслаҳатим шуки, кечиктирмай бир ақлли ва доно одамни бутун Миср ўлкасига рахбар қилиб қўйсинлар, токи у фаровонлик йилларида етиштирилган хосилнинг бешдан бир қисмини Фиръавн оморларида захира сифатида сақлаб қўйсин. Бу Миср бошига келадиган етти йиллик қаҳатчилик даврида бутун аҳоли қирилиб кетмаслиги учун озик-овқат бўлади».

Бу таъбир Фиръавнни ўйлантириб қўйди ва Юсуф алайҳиссаломга буюрди: «Худованди буларнинг ҳаммасини сенга аён қилган экан. Сендан ақлпроқ ва доно одам йўқ. Сени хонадоним ва бутун мамлакат устидан раис қилиб тайинлайман, бутун халқим сенинг амрингга қараб иш тутади. Мен фақат тахтим билангина сендан катта бўламан. Сени бутун Миср юрти устидан бошлиқ қилиб тайинладим», деб узугини бармогидан чиқариб, Юсуфнинг бармоғига тақиб қўйди. Бу вақтда шаҳар ҳокими Қитфийр ўлган эди, Фиръавн Юсуф алайҳиссаломни ўзига вазир этиб тайинлаб, Зулайхони унга никохлаб берди. Маълум бўлишича, Зулайҳо халихануз бокира экан. Аллоҳ уларга икки фарзанд ато этди. Юсуф

алайҳиссалом ўз таъбирида баён қилганидек, мамлакатда етти йил кетма-кет серҳосил йил бўлди. Юсуфнинг фармойиши билан йигилган барча ҳосилнинг бешдан бир қисми хазинага йигиб қўйилди. Саккизинчи йилдан бошлаб кетма-кет етти йил қурғокчилик юз берди. Очарчилик бошланди. Юсуф алайҳиссалом ортиқча бугдойни бошоғи билан салқитиб қўйганлиги учун Миср аҳолиси очарчиликдан омон қолди»¹.

Бундан кўриниб турибдики, туш инсон ҳаётида жуда катта ўрин тутати. Аргентиналик машҳур адиб ва файласуф Хорхе Луис Борхес «кўп мурожаат этган мавзулардан бири – туш ва уни англаш масаласидир. У тушдаги воқеаларни бадиий фалсафий таҳлил этиши, ғайри-мантикий хулосалар чиқаришни севган. Бошқача айтганда, у тушдан ўзига хос маъно-мазмун, моҳият излаб топишга интилган»².



2-расм. Ғайб илмида хабар инсонга Аллоҳ томонидан ваҳий³ ёки хабар икки усулда етказилади.

Абу Абдулло Муҳаммад Ибн Али Ҳаким Термизий «Хатм ул-авлис» номли асарида (X аср) биринчиларидан бўлиб, авлиёлик рутбаси, даражалари ва комил инсон, ҳақида фикрларни баён этган

¹ Абдурахмонов А. Саодатга элтувчи билим. –Т.: Мовароуннахр, 2001. 89-90 б.

² Алимасов В. Борхес парадокслари // Тафаккур. 2004. №1. 38-б.

³ Ваҳий – Тангри таолло томонидан юборилган хабар.

эди. Ул зотнинг фикрига кўра, солиқ маърифат даражалар марта-баларини эгаллай бориб, илоҳиёт оламига яқинлашиб боради ва инсонга муяссар бўладиган билимларнинг энг юксаги – илоҳий чарогонлик билан тенглаша оладиган маърифатга етади.

Шу зайдда қалбида илми ғайб, илми ладуний¹ порлаб, унинг руҳи яратган қудратга уланади².

Руҳий³ яратган қудратга уланган буюк шахслар борки, уларда санаб ўтилган тоифаларнинг бир қанчасининг сифатлари жамланган бўлади. Шайх Нажмиддин Кубро ана шундай зотлар тоифасига кириди. У илму ҳикмат, фалсафа, тиб, риёзиёт, тафсиру талқинлар баробарида ирфоний илмлар, илоҳий ҳикматлар нуруни беради.

5.8. Нажмиддин Кубронинг инсон қалбидаги ранглар ҳақидаги фалсафий қарашлари

Шайх Нажмиддин Кубро улўф мутаффақир, тасаввуф тариқатининг машҳур намоёндасидир. Унинг «Кубравия» – буюк ҳамда «Заҳабия» – олтин деб номланган таълимоти мусулмон дунёси маънавий ҳаётига катта таъсир кўрсатган.

Жуда кўп илм-фан соҳаларининг катта билимдони бўлган Нажмиддин Кубро инсон қалбини чуқур ҳис этувчи буюк руҳшунос

¹ Ладуний илм. «Ладун» арабча сўз бўлиб, «олдидан, ёнидан» деган маънони англатади. Ладуний илм деганда, Аллоҳдаги бор бўлган ва унинг ёнида бўлган, у истаган кишига, истаган жойда ва вақтда берадиган илм тушунилади. Ладуний илм шундайки, Аллоҳга яқин бўлган кишиларга илоҳий таълим, яъни Аллоҳ ўзи инояти билан таълим бериши, тарбиялаши билан маълум қилади. Бу иш ақлнинг далилиси ва нақлнинг, шохидисиз амалга ошади. Ладуний илм Аллоҳ берган билим бўлиб, пир таълимотисиз ва ўзининг ҳаракатисиз, ғайбдан ҳосил бўлади. Демак, ладуний илм-илмларнинг энг юксаги бўлиб, уни қалби пок, амаллари холис кишиларга Аллоҳ ўзи беради. (Абдурахмонов А. Саодатга элтувчи билим. –Т.: Мовароуннахр, 2001. 432-б.).

² Комилов Н. Нажмиддин Кубро. Тошкент.: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. –Т., 1995, 4-б.

³ Руҳ – инсоннинг номоддий мавжудлиги, яъни «Мен»и. У ўлмас, азалий ва абдийдир. Руҳ инсонни жони ва танасини бош мия орқали бошқаради. Одамдан жон чиқиб, бош мия ҳаракатдан, фикрлашдан тўхтаган маҳалда руҳ танани тамомила тарк этиб, танасиз хатни ўлчамдан аср келган номоддий маконда латиф оламда давом эттиради. Тангри таолло қиёмат қойимдан кейин ўлган одамнинг танасига яна қайта жон ато қилиб тирилтиради ва инсон руҳини ўзининг танасига киргизади. Шундан кейин инсон қилмишига яраша жаннатга ё дўзахга ёки асосатга йўл олади. Руҳ, жон ҳақида тўлиқ, аниқ, батафсил, мукаммал билишнинг илоҳи йўқ. Бу ҳақида Қуръони Каримнинг «Ал-Исро» сураси 85-оятдан (Эй Муҳаммад), Сиздан руҳ ҳақида сўрайдилар. Айтинг: «Руҳ ёлғиз Раб-бим биладиган ишлардандир». Сизларга бу ҳақида жуда оз илм берилгандир», деб ёзилган. (Абдурахмонов А. Саодатга элитувчи билим. -Тошкент: Мовароуннахр, 2001, 432-бет.

ҳамдир. Унинг фикрига кўра, Ҳакни таниш йўлида мурид пири раҳнамолигида ўнга зинадан иборат тариқат пиллапоясини (тавба, зухд, таваккул, қаноат, таважжух, узлат, сабр, муруқаба, зикр, ризо) босиб ўтиши зарур.

Нажмиддин Кубро «Алусул ал-ишара», «Рисолат ат-турук», «Фи ахбоб ус-соликин», «Фавойид ул-жамол» каби асарларида «Латоиф» назариясига алоҳида ўрин беради. Бу назарияга кўра, коинот тафаккур, ҳис, руҳ ва тана кабилар ўраб турган кўзга кўринмас марказдан иборатдир. Сўфий махсус машқлар орқали ҳолат, шакл ва ранг ўзгариши ҳосиласи бўлган бу марказни ҳис қилиш ва кўриши лозим»¹.

Кубронинг таъкидлашича, муриднинг руҳий ҳолати доира, доғ ва нукта сингари уч таркибий қисмдан ўтиши зарур. Доира – бу Коинот, доғ – дунё образи, нукта – Коинот маркази(ваҳдад). Нукта моҳиятини англаб етиш – бу илоҳий дунё маъносини англашдир. Ҳар бир дин, мафкура ранг назариясини ўзича талқин қилади. Ислом ва айниқса, тасаввуф тариқати намояндалари ранглар назариясини инсоннинг руҳий ҳолати билан боғлашади. Кубронинг фикрига кўра, ранглар қуйидаги тартибда жойлашади: оқ-сарик-кўк-ҳаво-ранг-яшил-қизил-қора. Бу етти та ранг муриднинг етти хил ҳолати билан боғлиқ. Оқ ранг – ислом, сарик – иймон, кўк – эҳсон, ҳаво-ранг – имтиҳон, яшил – иймон, қизил – ирфон, қора – хайрат, ҳаяжонни билдиради. Ҳар бир ранг муайян маънога эга бўлиб, у қандайдир рамзни англатади.

Кўпгина халқларда оқ ранг – софлик, бокираликни, англатади. Нажмиддин Кубро ҳам бу рангни софланиш рамзи деб кўрсатади. Фақат софланганидан кейингина мурид «тариқат» йўлига кириши мумкин.

Оқ рангдан фарқли ўлароқ сарик ранг бир хилдаги маънога эга эмас. Мисол учун Ўрта Осиё халқлари аجدодлари сарик рангни қуёш нури, олов, олтин, бойлик кабилар рангига мослашганашган.

Европаликлар сарик рангни иссиқ ёзнинг тугаши ва кузнинг бошланиши билан боғлашгани учун айрилиқ тушунчасини ҳам сарик ранг орқали ифодалашади. Нажмиддин Кубро ҳам бу рангни ҳаёт ато этган Худовандига нисбатан муҳаббат рамзи сифатида талқин этади.

¹ Қорабоев У. Нажмиддин Кубро мероси ва унинг «Латоиф» назарияси.-Т.: Санъат журнали, 2002, №4, 2001, 20-21-бетлар.

Кўк ранг – осмон, денгиз ранги, шимол халқларида совук ва соя рангини, шарқликлар учун чексизлик ва мангуликни англатади. Кубро таълимотига кўра, у эҳсонни, янги ҳаётнинг бошланиши, гуноҳлардан покланишни ифодалайди.

Ҳаво ранг – орзулар, меҳр жозоба, оби ҳаёт рамзи. Нажмиддин Куброда у «тавба»дан кейин ҳақ йўлига кириш, ёмон ҳаёллар ва «ҳаром»дан қайтиш, Худованди ман этган юмишлардан ўзини тийиш ва «ҳалол» ишга киришиш кабиларни англатади.

Яшил ранг – ҳаётнинг уйғониши, жонланиши, майсалар ва барглар рангини англатади. Куброда бу ранг муриднинг Худовандига чинакам эътиқод билан қалбини бағишлаган ҳолатини ифодалайди.

Қизил ранг – эҳтиёткорлик, ҳосилдорлик, гўзаллик, қувноқлик, муҳаббат рамзини ифодалаш билан бирга, ўч, душманлик, уруш, қон тўкиш кабиларни ҳам англатади.

Куброда ҳам қизил ранг руҳнинг танадан ажрала бошлаши, қалб ҳақида қайғуриш руҳий дунёни англаш каби нотинч ҳолатлар рамзи ҳисобланади.

Қора ранг – кўпчилик халқларда қоронғилик бахтсизлик, уқубат, мотам, узлат, махфийлик ер ости дунёси кабиларнинг рангидир.


Туркий халқларда эса қора ранг куч, буюқлик қудрат, шунингдек, мақсадни англатади. Нажмиддин Куброда ҳам қора ранг руҳнинг ўз мақсадига, яъни илоҳий дунё оstonасига яқинлашганлигини билдиради. Бу илоҳиётга эришганлик, илоҳий дунёдан ҳайратланиш рамзидир. Кубро назариясида рангсизлик алоҳида ўрин тутати. Рангсизлик асл мақсадига эришганлик, ҳақиқий илоҳий дунё ҳаққониятига эришганлик рамзи сифатида талқин қилади. Руҳнинг бир ҳолатдан иккинчисига (бир рангдан иккинчисига) аста ўтиб бориши руҳнинг такомиллашуви ҳисобланади. Кубро назариясида руҳнинг «ранг» ҳолатига кириши «Талаввун» деб номланади. Руҳнинг илоҳий дунё билан бирлашув ҳолати эса «Тамкин» деб юритилади.

Шогирд ўзгариб, такомиллашиб бориб ўзининг руҳий шакли ва ранглари ўзгарганлигини ҳис қилиши ва буни устозига маълум қилиб бориши лозим. Ўз навбатида устоз шогирдининг гаплари асосида унинг қайси ривожланиш босқичида эканлигини аниқлайди.

5.9. Нажмиддин Кубронинг «Латоиф» назарияси ва комил инсоннинг даража босқичи мезонлари

Нажмиддин Кубро¹ кечинмалар нозик ҳолатларни пухта билганидан, шунга мувофиқ «латоиф»² назариясини ишлаб чиқади. Бу назарияга биноан, инсон руҳи кўзга кўринмас бир латоиф³ марказлардан иборат. Бу онг ва туйғу, рух ва жисм орасидаги бир нарса (1-расм).

У шундай нозикки, уни илғаб олиш ҳам мушкул. Аммо инсон ҳаётида бу «латоиф» марказининг аҳамияти катта. Сўфий айнан шу марказларни яллиғлантириб, ўткирлаштириб бориши ва илғаб олиши даркор. Ана шу «латоиф»⁴ инсоннинг илоҳий хислатидир. Сўфий⁵ риёзатлари⁶, машқлар давомида бу латоифни турли ҳолатларнинг ўзгариши, ранглар ва шаклларнинг алмашиши тарзида тасаввур қилинади.



1-расм. Нажмиддин Кубронинг «Латоиф» назарияси. Жисм, рух, туйғу ва онг марказида латоиф маркази бўлади.

¹ Ирфон – билиш, таниш (тафаккур билан).

² Тасаввуфнинг Ўрта Осиёда йигит вакилларида бири, сўфизмдаги Кубровийлик оқимининг асосчиси Хива (1145–1221).

³ Латоиф – нозик таъблилик.


⁴ Латиф – юмшоқ, мулойим, гўзал, келишган, ёқимли.

⁵ Сўфийлик – уюшма, жамоа деган маънони билдиради, яна сўфийлик арабча «сўф» (жун) сўзидан олинган бўлиб, исломдаги диний фалсафий таълимотдир. Сўфийларнинг олдида қўйган мақсади моддий бойликни қоралаб, ҳақиқий бойлик – маънавий, руҳий бойлик, деб ҳисоблайдилар.

⁶ Риёзат – нафс хоҳиш қилган нарсалардан тийилиш, қийнидиш, машаққат чекиш.

Нажмиддин Кубро назарида нукта, доғ ва дори муриди¹ рухий ҳолатлари ўзгаришида муҳим хизмат қилади (4-расм).

Доира доимий айланишда, у доғини ҳам ўз ичига олади. Аммо булар марказга томон, яъни нукта сари интилади. Нукта моҳиятини англаш орқали Аллоҳ оламини идрок этса бўлади.



2-расм. Муриднинг илоҳий хислатларининг ўзгариши ҳолати:

- 1 – доира фалак доираларининг айланиши; 2 – доғ – дунё тимсоли;
3 – нукта вақтдандир.

Шундай қилиб ранглар сўфийнинг руҳий ҳолатлари, Аллоҳ томон сафараридаги даража босқичларини билдириб туради. Ранглар хилма-хиллиги ва алмашилиб туриши солиқнинг аҳволини, шурий кечинмаларининг давом этаётганини ифодаб, у ҳали талаввун², яъни ботиний-тафаккурий кечинма-ўйларининг алғов-далғовида, турли-туманлигини англатади. Руҳнинг рангдан-рангга кўчиши ривожидан нишонадир. Ушбу жараён охир-оқибатда рангсизлик ҳолатига, яъни тамкин³га олиб келади.

«Тамкин» ҳолатига кирган сўфий «талаввун»дан (ранг-баранг-ликдан) кутулиб, Ваҳдат оламига кўшилган бўлади. Чунончи зангори ранг тўғри келади. Қизил рангда солиқнинг тавба қилиб, та-

¹ Мурид (арабча) – “эргашувчи” “талаб этувчи”, “истовчи”. Бирор ишни қилишга жазм ва азму қарор қилган одам. Пир, Эшонга қўл бериб, сўфийлик йўлига кирган шахс. Пирнинг шогирди. Бутун ақлу иродасини Аллоҳга қаратиб тариқат сирларини ўрганувчи киши. Муҳиблик макомидан кейинги мақом.

² Талаввун-ранг-баранг бўлиш, ўзгариб туриш, товланиш.

³ Тамкин-оғирлик, чидам, оғир тарбиялик, савлат, хайбат.

рикат¹ бошланади, солик қалбида муҳаббат қўзғалади, у Аллоҳ ёди билан яшайди ва бу сариқ рангга тўғри келади. Қизил рангда соликнинг руҳи вужудидан ажрала бошлагани, маърифатга яқинлашгани, маънавий моҳиятлар оламини англаган маълум қилади. Аммо бу босқич ҳали хирс нуктасидан халос бўлмаган бир ҳолатдир. Сўнгра оқ ранг кўринадики, бу юракнинг покланишига ишорадир ва ҳақиқатни англаш бошланади. Ҳақиқат оламидан хабардор бўлиб, тавкит ҳолатини бошдан кечиради.

Шундан сўнгра яшил ранг келади. Яшил ранг валийликдан нишондир. У сирларнинг сирига, ғайбга ошноликни билдиради ва соликнинг асл моҳиятига эришадиганини ҳам англатиши мумкин, мазкур ранглар соликнинг Аллоҳ билан руҳий сафарларини англатган бўлса, олти қора ранг Аллоҳдан ҳақ сари қайта сафарини билдириб, канзул сир-асрорлари ҳазинасини (барча ҳақиқатга эришиши) эгаллашни ва ҳайратга гарқ бўлишини ифодалайди.

2-жадвал

Муриднинг Аллоҳ томон сафардаги даража босқичларининг ранглар орқали акс эттирилиши ва уларнинг мазмуни

№	Ранглар	Даража босқичлари	Даража босқичларининг мазмуни
1.	Зангори 	Шариати	Шариат – тўғри йўл, илоҳий йўл қонунчилиги. Ислом динининг диний ҳуқуқ тизими, кодекси. Шариатда 6 асосий категория бор: 1. Фарз – бажарилиши қатъий, мажбурий хатти-ҳаракатлар; 2. Мандуб – тавсия этилган, лозим топилган, лекин мажбурий ҳисобланмайдиган хатти-ҳаракатлар. Ихтиёрий бажариладиган урф-одатлар. Унинг баъзи бир категориялари суннат таркибига ҳам киради; 3. Мубаш – тор маънода ижозат берилган барча хатти-ҳаракатлар, гуноҳ ҳисобланмайдиган, инсон ҳаёти ва турмуши билан боғлиқ бўлган оддий хатти-ҳаракатлар (овқатланиш, ухлаш; уйланиш, дам олиш ва ҳоказо); уларни бажариш тақиқланмаган ва мажбурий деб ҳисобланмаган.

¹ Тарикат-усул, йўл, маслак, сўфийлик йўли.

			Мубоҳ моҳиятан «жоиз» категориясига тенг; жоиз мубоҳ атамасининг синоними. 4. Ҳалол – рухсат этилган, тоза. Рухсат этилган хатти-ҳаракатлар, тоза ва пок ҳисобланган, озик-овқатлар, сув, ҳайвон ва бошқалар. 5. Ҳаром – қатъий равишда тақиқланган хатти-ҳаракатлар, емишлар, нарсалар ҳолатининг акси. 6. Макруҳ – номаъкул, ёқимсиз меъёрлар. Ҳаром билан ҳалол ўртасидаги ишлар, нарсалар. Сўфийликка қадам қўйган киши дастлаб, шариатнинг барча талаб ва категорияларини мукамал ўрганиши ва эгаллаб олмоғи лозим бўлган.
2.	Сарик 	Тарикат	Тариқат – сўфийликда шариатдан кейинги иккинчи босқич. Тариқат шариатини муҳофаза этувчи илоҳий амал бўлиб, шариатни ҳам ўз ичига олади. Шариат аҳли жаннат иштиёқида ибодатда бўлсалар, тариқат аҳли ҳақ тало дийдорига етишиш учун жондан кечганлар. Тариқат аслан шариат заминидан кўкариб чиққан гулдир. Турли тариқат аҳли Ҳаққа, ҳақиқатга етишишда ҳар хил йўллари танлаб олганлар. Кўнгиллари чопган, қалблари мойил бўлган, ўзларига маъкул бўлиб кўринган тариқатни танлаб олиб, ихлос қўйиб, шу йўлдан кетганлар. Тариқатлар бир-бирларидан кескин фарқ қилган, аммо улар ислом доирасидан четга чиқмаган. Барчаларининг йўллари ўзларича тўғри саналган. Масалан, соддароқ қиёс тариқасида тушунтирсак, бирорта олис шаҳарга, манзилга бориш учун самолётда, поездда, машинада, мотоциклда, велосипедда, отда, эшакда ёки пиёда турли йўллар оша етиб, бориш мумкин. Аллоҳнинг ўзи билгувчирокдир. Тариқатга қадам қўйган сўфий тирикчиликнинг барча ташвишларидан буткул воз кечади. Ихтиёрни устози-пир, шайх эшонга бутунлай топширади ва қуйидаги тўрт асосий тамойилларига қатъий амал қилади. Таваккал – ҳар нарсани ҳар ишни Худовандига солади, ёлғиз унинг ўзига таваккал қилади. Шавқ – ёлғиз яратган Тангри таолони севади, фақат унга муҳаббат қўяди, фақат унгагина интилади.

			Зухд – тарки дунё килиб, зоҳидликда доим тоат-ибодат килиб яшайди, ёлғиз Тангридан бошқага ҳожат бўлмайди.
3.	Қизил 	Маърифат	Маърифат – сўфийликда тарикатдан кейинги учинчи босқич. Сўфийликнинг бу босқичига кадам қўйган сўфий, мурид фақат Худовандининг борлигини мутлақ ҳақиқат деб, бутун олам – коинотни Худовандининг ижоди деб, теварак-атрофдаги нарсалар ва ходисаларни эса, инсон руҳининг Худованди билан қўшилишини олий мақсад деб, яхшилик ва ёмонлик нисбийлигини ақл билан эмас, қалб билан англашлари керак бўлган. Шу мақсадда улар қаттиқ жазава билан зикр-саного тушиб, Худовандининг жамолини кўришга ҳаракат қиладилар.
4.	Оқ 	Ҳақиқат	Ҳақиқат – сўфийликнинг тўртинчи босқичи-«Ҳақиқатга эришув»дан сўнг, сўфий шахс сифатида тугаб, Парвардигорга етиш керак ва фаного эришилгач, у бу босқич ҳам тугалла-нади. Сўфийлик йўлига кирган мўмин аввал муҳиблик, кейин муридлик, кейин дарвешлик, кейин олимлик-орифлик, сўнг валийлик ва ниҳоят набийлик мақомига етишга ҳаракат қилади. Тасаввуфда диннинг ташки жиҳати ша-рият бўлса, ички жиҳати ҳақиқатдир. Тасав-вуфннинг охириги босқичи-ҳақиқатга етган сў-фий азалий ва абадий борлиқ Парвардигор эканлигини, ундан бошқа барча нарсалар вақтинча эканлигини чуқур ҳис этади ва би-лади, қалбан тушуниб этади. Ҳақиқат аҳли инсоний сифатлардан илоҳий сифатларга етишган кишилардир. Уларда шариат-сўз, тарикат-йўл, маърифат Парвардигорга бўлган ишқ бўлса, ҳақиқат ҳолдир.
5.	Яшил 	Валийлик	Валий - «дўст», «эга», «соҳиб», «якин» маъноларни англатади. Парвардигорга якин, азиз, комил одам ҳомий, бандаларнинг ҳомийси маъноларини билдиради. Улар қаромат қилувчи, келажакни олдиндан башорат қилиш қобилиятига эга бўлган, илмли, тақводор кишилар, сўфийлар.
6.	Қора	Қанзул асрор	Аллоҳдан халқ сири қайта сафарини билдириб, қанзул сир-асрорлари хазинасини эгаллашини ва ҳайратга ғарқ бўлишини ифодалайди.

			Шариатнинг мағзи –ҳикматини бошкатдан идрок этиб, қоронги бир доғ рангга ўралади.
7.	Кулранг 	Кулл	Солик Аллох ҳузурида пайдо бўлади. У қора рангдан қутилиб, рангсизлик ҳолатига қиради. Зоти кулл даражасини эгаллаган солик бир ранглик ҳолатида мақсадига эришади.

№	Ранглар номи	Сўфийликнинг даража босқичлари
1.	Зангори	Шариат
2.	Сарик	Тарикат
3.	Қизил	Марифат
4.	Оқ	Ҳақиқат
5.	Яшил	Валийлик
6.	Қора	Қанзул асрор-сирлар ҳазинасини эгаллаганлиги.
7.	Кулранг	Кулл даражаси

6-расм. Сўфийнинг рухий ҳолатининг ранглар асосида даража босқичлари.

Шариатнинг мағзи – ҳикматини бошкатдан идрок этиб, қоронги бир доғ рангга ўралади. Ва ниҳоят солик¹ руҳи яна Аллох ҳузурида пайдо бўлади. У қора рангдан қутилиб, рангсизлик ҳолатига қиради. Зотига қуллик даражасини эгаллаган солик бир ранглик ҳолатида мақсадига эришади.

Муриднинг Аллох томонидан сафардаги даража босқичларигина ранглар орқали акс эттирилиши ва бу даражаларда муриднинг қилиши лозим бўлган вазифалар мезони берилган.

Қўринадик, Наҷмиддин Кубродаги ранглар ва маънолари кейинги вақтларда тасаввуф назариячилари таърифлаган рангларнинг шарҳидан фарқ қилади. У етти ранг ҳислатини етти тушунчага мослаб тушунтирган (6-, 7- а, б расмлар).

Солик руҳи ҳолатларини қайси ранг қўз олдида намоён бўлаётганини пирига айтиб туриш керак. Пир шунга қараб муриди вазифалар юқлайди (8-расм).

¹ Солик – бирор сўфийлик маслагига мансуб, сулук (сўфийлик йўлини, тушунча).

№	Ранглар номи	Ранглар	Сўфийликнинг даража босқичлари
1.	Оқ		Ислом
2.	Сариқ		Иймон
3.	Зангори		Эҳсон
4.	Яппил		(Ишонч)
5.	Кўк		Иқонни (Тўлиқ ишончи)
6.	Қизил		Ирфонни
7.	Қора		Ҳаяжонни

7- а расм. Нажмиддин Кубронинг фалсафий қарашида етти рангнинг етти тушунчаси.



7- б расм. Инсоннинг комиллика эришишида руҳий ҳолатнинг ранглар асосида даража босқичлари.

Олим, авлиё ва бошқаларнинг қалбидаги ранги турлича бўлган. Фаридиддин Атторга кўра аҳамият боҳасида абадийлик топган ва илоҳий сифатлар билан сифатланган. Ҳис ва ақл сарҳадларидан ўтиб шарафланиш билан шарафланган ҳолда бандалик ибодатини қанда қилмаган комил инсондир. У ҳақни англаган ва унга сингиб, эриб кетиб, ягона руҳ билан қоришиб кетган инсон руҳи ҳам ҳақиқатдир, деб таърифланган. Мансур Халложнинг қалбидаги Нажмиддин Кубро солиқ эътиқоди ва иймониға кўп эътибор берган. Шунинг учун у иймон, итминон, иқон (ишонч) сўзларини қайта-қайта таъкидлайди. Аммо қора ранг таърифида ўхшашлик мавжуд. Нажмиддинда бўлгандай, кейинги сўфийлар ҳам қора рангни ҳай-

рат белгиси ҳисоблаб, руҳнинг фанога изох ҳолати рамзи сифатида кўрсатганлар.


Мансур Халложнинг қалбидаги ранги кулранг бўлгани, яъни у муридликнинг энг юкори босқичи – еттинчи босқичига, яъни кулл даражасига кўтарилган авлиёлардан бўлган.

Ҳожа Аҳрор Валий – туркистонлик табаррук авлиё, нақшбандия сулукининг машҳур шайх-муршиди. У ислом оламида катта нуфузга, мавкега эга бўлиб, «валий-авлиё» сифатида танилган. Унинг қалбидаги ранги яшил бўлган.

«Авлиё Аҳмад Яссавий қалбидаги ранги яшил бўлиб, у 63 ёшда Яссиди ер остига кирган ва унинг ҳаётида сифат жиҳатдан янгича ҳаёти бошланади. Бу ердаги ҳаёт ўзгача қонуниятлар асосида кечади. Бу дунё ташвишларидан қутилиб, фақат илоҳий, руҳий оламда яшаш барчага ҳам насиб этавермайди. Бундай олий ҳолатни Яссавий ҳадиси шарифга асосланиб, «ўлмай туриб ўлиш, «Мўта ло тамўдад» деб атайди. Бундай одам моддий ҳаёт чегарасидан ўтиб, нури Муҳаммадийга яқинлашади. Бундай авлиё энди сўфий дарвешлардай жарангли зикр билан шуғулланмай, дилида тоат-ибодат қилади. Валий Аллоҳ жамолини ўзидан фақат жон пардасигина тўсиб турганини англайди.

Аҳмад Яссавий инсон кўкрагида беш гумбаз борлигини айтади:

1. Қалб ёки кўнгил (чап эмчакдан икки энглик пастда).
2. Руҳ (ўнг эмчакдан икки энглик пастда).
3. Сирр (қалбнинг юкорисида).
4. Хофий, яъни махфийлик (гумбази).
5. Ихфо, яъни барча эзгулик гумбази. Демак, Аҳмад Яссавий руҳий оламининг барча гумбазларини дилига жо этган¹.



• Оқ • Сарик • Зангори • Яшил • Кўк • Қизил • Қора •

8-расм. Хоразмли Шайхда ранглари қуйидаги жойлаштириш тартиби.

Хуллас, Нажмиддин Кубронинг ранглари ва шакллар билан боғлиқ руҳи, психологик тажрибалар кейинги сўфийлик томонидан

¹ Носифий Ҳожа Аҳмад Яссавий. -Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1993 йил.12 бет.

ривожлантирилган. Айтиш ўринлики, инсон руҳи билан боғлиқ бу манзара ва ҳолатлар Европада XX аср бўсағасида кенг ўрганилиб, янги билимларнинг вужудга келишига сабаб бўлади. Чунончи, Кафка, Шопенгауэр, Фрейд фалсафасида парапсихология асосий ўринни эгаллайди¹.

Оламда Аллоҳ таоло ва унинг расулидан ташқари яна авлиё ва асфиёларга, донишманд-бузургворлар бор. Уларга эътиқод ва эҳтиром билан яшаб келинади. Уларнинг ҳоқиқий пойини зиёрат этиб, руҳларни шод айлаб, руҳий-маънавий ибрат олинади. Уларни эъзозлаш покликни, маърифатни ва иймонни эъзозлашдир.

Валийларнинг табарруқ руҳларини ёд олиш, уларга дуо юбориш орқилик биз ўз қалбимизни, виждонимизни тозалаш, ҳаёт тарзимизни ростлик ва эзгулик сари мувофиқлаштиришга интиламиз. Чунки валийларнинг маънавий мерослари ва амаллари бизга ибрат ҳамда сабоқдир. Шундай экан, комил инсонлар ҳаётини ўрганиш ўзини ва бутун оламларни яратган Раббисини таний олишнинг қалитидир. Ҳар бир соҳада аجدодларимиз ранг илми бўйича чексиз маънавий хазинага эгадир. Ҳозирда жаҳондаги, айниқса, ривожланган мамлакатларда махсус ранг институтлари ва илмий лабораториялари бу борада самарали фаолият кўрсатиб келишмоқда. Бу ўринда Токио ҳамда Берлин шаҳрида Баухауздаги ва бошқа шаҳарлардаги рангшунослик институтлари дунёга машҳурдир.

У ерда тарбияда, маънавиятда қишлоқ хўжалигида, тижоратда, техникада, тиббиётда, рамзийликда, фалсафада, психологияда, экологияда, меъморчиликда ҳарбий соҳада, дизайн, диний илмда ва бошқа соҳаларда рангларнинг ўрни бўйича жуда катта илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, ранг бир мўъжиза, у даволайди, у хасталайди, у тарбиялайди, у қайфиятни кўтаради, у дунёни билишни ўргатади, у ўзимизни ва яратган Раббисини таний олишга ўргатади. Рангларда бир дунё илм сирлари, маънавият хазиналари яшириниб ётибди. Бу сирларни ўрганиш, рангшунослик фанини янада ривожлантириш, тараққиёт учун муҳим аҳамият касб этади.

Аргентиналик машҳур адиб ва файласуф Хорхе Луис Борхес «Дунё – гаройиб, унда ҳар нарса бўлиши мумкин. Бизгача ҳамма нарса кашф этилган. Аммо гаройиб дунё янада гаройиб тадқиқотларга муҳтож», деган эди.

¹ Булатов С.С., Аханов Б. Ранг психологияси, -Тошкент, 2003. -4 б.

VI боб. УСТОЗ ВА ШОГИРД МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ

6.1. Таълим тизимида устоз ва шогирд муносабатларининг ҳуқуқий томонлари

*Инсон зебу зийнати билим ва одобидир.
Буларни шогирдларга сингдирган
устозларгина чинакам устозлардир.
А. Навоий*

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг барча соҳаларида рўй бераётган туб ўзгаришлар маънавий, маърифий, мафкуравий, касбий жиҳатдан мутлақо янги замон кишини шакллантиришни тақозо этади.

Юртбошимиз И.А.Каримов «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобида «... биз тарихий халқ анъаналари, урф-одатлари ва маросимлари асосида одамлар онгини шакллантириш омилларини кучайтиришимиз зарур»¹, деб қайд этади.

Ҳозирги замон ёшларини миллий, шарқона, тарихий кадриятларни ҳисобга олган ҳолда, замонавий руҳда тарбиялаш ҳамда ижобий инсоний фазилатларга эга бўлган касб соҳибларини тайёрлаш муаммоси давлат миқёсидаги долзарб масаладир.

Бугунги кунда республика ҳукуматининг қатор ҳужжатлари Ватанимизни ҳар томонлама жаҳон андозалари асосида ривожлантиришга қаратилган, жумладан, ёшларга таълим-тарбия беришда маданият, кадрият, миллий санъат намуналаридан, ота-боболар томонидан яратилган ва бутун жаҳонга машҳур бўлган ажойиб санъат намуналаридан кенг фойдаланишга катта аҳамият бериш лозим. Шунга қарамай, таълим тизимида, яъни боғча, мактаб, касб-хунар коллежлари, олий таълим муассаларида «Устоз–шогирд одоби» анъаналаридан фойдаланиш масаласи етарли даражада ўрганилмаган педагогик муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Таълим тизимида мутахассислар тайёрлашда фақат касбий кўникма ва малакаларига эмас, балки шахсий фазилатларига ҳам талаблар қўйилмоқда. Ўзбекистонда касб-хунар таълими жараёнида ижодий, фаол, маънавий бой шахсни шакллантириш учун шарт-шароит яратилган.

¹ Ислон Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: «Ўзбекистон» НМИЎ, 2011 й. 89-бет.

Лекин биз бугунги кунда мутахассислар тайёрлашда қулай шарт-шароитлар яратилган бўлса-да, аждодларимизнинг бой мероси ҳам-да тажрибаларидан тўлиқ фойдалана олмаяпмиз. Аждодларнинг устоз—шогирд одоби ҳақида ёритилган адабиётларни ҳам етарли дея олмаймиз. Бундан ташқари, аждодлар бой тажрибалари касб-хунар ўргатилаётган таълим муассасаларида, чунончи, олий таълими, ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари, шахсий уста—шогирд одоби етарли ўргатилмаслиги ўқувчи ёшларнинг ахлоқ-одобига ва билим даражасига, умуман улар маънавиятининг шаклланишига салбий таъсир этаётганлигидадир. Устоз—шогирд одобининг ҳукукий мезонларидан олий ва ўрта махсус таълим муассасалари раҳбарлари, профессор-ўқитувчилар, мураббийлар, ота-оналар ва кенг китобхонлар оммаси фойдалинишса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

«Устоз—шогирд» аъъанасининг маънавий асослари. Ўзбек халқининг аъъаналари ва уларнинг ўзига хос томонлари «Устоз—шогирд» аъъанасидир. Алломаларимизнинг устоз—шогирд аъъаналарига фалсафий қарашлари, Устоз—шогирд одоби ва таркибий асослари, устознинг шахсий фазилатлари, шогирднинг одоби, шогирднинг устоз олдидаги бурчи ва вазифалари, шогирднинг энг яхши фазилатлари, шогирдларнинг бир-бирларига муносабатлари, одоби, таълим-тарбияда "Устоз—шогирд одоби" аъъаналарини кадрлар тайёрлашда, таълим тизимида ва жамоат орасида фойдаланиш модели. Устознинг шахсий фазилати. Устознинг шахсий фазилатлари: саҳийлик, одобилик, меҳр-мурувватлилик, марҳаматлилик, очик юзлилик, ширин муомалалик, сабр-тоқатлилик, талабчанлик, ифбатлилик, итоатлилик, қаноатлилик, тўғри сўзлилиқ, поклик, мулоғимлик, росттўғйлик, ўртоқлик, дўстлик, ҳамқорлик, ҳамжихатлилик, садокатлилик, ватанпарварлик, инсонпарварлик, самимийлик, озодалик, покизалиқ, зийраклик, ташаббусқорлик, инсофлилик, ор-номуслилик, андишалиқ, қатталарни ҳурмат қилиш, соф муҳаббатни қадрлаш, вазминлик, миллатларни ҳурмат қилиш, ота-онани ҳурмат қилиш, меҳр-шафқатли бўлиш ва бошқалар.

Устознинг қасбий фазилати

Устознинг қасбий фазилатлари: осон йўл билан мураккаб билимларни шогирдларга ўргата олиши (ўқувчанлик), барча ҳунар ва фан турлари юзасидан муайян билимга эга бўлиш, қисқа дақиқаларда шогирдларни уюштира олиш ва бошқариш истеъдоди, ихчам ва маъноли, оҳангдор, муайян ритм, суръат, қастотага эга бўлган

нутк, ўзининг шахсий хусусияти, билимдонлиги, ақл-фаросатлиги, мустаҳкам иродаси билан обрў орттириши, муомала ва мулоқот ўрната олиши, инсоний қиёфаси, ҳаракатлари ва қилган ишлари асосида келажagini оқилона тасаввур қилиши, имон-эътиқодга, фаол ҳаётий жараёнларга йуналтириш қобилияти, ташаббусга, ижодга илҳомлантира олиши, тадқиқотга лаёқатлилик, яъни ўз хунарига янгиликлар кирита олиш, ўз хунарига қизиқиши ва уни ёшларга сидқидилдан ўргата олиши, соҳаси бўйича ўзидан кейин содиқ шогирдлар қолдириши ва бошқалар қиради.

Шогирднинг одоби

- Ўз ишига яхши муносабатда бўлиш, яъни ўз касбини севиш.
- Ўз ишига эътиқод қўйиш ва унга ишониш.
- Меъёрни сақлай билиш.
- Устозлар эҳтиромини адо этиб юриш.
- Қўриш лозим бўлмаган ҳамма нарсалардан нигоҳини олиб қочиш.
- Эшитиши мумкин бўлмаган барча нарсаларга қулоқ солмаслик.
- Барча нолойиқ ишлардан қўл тортиш.
- Устозга зид бўлган кишилар билан муомала қилмаслик.
- Шогирднинг устоз олдидаги бурчи ва вазифалари.
- Устозга итоатли бўлиш.
- Устоз анъаналарини давом эттириш.
- Устозга тақлид қилиш.
- Сабр-тоқатли бўлиш.
- Устозга садокатли бўлиш.
- Бир сўзли бўлиш.
- Иродали бўлиш.
- Устознинг юзини ерга қаратмаслик, аксинча, унинг обрўсини кўтариш.
- Устознинг шаънига илиқ сўзлар айтиш.
- Устознинг душманлари билан дўст бўлмаслик.
- Устознинг оила аъзоларини ҳурмат қилиш.
- Устознинг рухсатисиз ҳеч нарсага қўл теккизмаслик.
- Бировнинг нарсасига қўз олайтирмаслик.
- Устозга чексиз ҳурмат билан муносабатда бўлиш.

Шогирднинг энг яхши фазилатлари

- Устоз қабулига кирганда ёки устозни кўрганда, биринчи бўлиб салом бериш.
- Устознинг олдида ўйлаб кам гапириш.
- Агар маслаҳат сўрамоқчи бўлса, олдин устоздан ижозат олиш.
- Устоз жавоб айтганда эътироз этмаслик.
- Бошқаларни ғийбат этмаслик.
- Устоз олдида бошқаларни ғийбат қилмаслик.
- Ўтириб-туриш одобини тўлиқ сақлаш.

Шогирдларнинг бир-бирига муносабатлари одоби

- Ўзаро самимий муносабатларда бўлиш.
- Интизомли бўлиш;
- бир-бирини айибини унинг ўзига айтиш ва бошқаларга ошкор қилмаслик;
- Эринчоқ ва ялқов бўлмаслик;
- Дўстнинг омонатига хиёнат қилмаслик, зиён-заҳмат етказмаслик;
- Мунофиқ ва риёкор бўлмаслик, адоват, ҳасад, ғийбат, игво қилмаслик, ёлғон сўзламаслик;
- Бир-бирига ёрдам бериш;
- Дефарқ, лоқайд бўлмаслик;
- Дўстининг муваффақиятидан қувониш.

6.2. Талаба ёшлар маънавиятини шакллантиришда устоз ва шогирд муносабатларини шакллантиришнинг психологик ечими

Устоз ҳуқуқлари

1. Муассаса этиборига тарбиявий ишларини яхшилаш бўйича масалаларни қўйиш ва таклифлар киритиш, шогирдларининг истак ва эҳтиёжларидан хабардор қилиш.
2. Устоз шогирдларининг муассасада сақланаётган ҳужжатлари билан танишиш ва уларни ўрганиш.
3. Зарурат туғилган ҳолларда шогирднинг ҳақ ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларга бу масалада кўмаклашиш. Уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш ҳақида таклифлар киритиш.
4. Иш жойининг тавсиясига кўра, устозлик вазифаларини тўлиқ ва намунали бажарганлиги учун иш ҳақига қўшимча тўлов олиш.

5. Шогирдлар ўз мажбурятларини бажармаган ҳолларда (устоз) муассаса томонидан ўрганилиб тегишли чора кўрилишини талаб қилиш.

6. Фаолият давомида объектив сабаблари кўрсатилган ҳолларда устозга муассаса қарори билан шогирдини ўзгартиришга рухсат берилади.

7. Муассасага намунали шогирдларни рағбарлантириш ҳамда ўз эътиқодидан воз кечаётган ёки тартиббузарлик билан мунтазам шуғулланаётган шогирдларга нисбатан маъмурий чора кўриш ҳақида таклифлар киритиш ҳуқуқларига эга.

Шогирднинг ҳуқуқлари

1. Шогирднинг устозни танлаш хоҳиши ихтиёрий ҳисобланади.

2. Шогирд истиқболли мавзунини устоз билан танлаш ва тасдиқлаш ҳуқуқига эга.

3. Устознинг касбий, маънавий сифатларига оид ҳужжатлар билан танишиш ҳуқуқларига эга.

4. Давлат ва нодавлат кутубхоналари, интернет тизими, архивлардан ва бошқа манбаларда эркин ахборотлар олиш ва фойдаланиш ҳуқуқларига эга.

5. Халқаро ва республика танловларида, грантларда ҳамда турли йўналишдаги кўрикларда қатнашиш ҳуқуқига эга.

6. Халқаро, минтақавий ва республика миқёсида конференциялар, симпозиумлар, йиғилишлар, давра суҳбатларида ўз маърузалари билан чиқишлар қилиш ҳуқуқига эга.

7. Халқаро, минтақавий ва республика оммавий ахборот воситаларида ўз мавзусига оид чиқишлар, мақолалар чоп этиш ва иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Таълим тизимида ўтказиладиган тадбирлар

1. Таълим тизимида «Устоз–шогирд» анъаналарига бағишланган тадбирлар ўтказиш:

- Устозлар ва мураббийлар куни.
- Мустақиллик ва бошқа байрам кунларида.
- Олимлар билан учрашув.
- Конференциялар ва семинарлар.
- Малакавий ва номзодлик диссертациялар ёзиш.
- Спорт мусобақалари ўтказиш.

Оила ва жамоа жойларда «Устоз–шогирд» анъаналарига бағишланган тадбирларнинг ўзига хос жиҳатлари.

Маҳалларда, ишхона, корхона ва бошқа жойларда турли семинарлар, конференциялар, теле, видео, кинофильмлар, концертлар, байрам кечалари, театр кўрсатувлари ва бошқалар ташкил этиш.

**Таълим тизимида ўқувчи-ёшлар маънавиятини шакллантиришда
«Устоз–шогирд» анъаналарига оид тарғибот-ташвиқот ишлари**

Ўзбекистонда «Устоз–шогирд» анъанлари асосида етук кадрлар тайёрлашга оид тарғибот ва ташвиқот юзасидан ишларини бажариш. Телевидениеда «Устоз–шогирд» анъаналари асосида кўрсатув, радиода мантазам эшиттиришлар олиб бориш. Шу мавзу бўйича тадбирларни ўтказиш учун дастур ва методик қўлланмалар нашр этиш. Газета ва журналларда мақолалар, кроссвордлар, савол-жавоб, тест қўринишидаги материаллар олиб бориш. Устоз ва шогирдлар учун ўқув-методик қўлланмалар нашр қилиш. Кўргазмалар куруллар нашр қилиш ва таълим тизимига тарқатиш.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари». – Т., Ўзбекистон, 1997.
2. Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.; Маънавият, 2008 .
3. Булатов С.С., Аҳмедов М.Б. Бадиий таълимнинг фалсафий асослари. Монография. Т.: Фан ва технологиялар, 2010.
4. Бердимуродов А. «Билмадим не эди гуноҳим?». Ўзбекистон адабиёти ва санъати газетаси. 2008, 12 декабрь.
5. Виготский Л.С. «Психология искусства». – М.2-е изд. 1968.
6. Зоҳидов П. Зеб ичра зийнат. Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985.
7. Зоҳидов П. Меъмор олами. Т., Қомуслар бош таҳририяти, 1996.
- Иванов.П.И. Умумий психология. Т.: Ўқитувчи, 1967.
8. Исомухаммедов Б. Туш кўриш хосиятлари. Т.: Истиклол, 2003.
9. Иванов П.И. Умумий психология. Т.: Ўқитувчи, 1967.
10. Комилов К. Нажимидин Кубро.Т.А. Қодирий номидаги халқ мероси нашрети. 1995.
11. Комилов Н., Тасаввуф (1-китоб), Т., 1999.
12. Комилов Н. Тасаввуф (2-китоб), Т. 1999.
13. Комилов Н. Тасаввуф – Т.: «Мовароуннаҳр». 2009.
14. Криминалистика техникаси. Тошкент: Қатортол-Камолот, 1999.
15. Кузин В.С. Психология: Учебник для художественных учил. 2-е изд. – М.: Высшая школа, 1982.
16. Крюков К.С. «Кўкалдош мадрасаси». Т., Ўзбекистон, 1968,
17. Концепция музыки в культуре Ислама. [Http://www.krugosvet.ru/articleg](http://www.krugosvet.ru/articleg).
18. Менглиев.Б. Фалсафа нечанчи ўринда туради. Маърифат газетаси. 2004 йил 10 март.
19. Муҳаммад Али Джамния, Модже Байат. Под Суфийском плащом (пер. с англ. Орлова А.) М: Старклайт, 200 стр. 2002.
20. Носирий, Хўжа Аҳмад Яссавий. Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1993.

21. Нигмонов Б. Накш композициясини тузиш. Т., Низомий номидаги ТДПУ, 2006.
22. Нурбахш Дж. «Таверна среди руки». М.: «Прогресс», 1992,
23. Отажонов Р.К., Геометрик яшаш методлари. 3-нашри, Т., 1971.
24. Психология қисқача изоҳли луғат (Тузувчилар М.Г.Давлетшин ва бошқалар). Т.; ТДПУ, 1998 й.
25. Психология қисқача изоҳли луғат (Тузувчилар М.Г.Давлетшин ва бошқалар). Т.; ТДПУ, 1998 й.
26. Раҳмонов М. Психология курсида кўрсатмалилик. Т.: Ўқитувчи, 1981.
27. Раҳимова З. Шайхлар ва дарвешларнинг либослари. // Санъат журнали. Т.: 2008 №2.
28. Раҳимова М. Психология курсида кўрсатмалик. –Т.: Ўқитувчи, 1981
29. Рўзиева М., Саломова Г. Суфийлар маросимларида мусика ва ракс. //Санъат журнали Т.:2008, №2.
30. Сулаймонов Х., Сулоймонова Ф. Алишер Навоий асарларига ишланган расмлар. -Т.: Фан, 1982.
31. Султонов Д. Тириклик тимсоли. Тафаккур журнали. – 2003 , № 2
32. Сиесарев Г.П.Хорезмийские легенды как источник по истории религиозных культов Средней Азии, М.,1983.
33. Таъбирнома. Самарқанд. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётининг Самарқанд бўлими. 1995.
34. Нажмиддин У. Кубро мероси ва унинг «Латиф назарияси», Т., Санъат журнали, 2002, № 4.
35. «Тақдир таъбири». (Шаркий толеном) – Т.: «Янги аср авлоди», 1999.
36. Триминтед Дж. С. Суфийский Орден в исламе, М., 1989.
37. Турғунов Қ. Психология терминларнинг русча-ўзбекча изоҳли луғати Т.: Ўқитувчи, 1975 й.
38. Сулаймонов Х., Сулаймонова Ф. Алишер Навоий асарларига ишланган расмлар. -Т.: Фан, 1982.
39. Усмонов О. ва Мадраҳимов А., Камолиддин Бехзод. Т.; А.Қодирий номидаги халқ меъроси нашриёти, 2000.
40. Умумий психология. Т.: Ўқитувчи, 1992.
41. Урманцев Ю.А.. Симметрия природы и природа симметрии. М., 1974.

42. Хайруллаев М.М., Ҳақбердиев М., Логика, Т., 1984.
43. Ҳақимов А.А. Изобразительно орнаментальные образы и мотивы прикладного искусства. «Художественная культура Средней Азии в XXIII век» Т., 1983 г.
44. Ҳусайн Воиз Коишифий Футааватномаси. Султоний ёхуд жовонмардлик тарикати. Т. 1994.
45. Хигир Б.Ю. Физиогномика. - М.-С-Петербург: ДИЛЯ, 2000.
46. Шамсиддин Муҳаммад ибн Амируддин Дунасарий. Одамни билиш илими. Форс-тожик тилидан Б. Омон таржимаси. Тошкент: Ёзувчи, 1994.
47. Шорохов Е.В. Композиция. – М., 1986.
48. Шубников А.В. Симметрия (Законы симметрии и их применение в науке, технике и прикладном искусстве). М.-Л., 1940;
49. Эрност К. Суфизм. Наставничество и ученичество. Посвещение ([www/middleast](http://www.middleast)).
50. Эндрюс Т. Сўфийский танец // Магия танца. М., 1996.
51. Эгамов А. Композиция. 5-9 синф. Т., «Санъат», 2005.
52. Юсупова М., Рахимова З, Ибрагимов О. Суфийский традиции в искусстве Маверуннахра XV–XVII вв. Т.; Санъат, 2010.
53. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т.3. –Т.: 2002.
62. Ўзбекистон сиёсий-иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари. Т. 1995.
63. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси 1, 2, 3, 4, 6, 10 жилдлар. –Т.: 2002–2005.
64. Ўзбекистон адабиёти ва санъат газетаси «Улуғбекнинг астрономия мактаби». 2009 йил 10 июль.
65. Қиёфа ул-башар (Қиёфага қараб аниқлаш) // Масъул муҳаррир М.Ҳақимжон. Тошкент. Ғафур Ғулом номидаги Абдиёт ва санъат нашриёти, 1991.
66. Ғафур Ғулом. Ибтидодаги аҳд. Тафаккур жур. 1994. 1-сон.
67. Ҳақимов А. Бехзод Ғарб–Шарқ мулоқоти (тарихий ҳодисалар талқини). Т.; Санъат журнали. 2000 й, №4.
68. Ҳақкулов И., Тасаввуф сабоқлари, Бухоро, 2000.

Кириш.....	3
I боб. Бадий таълим тизимида талаба-ёшларни санъат асарлари моҳиятини англашга ўргатишнинг назарий асослари.....	7
II боб. Санъат асарларининг моҳиятини англашда коинот фалсафаси	22
2.1. Меъморий ёдгорликлар нақшу нигораларидаги коинот фалсафаси.....	22
2.2. Санъат асарлари моҳиятини англашнинг фалсафий асослари	34
2.3. Инсон билан коинот ўртасидаги муносабатлар уйғунлигининг фалсафий асослари	41
III боб. Тасвирий санъат турларини бадий таҳлил қилиш ва асарлар моҳиятини англашнинг психологик асослари.....	57
3.1. Хаёл жараёнининг психологик таҳлили.....	57
3.2. Тасвирий санъат асарларини моҳиятини англашнинг психологик хусусиятлари.....	65
3.3. Инсон қиёфасини ўқишнинг психологик асослари.....	69
IV боб. Бадий асарлар моҳиятини англашнинг фалсафий асослари	75
4.1. Бадий асарлардаги ғоялар тизимининг фалсафий талқини.....	75
4.2. Санъат асарларидаги ҳаракатлар тизими.....	78
4.3. Тасвирий санъат асарларидаги симметриянинг фалсафий талқини	83
4.4. Бадий асарлардаги миллий колоритнинг мантиқий асослари	93
V боб. Комил инсон қалбидаги ранглар фалсафасининг психологик хусусиятлари	104
5.1. Рангларни фалсафий ўрганишдаги муаммолар.....	104
5.2. Тасаввуф (суфийлик)	105

5.3. Диннинг улуғ юлдузи	107
5.4. Кубровийлик тариқати.....	108
5.5. Шайхи валийтарош	111
5.6. Ривоят ва ҳақиқат	112
5.7. Тасаввуфда дунёвий ва ғайб илмлари	115
5.8. Нажмиддин Кубронинг инсон қалбидаги ранглар ҳақидаги фалсафий қарашлари	120
5.9. Нажмиддин Кубронинг «Латоиф» назарияси ва қомил инсоннинг даража босқичи мезонлари.....	123
VI боб. Устоз ва шогирд муносабатларининг ҳуқуқий ва психологик асослари	132
6.1. Таълим тизимида устоз ва шогирд муносабатларининг ҳуқуқий томонлари	132
6.2. Талаба ёшлар маънавиятини шакллантиришда устоз ва шогирд муносабатларини шакллантиришнинг психологик ечими	135
Фойдаланилган адабиётлар	138

С. Булатов

**Санъат асарларининг моҳиятини
англаш психологияси**

(Монография)

Муҳаррир Э. Бозоров

Бадий муҳаррир М. Одилов

Компьютерда саҳифаловчи А. Тиллахўжаев

Нашр лиц. АИ № 174, 11.06.2010.

Босишга рухсат 24.12.2013да берилди. Бичими 60x84¹/₁₆.

Офсет қоғози №2. «Times New Roman» гарнитураси.

Шартли б.т. 8,37. Нашр-ҳисоб т. 9. Адади 50 дона.

Буюртма № 35^А.

«IQTISOD-MOLIYA» нашриётида тайёрланди.
100084. Тошкент. Кичик ҳалка йўли кўчаси, 7-уй.

«HUMOYUNBEK-ISTIQLOL MO'JIZASI» босмахонасида
офсет усулида чоп этилди.
100003. Тошкент. Олмазор кўчаси, 171-уй.